

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ  
ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**ТОШКЕНГ-2017**

*Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

**ЎзМУ, доценти  
А.И.Расулов**

**Такризчи:**

**Сеул Вонтай (Жанубий Корея)  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети профессори**

*Ўқув -услугий мажмуа ЎзМУнинг ..... кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -  
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
I. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	91
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	101
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	104
VII. ГЛОССАРИЙ .....	105
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	108

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Бугунги кунда замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари барча фан соҳаларига, барча ташкилотларга кириб борган, чунки гуруҳлар масаласи унинг ташкилотдаги ўрни муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот, корхона, ўқув масканларида катта гуруҳлар, кичик гуруҳлар, диффуз гуруҳлар, норасмий гуруҳлар мавжуд уларни зиддиятларга бормаслиги учун ҳам мазкур курсни ўқитиш муҳим ҳисобланади.

### **Модулнинг мақсади ва ВАЗИФАЛАРИ**

**Ўқув фанининг мақсади** замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари тушуниш умумий психология ва социология предметини тушунишига боғлиқлигини ўрганиш. Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари предметига нисбатан мавжуд уч нуктаи назарларни ўрганиш. Замонавий психологиянинг бошқа фанлар, психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабатига қаратилган.

**Ўқув фанининг вазифалари** Тингловчиларни замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари модулининг назарий асослари ва инсон тараққиёти қонуниятларини тадқиқ этиш учун амалий материаллар билан қуроллантириш.

Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалаларини ўзлаштирилиши; мазкур фан амалиёти билан танишиш; мустақил билим олиш муҳимлигини англаш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**Ўқитишдан кутиладиган натижа** - тингловчилар замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари оид билимларни назарий ва амалий жихатдан ўзлаштириши.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади, шунингдек, модулнинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик

технологиянинг “Кластер”, “Бумеранг”, “Матбуот конференцияси” сингари методлари орқали ҳамда слайдлар, мультимедиа намоишлари билан ўтказилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Психологик маълумотларни компьютерда қайта ишлаш” ва “Педагогик психологиянинг долзарб масалалари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модуллари билан ҳамда “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғлиқ.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ижтимоий қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини, гуруҳларнинг миллат ҳамда жамият равнақидаги ўрнини талабаларга тушунтириш, уларда ижтимоий гуруҳларни тушуниш, таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил этиш, ижтимоий рол тушунчаси. Ижтимоий роль-ижтимоий фаолиятни ижтимоий зарурий тури-ижтимоий муносабатлар системасидаги шахсни ўрни билан белгилаб берилган шахс хатти-ҳаракатининг усули, мазмун ва шакл, мавзу ва ғоянинг моҳияти билан таништиришга кўмаклашишга ёрдам беради.

### **“Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари” Модулнинг соатлар бўйича тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	Назари	Амалий		
1.	Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари						
2.	Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари						
3.	Инсонлар ўртасидаги типологик фарқларни ўрганишга доир янги ёндашувлар						
4.	Мотивациянинг асосий ва замонавий назариялари характеристикаси						
5.	Билиш жараёнларини амалий ўрганиш усуллари классификацияси						
6.	Замонавий психология ва бола						

	тараққиётига оид муаммолар						
7.	Амалий психологиянинг методологик асослари	5					2
8.	Амалий психологиядаги замонавий технологиялар	5					2
<b>Жами:</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1 – Мавзу. Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари**

Психология фани соҳаларида бугунги кундаги илмий янгиликлар ва уларнинг характеристикаси.

Психология фани муаммоларини амалий ўрганишдаги ҳаракатлар.

Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари. Шахс назариялари ва уларнинг қиёсий таҳлили. Психоанализ ва психосинтез назариялари таҳлили. Шахсга факторли, когнитив ёндашувлар. Шахс психологиясида тадқиқот ва баҳолаш. Шахс психологиясининг янги йўналишлари. Шахсни амалий ўрганиш усуллари.

### **2 – Мавзу. Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари**

Шахсга факторли, когнитив ёндашувлар. Шахс психологиясида тадқиқот ва баҳолаш. Шахс психологиясининг янги йўналишлари. Шахсни амалий ўрганиш усуллари.

Темперамент ва шахс. Темперамент назариялари. Инсонлар ўртасидаги типологик фарқларни ўрганишга доир янги ёндашувлар. Индивидуал тафовутларнинг эмоционал ва мотивацион жабҳалари. Ирода кучини намоён бўлишидаги тафовутлар. Инсоннинг индивидуаллиги. Фаолият ва типологик фарқлар ўртасидаги муносабат. Саломатлик ва индивидуал хусусиятлар.

### **3 – Мавзу. Инсонлар ўртасидаги типологик фарқларни ўрганишга доир янги ёндашувлар**

Индивидуал хусусиятлар ва патология. Индивидуал хусусиятларни ўрганиш методикалари. Типлар ва темперамент хусусиятларини ўрганиш методикалари. Эмоционал соҳадаги индивидуал хусусиятларни ўрганиш методикалари. Мотивацион соҳадаги индивидуал хусусиятларни ўрганиш методикалари. Иродавий соҳадаги индивидуал хусусиятларни ўрганиш методикалари.

### **4 – Мавзу. Мотивациянинг асосий ва замонавий назариялари характеристикаси**

Характер. Инсон характер типлари. Шахснинг характерология хусусиятлари. Характерологик хусусиятларни амалий ўрганиш усуллари.

Шахснинг ички регуляциясини ташкил этувчи жабҳалар. Мотивация назариялари эволюцияси. Мотивациянинг асосий ва замонавий назариялари

характеристикаси. Мотив ва мотивацияни амалий ўрганиш усуллари. Меҳнат мотивацияси методлари, муваффақият ва муваффақиятсизликдан кўрқиш мотивацияларини ўрганиш.

### **5 – мавзу: Билиш жараёнларини амалий ўрганиш усуллари классификацияси**

Эмоция назариялари, эмоция назариялари иерархияси. Эмоцияни амалий ўрганиш усуллари.

Ирода ва ирода назариялари. Иродавий бошқарув ва иродавий зўр бериш. Алоҳида иродавий сифатлар характеристикаси. Иродавий сифатларни ўрганиш методикалари.

Когнитив қобилиятлар характеристикаси. Когнитив қобилиятлар эволюцияси. Когнитив қобилиятларга доир ёндашувлар

Билиш жараёнларини амалий ўрганиш усуллари классификацияси. Билиш жараёнларини экспериментал ўрганиш. Билиш жараёнларини амалий ўрганиш методикалари.

Когнитив қобилият факторлари. Когнитив қобилиятларга клиник ёндашувлар. Когнитив қобилият тестлари.

### **6 – мавзу: Замоनावий психология ва бола тараққиётига оид муаммолар**

Замоनावий психология ва бола тараққиётига оид муаммолар. Хориж ва мамлакатимиз психологиясида бола тараққиёти муаммосига бўлган замоनावий ёндашувлар.

Инсон онтогенезида вужудга келиш ва ривожланиш жараёнидаги ўзаро муносабатлар.

Инсон психикаси ривожининг даврийлиги ва босқичлилиги. Ёш даврлари ва инқирозларининг шахс тараққиётидаги аҳамияти. Бола тараққиётига оид хориж ва мамлакатимиз психологларининг замоनावий қарашлари.

### **7 – мавзу: Амалий психологиянинг методологик асослари**

Таълим ва тарбия шахс тараққиётининг омиллари сифатида. Онг ривожи ва шахсдаги ўзини англаш жараёни.

Амалиётчи психолог фаолияти контекстида замоनावий психологиянинг масалалари. Амалий психологиянинг методологик асослари. Болаларнинг психик саломатлиги ва психик тараққиёти. Оила ва бола шахсининг ривожланиши. Ёш даврлари ривожланиши контекстида саломатлик психологияси.

### **8 – мавзу: Амалий психологиядаги замоनावий технологиялар**

Амалий психологиядаги замоनावий технологиялар.

Касбий фаолиятга замоनावий психологик назар. Касбий фаолият –

психология фанининг предмети сифатида. Касбий фаолиятнинг тузилмаси ва мазмуни. Фаолиятнинг психологик тизими генезиси. Касбий фаолият психологияси назарияси ва методологияси. Профессионализмнинг психологик асослари. Меҳнат субъектига психологик тавсиф. Инсонни касбий ривожлантириш моделлари. Профессионал шахс ривожланишининг асосий қонуниятлари.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

### **Кўчма машғулотни ташкил этиш шакли ва мазмуни**

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;

- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**


Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**1,5 балл.**



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари” модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларини қўллашда олдин фан ўқитувчи уларнинг назарий жиҳатлари бўйича етарлича билимга эга бўлишини тақозо этади. Масалан, бу борадаги етарли даражада илмий маълумотлар борлигини кузатилади. Бу борада қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Биринчидан, *педагогик технология* -таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО). Иккинчидан, педагогик технология турларини фарқлай олиш лозим (1-расм):




1-расм. Педагогик технологиялар

**Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари.** Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. (28 бет)

**1. Таълимнинг инновацион шакллари.** Замонавий шароитда тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Ўйин технологиялари (ўйин таълими)-** ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири (2-расм).



**2-расм. Ўйин технологиялари**

Бугунги кунда ўйин технологиялари таълим жараёнида зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришда хизмат қилаётганлиги эътироф этилади. Масалан, психодиагностик тадқиқот ва текширувлар жараёнини ташкил этиш ёки психодиагностик тадбирларни ташкил этиш вақтида психолог-буюртмачи (клиент) муносабатларини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларни шакллантириш вақтида қўллашда қўл келиши мумкин. Аммо, умумий психодиагностика фанидан ўқув машғулотларда ўйин сценарийларининг мавжудлиги жуда кам.

Умумий психодиагностика фани бўйича ўқув машғулотларида **интерфаол таълим** методларидан фойдаланиш анча қўл келади. Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол – яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “тингловчи – ўқитувчи” ва “тингловчи-тингловчи”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, талабалар бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектдан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади.

Ўқитишнинг интерфаол методлари ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, муаммоларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади.

Интерфаол ўқитиш тингловчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

- ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши
- сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси

- сифатида фаолият кўрсатади;

- ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг

- субъекти – тингловчи ҳисобланади;

- муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси талабаларнинг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

- ўқув фаолиятнинг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади.

- ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни тингловчидан ўзининг шахсий билиш маҳорати ва кўникмаларини ўзлаштириб олиши учун замин ҳозирлашдан иборат.

### **Машғулотларда интрефаол ўқитиш методларидан<sup>1</sup>**

#### **“SWOT-таҳлил” методи.**

- **Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

- **S – (strength)** – кучли томонлари

- **W – (weakness)** – заиф, кучсиз томонлари

- **O – (opportunitu)** – имкониятлари

- **T – (tnreat)** – тўсиқлар

#### **“«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. -136 бет.

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

**Ф** – фикрингизни баён этинг.

**С** – фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

**М** – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

**У** – фикрингизни умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**“Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

**“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**““Чархпалак” технологияси.**

**Технологиянинг мақсади:** мазкур технология тингловчиларда муайян мавзу бўйича ўзлаштирилган касбий ахборотларни мустаҳкамлаш, анализ-синтез қилиш, такрорлаш, баҳолаш ва мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан мавзуга мос равишда уй вазифаларини такрорлашда, баҳолашда ва назорат ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**“Венн диаграммаси”** (инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган).

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади.

Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳаъзоларини таништириладилар;

**“Чархпалак” технологияси.**

**Технологиянинг мақсади:** мазкур технология тингловчиларда муайян мавзу бўйича ўзлаштирилган касбий ахборотларни мустаҳкамлаш, анализ-синтез қилиш, такрорлаш, баҳолаш ва мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан мавзуга мос равишда уй вазифаларини такрорлашда, баҳолашда ва назорат ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**“Синквейн” методи**

**Методнинг мақсади:** “Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”:

мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар захирасини баҳолаш воситаси; иждодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

**“Кластер” методи<sup>2</sup>**

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўқувчи (талаба)лар билан яқка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган. машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини

<sup>2</sup> Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳоликова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. -136 бет. 36-37 бетлар

яратади. Методдан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Юқори санаб ўтилганлардан ташқари “Блиц-сўров”, “Блиц-ўйин”, “Икки қисмли кундалик” ва бошқа методлардан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда таълим самарадорлигини ошириш ва кадрлар тайёрлаш сифатини ўстиришда яна бир технология-“Кейс технологияси” саналади.

### **«Блиц-сўров» усули<sup>3</sup>**

**Усулнинг тавсифи.** Ушбу усул талаба (ёки ўқувчи)ларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўткази олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.

**Усулнинг мақсади:** ушбу усул орқали талаба (ёки ўқувчи)ларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳам фикр бўла олиш каби кўникмаларни шакллантириш.

### **«Мусбат, манфий, қизиқарли» (ММК) методи<sup>4</sup>**

Мазкур метод тингловчиларнинг мавжуд вазиятни барча деталларини пухта ўрганиш асосида хулоса чиқаришга одатлантириш орқали тафаккури ва фикрлаш жараёнларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу методнинг “Шахснинг психодиагностик баҳолаш” мавзусини ўқитишда қўллашда қуйидаги ижобий хусусиятлари инобатга олинади:

### **Кейс технологияси**

Сўн г г и ва қ т л а р д а “К е й с – с т а д и” методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Шу сабабли айни ўринда ушбу метод (технология) моҳияти ҳақида сўз юритилади.

**“Кейс-стади” технологияси** (ингл. “case” – чемадан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – 1) талабаларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга

<sup>3</sup> Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: Истеъдод, 2008.- 180 б.

<sup>4</sup> Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳоликова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. -136 бет. 43 бет.

хизмат қиладиган технология;

2) реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси.

Технологиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлил кўникмалари ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.

2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.

3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намоёни қилиш.

4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.

6. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

Ҳар ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта

асосланишига эриша олиши лозим.

Кейс топшириқларининг амалий-дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

- мақсад аниқ ифода этиш (мақсад икки хил (ёки ундан ортиқ)

тушунилмаслиги;

- савол ёки топшириқлар маълум даражада мураккаб бўлиши;

- ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатини ёрита олиши;

- тезда ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаслиги;

- миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;

- таълимнинг барча йўналиш ёки соҳаларига оид типик вазиятларни

ифодалаши;

- долзарб аҳамиятга эга бўлиши;

- талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;

- баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;

- бир неча ечим (қарор)ни илгари суриш имкониятини таъминлай олиши

#### **Кейсларни ечишга доир кўрсатма, йўриқнома**

1. Кейс (муаммо) билан танишинг.

2. Муаммонинг долзарблигини баҳоланг.

3. Муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида изоҳланг.

4. Кейс (муаммо)ни самарали ечиш йўллари аниқланг.

5. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини белгиловчи метод ва технологияларни танланг.

6. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни шаклантиринг.

#### **Кейсларнинг таркибий –тузилмаси**

<b>Мураккаб кейс (муаммоли вазият)лар</b>	<b>Мини кейслар</b>
1. Педагогик аннотация. 2. Кириш. 3. Кейс (муаммо)нинг баёни. 4. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар. 5. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати. 6. Методик	1. Кейс (муаммо)нинг баёни. 2. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар. 3. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати. 4. Методик кўрсатмалар. 5. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва



<p>кўрсатмалар.</p> <p>7. Кейсн и ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).</p> <p>8. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.</p> <p>9. Кейс ечимини таҳлил қилиш.</p> <p>10. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими</p>	<p>ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).</p> <p>6. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.</p> <p>7. Кейс ечимини таҳлил қилиш.</p> <p>8. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими</p>
---	---

Англингандек, таълим жараёнида ўқув кейсларини қўллашда жараён (машғулот) якунида албатта ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими тақдим этилиши зарур. Бунинг дидактик аҳамияти бу ечим асосида тингловчиларнинг ўз ўқув-билиш ҳаракатларининг қанчалик тўғри, самарали, мақсадга мувофиқ амалга ошира олганликларини таҳлил қилиш, солиштириш, йўл қўйган хатоларини аниқлаш имкониятини яратиши билан белгиланади.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Психологиянинг назарий масалалари таҳлили:
- 1.2. Психология фанининг амалий вазифалари. Инсоннинг ташқи қиёфаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари
- 1.3. Психологияда тушунча ва категорияларга нисбатан ёндашув

**Таянч иборалар:** Психология, соҳалар, назарий, амалий.

#### **1.1. Психологиянинг назарий масалалари таҳлили:**

Умумий психология фанининг методологик масалалари хусусидаги мулоҳазаларни баён этишда мамлакатимизда фаннинг ривожланиш хусусиятлари ва унинг истиқболи билан боғлиқ масалаларга қаратиш муҳимдир. Бу борада профессор Э.Ғ.Ғозиев томонидан илгари сурилган методологик масалаларни эътиборга олиш муҳим деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирги даврда психология фани кескин ўзгаришларни, қайта қуришларни бошидан кечирмоқда. Бу ҳолатлар психологиянинг ички тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро уйғунлиги, моҳияти ва талқин этилиши бўйича янгича муносабатлар, ҳар нарса ҳодисага, жонли ва жонсиз табиатга, инсон шахсига инсонпарварлик психологияси қонуниятлари, принципларига асосланган ҳолда ёндашишни татбиқ қилишда намоён бўлмоқда. Нарса ва ҳодисаларга, ҳайвонот оламига ва инсониятга нисбатан, фан ва техника ютуқларига асосланиб ёндашиш, уларнинг шахс томонидан акс эттирилишида фақат онглилик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда таърифлаш билан чекланиб қолмасдан, балки одамнинг онгсизлик, онгостлилик (ғайри ихтиёрийлик) ҳолатларининг бу борада муайян аҳамият касб этишини методологик нуқтаи назардан тушунтириш, унда бир ҳолатдан иккинчисига узлуксиз равишда ўтиб туришининг табиий рўй беришини таъкидлаш ўринлидир. То шу даврга қадар психология фанида етакчи принцип сифатида "онг билан фаолият" бирлиги ўз мавқеини сақлаб келмоқда, бинобарин, психиканинг ҳар қайси кўриниши, шакли, босқич, хусусияти, даражаси, хоссаси, ўзаро таъсирланиши, бир-бирининг тақозо этувчанлиги фаолият нуқтаи назаридан баҳоланиши анъанага айланган.

Бунинг оқибатида шахснинг онгости, онгсизлик, онгусти ҳолатларига мослашиши, унинг интилиши, билиш сабаби, майли, руҳий тайёргарлиги, ихтиёрсизлиги, мувофиқлашуви, тўсиқлар ва қаршиликларга нисбатан ички

кураши (иродавий зўр бериши), шунингдек, унинг механизмлари каби муаммоларнинг ечими учун ниҳоятда аҳамиятли, муҳим омил эканлигига оқилона баҳо берилмади. Шу боисдан акс эттиришнинг моддий асосларига суянган ҳолда воқеликни тушунтириш, талқин қилиш назариялари илмий нуқтаи назардан кўпол нуқсонларга эга бўлмаса да, лекин психиканинг ўзига хослиги, муомала хусусиятлари, ихтиёрсизликни таърифлашдаги чекланганлиги, бир томонламалиги туфайли уларнинг кўп жиҳатларини изоҳлаш, тавсифлаш имконияти мумкин қадар пасайди.

Шу нарса алоҳида таъкидлаш жоизки, инсоннинг ҳаёти (турмуши) ва фаолияти (хатти-ҳаракатлари мажмуаси) ўзаро узвий боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилувчи учта муҳим манбадан, яъни онгсизлик, онгостлилик ва онглилик ҳолатларидан ташкил топганлиги сабабли улар узлуксиз ҳукм суради. Шунинг учун инсоннинг бир кеча кундуздаги умри онгсизлик, онгостлилик ва онглилик ҳолатларининг ҳукмига тобеликда кечади, уларнинг ҳар бири қандай вазифа (функция) бажаришидан қатъи назар онгсизлик (фаол ҳордик, ихтиёрсиз акс эттириш рўй бериши) - онгостлилик (мувофиқлашган изланиш, автоматлашган жараёнлар тизими устуворлиги) - онглилик (аклий зўриқиш, иродавий зўр бериш, ихтиёрий ижод) ҳолатларидан иборат узлуксиз ёпиқ ҳалқа ҳаракатларидан тузилгандир.

Уларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатлари ички психофизиологик механизмлар, физиологик қонуниятлар, объектив ва субъектив шарт-шароитлар, омиллар, негизлар, манбалар таъсири остида юзага келади, кўпинча инсоннинг иродасидан ташқари, унга итоат қилмаган тарзда рўй беради, натижада бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш табиий талаблар ҳукмронлигида амалга ошаверади. Шунинг учун шахснинг биологик (наслий, генетик, ирсий) шартланганлиги, унинг ижтимоий муҳит таъсирида ижтимоийлашуви, фаоллашуви, мустақиллиги, гоҳо ўзига ишончсизлиги, масъулиятлиги, бефарқлиги ёки лоқайдлиги, бетарафлиги, инсонпарварлиги, тараққийпарварлиги каби хусусиятлар ана шу учала руҳий ҳолат негизда вужудга келади ва ўзаро ўрин алмаштириб туради.

Инсоннинг онгсизлик ҳолатида ихтиёрсиз диққат, ихтиёрсиз эса сақлаб қолиш, эса тушириш, ассоциациялар, тимсоллар, тасвирлар, интуиция, англашилмаган майллар, ирсий аломатлар (ҳаракатлар, кўзғовчилар, реакциялар), тасодифий (кутилмаган) воқеалар, туш кўришлар, ҳаёлий сюжетли кўринишлар, инсоннинг бирон-бир нарса ва ходисага ичдан руҳий тайёргарлиги юзага келади ва уларнинг маҳсули худди шу жараёнда намоён бўлади. Буларнинг вужудга келиши, кечиши унчалик кўп вақтни талаб қилмаса-да, лекин маълумотларнинг бош мия ярим шарларида тўпланиши табиий омиллар таъсирида вужудга келади, бу ҳол теварак-атрофдаги муҳит билан танишишда муҳим аҳамият касб этади, улар инсоннинг жисмоний (биологик) аъзоларини яшаш (тириклик) имконини узайтиришга хизмат қилади. Шахснинг ижодий, мантикий фикрлаши унинг учун зарурий, мувофиқлашган, мутаносиб хатти-ҳаракатлар вужудга келишига замин ҳозирлайди, уларни муайян маълумотлар, материаллар,

ўзаро таъсир ўтказиш механизмлари, ички турткилар билан таъминлаб туради.

Психологик материаллар таҳлилининг кўрсатишича, онгсизлик ҳолати билан онгли ҳолат ўртасида оралик ҳолат мавжуд бўлиб, у онгостлилик тушунчаси билан белгиланади, унинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун қанчалик аҳамиятли эканлиги илмий изланишларда ўрганилади. Шахсда кечиши мумкин бўлган, узлуксизлик принципига асосланган психиканинг шакллари (фаолият, муомала, хулқ-атвор), ижодий ташаббус, илҳомланиш жараёнлари инсонга тобе равишда мувофиқлашиб борса, уларнинг одам томонидан бошқарилуви енгил кўчса, шаклланган, барқарорлашган, мустаҳкам, пухта кўникма ва малакалар ўз вазифасини бажаришга тўғри (адекват) киришса, буларнинг барчаси онгостлилик ҳолатининг бевосита ҳукми остида рўй беради. Одам ўз фаолиятида, муомалага киришганида ихтиёрийдан кейинги мувофиқлашган (автоматлашган) диққат турига асосланганда ҳар бир жабҳадаги самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлади, ташқи қўзғатувчиларга, таъсирларга берилувчанлиги пасаяди, унинг муайян физиологик марказга йўналиши, тўпланиши ва барқарорлашуви ижобий натижалар беради. Шахс фаолиятининг суръати, муомала жараёнининг жадаллашуви, унда маъно касб этувчи сабаблар (омиллар) миқдорининг кўпайиши, пухта малакаларнинг устуворлиги, унинг муносабатидаги мақсадга мувофиқлик, объектив моҳиятга йўналганлик, ижодийлик (креация) онгостлилик ҳолатининг бевосита функцияси билан алоқадордир.

Онглилик ҳолати тўғрисида бой назарий ва амалий маълумотлар тўпланганлигини ҳисобга олиб, улар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш, атрофлича таҳлил қилиш ортиқча деб ҳисоблаймиз. Чунки собиқ иттифок психология фанида фаолият категорияси, етакчи фаолият назарияси (Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, Б.Г. Ананьев ва уларнинг шогирдлари), унинг тузилиши, ривожланиш, шакллантириш босқичлари, таркибий қисмлари юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг ранг-баранглиги онгли муносабатга тааллуқли изланишлар етарли даражада олиб борилганини намойиш қилмоқда.

Ҳозирги даврда психология фанининг муҳим, долзарб муаммоларидан бири – бу унинг тадқиқот методологияси ва принципларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ қилишдир. Тадқиқот методлари тўғрисидаги анъанавий ёндашув билан чекланиб қолмасдан, уларнинг имкониятларини қидириш, масалан, кузатиш жуда содда, икки кўринишдан (кузатиш ва ўзини ўзи кузатишдан) иборат амалий тажриба методи тариқасида таҳлил қилинмасдан (социал психологияда аралашиб кузатиш, яширин кузатиш мавжудлигини эътиборга олиб), балки уни мураккаб хусусиятга хос жабҳаларини қамраб олиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш, миқдорий натижаларни қайд қилишнинг ўта мураккаб технологияси мавжудлигини алоҳида уқтириб, изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Психология фанининг асосий принципларидан бири – бу детерминизм бўлиб, ундан эрамиздан олдинги даврдан тортиб, то ҳозиргача муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда, унга бағишланган қатор асарлар чоп этилган, лекин

фан ва техниканинг тараққиёти унинг инвариантлари тўғрисида мулоҳаза юритишни тақозо этмоқда. Детерминизм (лотинча *determino* – белгилайман маъносини англатади) принцип табиат ва жамият ҳодисалари, шу жумладан, психик ҳодисанинг объектив сабаблар билан белгиланиши ҳақидаги таълимотдир. Шу боисдан психика ва онгнинг объектив борлиқ, нерв системаси билан белгиланиши илмий психологиянинг буюк ютуғи ҳисобланади. Шунинг учун детерминизм психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи билан ўзгаришига мутаносиб равишда у ҳам ўзгаришини онглатади. Борлиқдаги барча (моддий ва рухий) нарса ва ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Детерминизм таълимоти мазмунини бир ҳодиса (сабаб) бошқа ҳодиса (оқибат)га зарурий боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя ташкил этади. Бизнингча, детерминизм принципининг қуйидаги кўринишлари (инвариантлари) мавжуд бўлиши мумкин: а) динамик детерминизм (нарса ва ҳодисалар алоқасидаги ўзгаришлар узлуксиз равишда ривожланишга, янгича сабаб ва оқибатларга олиб келиши эҳтимол); б) статик детерминизм (нарса ва ҳодисалар турғунлиги, кескин ўзгаришларга, сабаб оқибатларга олиб келмаслиги тўғрисидаги маълумотлар мажмуаси: анъаналар, расм-русумлар, маросимлар ва ҳ.к.); в) тескари алоқалар детерминизми (нарса ва ҳодисалар алоқаси, ўзаро боғлиқлиги фақат тўғри эмас, балки тескари йўналишда ҳаракат қилиши мумкинлиги, яъни сабаб оқибатга олиб келиши билан яқунланмасдан, балки оқибат янги сабабларни келтириб чиқариши тўғрисидаги ғоя); г) тизимли (тартибли, системали) детерминизм (борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, шахслараро муносабатлар, фанлар ўртасидаги уйғунлик муайян тизимлашуви сабаб ва оқибатларнинг мужассамлашувини таъминлаш имконияти; шунинг учун педагогик психология қонуниятлари умумий психология қонуниятлари ўзаро аралашиб кетмайди, чунки сабаб ва оқибат, оқибат ва сабаб ўртасидаги ўзаро таъсир қатъий тартибга эга.

### ***1.2. Психология фанининг амалий вазифалари. Инсоннинг ташқи қиёфаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари***

Психология фанининг назарий муаммолари қаторига инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши киради. Одатда шахснинг айрим хусусиятлари, унинг юз аломатлари, чеҳрасидаги ўзгаришлар тана аъзоларининг ҳаракатлари, рефлексия орқали аниқланади. Одамнинг ташқи кўринишига асосланиб, унинг характер хусусиятлари, хислатлари, шахсий сифатлари юзасидан ишончли мулоҳаза билдириш кўп асрлик тадқиқот тарихига эга бўлса-да, лекин муаммонинг туб илмий негизи (физиологик асослари) эндигина кенг кўламда ўрганилмоқда. Инсоннинг ташқи қиёфасини таҳлил қилиш орқали унинг ички дунёсини баҳолаш юзасидан жаҳон психологлари томонидан тўпланган назарий ва амалий материаллар, натижалар, маълумотлар умумлаштирилса, мазкур ҳолатни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Инсоннинг ташқи қиёфасидаги ҳар бир ўзгариш, унинг айнан бир-бирига ўхшашлиги, кишининг яққол шахсий хусусияти билан узвий

боғлиқ эканлигини тушунтиришга асосланган аналитик, яъни ақл-заковатга мойил талқин услуби, масалан, лабни қаттиқ қисиб туриш ҳолати унинг мустаҳкам иродали одам эканлигининг аломатидир. Ижтимоий-тарихий таракқиёт давомида аждодлар томонидан тўпланган тажрибаларга асосланган ҳолда шахснинг ташқи қиёфасига қараб, уни таҳлил қилиб, руҳий дунёсининг баҳолаш мумкин.

2. Инсон ташқи қиёфасининг мафтункорлиги (аттракция феномени) ихтиёрсиз ифода, нафосатли кўриниш, ширали овоз, ўзгаларнинг ўзига маҳлиё этиш, жозибадорлик, хушбичимлилик, шахснинг ҳис-туйғуси билан уйғунликни эътироф қилишга қаратилган қарашлар мажмуаси (дид билан кийиниш, меъёрида ўзига оро бериш, ибo ва ишванинг табиийлиги) гўйёки унинг ички дунёси (руҳияти) билан мутаносиб деган ғояни мужассамлаштиради. Идрок қилинаётган инсон муайян масофада (оралиқда) мулоқотга киришувчи томонидан қай йўсинда қабул қилинса, демак, унинг қиёфаси тўғрисидаги тимсол, тасвир бевосита фавқулоддаги ҳолатга боғлиқ бўлиб, ёқиш, ёқтириш, яъни симпатия (юнонча *simpathea* ичдан ёқтириш, ички майл, илиқлик, самимият маъносини англатади), ичдан ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик, яъни антипатия (юнонча *antipatheia* симпатиянинг аксини билдиради), мурувват (юнонча *eratheia* ҳамдардлик, хайрихоҳлик туйғусини билдиради; ўзгалар руҳий кечинмаларига шериклик, ҳамоҳанглик ҳиссини ифодалайди) бир лаҳзалик идрок қилиш маҳсулида ўз аксини топади.

3. Идрок қилинаётган ташқи кўриниш аломатлари илк таассурот уйғотувчи бошқа шахсга ўхшашлиги туфайли таниш одамнинг психологик хусусиятлари, хислатлари, фазилатлари, сифатлари ихтиёрсиз равишда нотаниш кишига қиёс берилади. Аввал идрок қилинган таниш одамнинг барча руҳий ҳолатлари ташқи қиёфа эвазига нотанишга кўчирилади, бу кезде мантиқий таҳлил, узвийлик талқини иштирок этмайди. Шунинг учун бу тарзда инсоннинг инсон томонидан идрок қилишини ўхшашликка асосланган акс эттириш деса бўлади.

4. Ташқи қиёфани идрок қилиш замирида инсоннинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга (ишчи, деҳқон, ҳайдовчи, ўқитувчи, тадбиркор) дахлдорлиги (алоқадорлиги) тўғрисида муайян қарорга келинса, унинг шахсий фазилатига нисбатан худди шу нуқтаи нарардан баҳо берилади ва ташқи кўринишнинг ижтимоий келиб чиқиш билан ўхшашлигига асосланилади.

Бизнингча, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши тўртта қатъий манба негизида амалга оширилади:

1) идрок қилинаётган кишини идрок қилувчи шахс ўз хислатлари билан қиёслаш маҳсули бўйича талқин қилиши ва тушуниши, идрок қилиш жараёнини ўхшатиш, тақлид қилиш, унга тенглашиш, ибрат-намуна олиш, илҳомланиш усуллари ёрдами билан юзага келади (идентификация лотинча "*identificare*" айнийлаштириш, ўхшашлик топиш маъносини билдиради);

2) идрок қилинаётган шахс ўрнига идрок қилувчи киши ўзини тасаввур қилиб кўриш орқали мулоҳаза юритиш, ҳукм чиқариш, муайян қарорга келиш йўли билан уни тушунишга интилиш ўзини англаш негизида

намоён бўлади (рефлексия лотинча reflexio инъикос, яъни ўз рухий ҳолатларини оқилона таҳлил қила олиш деган маънони англатади);

3) ўзига кишиларнинг кечинмалари, ҳис-туйғуларига ҳамдардлик билдириш, меҳр-мурувватлигини амалий ифодалаш орқали уларни тушуниш эмпатия (юнонча ҳамдардлик маъносини билдириб, ўзгалар рухий кечинмаларга шериклар туйғусини ифодалайди);

4) ўзга кишига у ёки бу ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос хислатларни ёйиш, тавсифлаш, баҳолаш асосида идрок қилиш стереотипизация (юнонча қаттиқ, мустаҳкам ва из, нишон деган маънони англатиб инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида тўпланган, тажрибаларда тасдиқланган, шахсда мужассамлашган ташқи аломатлар унинг ички дунёсига муносиб эканлигига асосланади (лекин бундай қараш етарли даражадаги илмий негизига эга эмас).

5. *Хулқ-атвори танлаб таҳлил қилиш*<sup>5</sup>. Психологик тестлар ўзида хулқ-атвор намунаси объектив ва стандартлашган тарзда ўлчашни ифодалайди. Психологик тестлар бошқа фанлардаги тестлар ва кузатишлар сингари индивид хулқ-атворининг ажратиб олган намунасига кўра кичик танланмада ўрганади. Бу борада психолог биохимик пациентнинг қон таркибини, микрорайондаги ичимлик сувининг таркибини бир неча синовлар орқали ўргангани сингари ўз хулосаларини беради. Мабодо, психолог боланинг луғат бойлигини, арифметик ҳисоб-китоб ишларини бажариши ёки учувчининг кўриш-ҳаракат координациясини текширмоқчи бўлса, у уларга репрезентатив сўзлар тўпланими, арифметик масалалар ёки ҳаракат қобилият тестларини тақдим этади ва уларнинг реакцияларини баҳолайди. Хулқ-атвори ўрганилаётган жиҳатига тестнинг мослиги тошириқларнинг характери ва миқдорига, тестнинг стимуллари тўпламига боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, психологияда рефлексия, яъни ўзини ўзи англаш шахснинг барча ҳиссий, билишга оид, иродавий, бошқарув хусусиятларини оқилона баҳолашни билдиради, деган қараш то ҳозиргача давом этмоқда. Бу йўсинда масалани илмий талқин қилиш инсон томонидан ўзини ўзи акс эттира олишни билдиради, холос. Лекин ўзга кишилар унинг шахсий сифатларини қай кўламда билишади, унга баҳолашнинг қандай имконияти мавжуд, унинг нималарга қодир эканлигини тушуна оладими деган саволларга жавоб бериш орқали англашнинг бошқа қирраларини аниқлаш мумкин. Одамлар ўзаро бир-бирини идрок қилиш жараёнида, биринчидан, ҳақиқатдан ҳам идрок қилинаётган шахснинг ақл қиёфаси ифодаланишида; иккинчидан, шахс ўзига аниқ тасаввур қилиб, тўғри баҳолаш олиши; учинчидан, шахснинг бошқа одамлар томонидан англаниши иккиёқлама инъикос қилиш жараёнини вужудга келтириш маълум бўлади. Шахсларнинг ўзаро бир-бирларини акс эттириш жараёнининг моҳияти инсон фазилатларини қайта эсга тушириш, қайта тиклаш ва мужассамлаштириш ақлий хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади.

---

<sup>5</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P.5-6

**Психолог тестларни қўллашда назоратнинг зарурлиги**<sup>6</sup>. “Келгуси хафта мактаб бораётган жиянимни ўқишга боришини текшириш учун Бине-Симон шкаласидан фойдаланишим мумкинми?”

“Таълим тизимида ўқиш сифатини такомиллаштириш учун ўқучининг табиий имкониятларини ўлчашга хизмат қилувчи интеллектнинг маданий муҳитдан холи ўрганишга мўлжалланган интеллект тести зарур”.

“Ўз хонасида инглиз тилини ўрганган кўшним невротик деб баҳолаш имконини берган шахслилик тестини берди. Оқибатда мен асосбийлашиб, машғулотларга боришни тўхтатиб қўйдим”.

“Кеча журналда эълон қилинган интеллект тестида ўзимни синаб кўрсам, менинг IQ (интеллектуаллик коэффицентим) 80 тенг бўлди. Менимча, психологик тестлар мутлоқ ахмоқчиликку”.

Юқоридаги мулоҳазалар ўзидан ўзи ўйлаб топилмаган. Бундай мулоҳазаларни ҳар бир психолог яна бир неча бора келтириб ўтиши мумкин. Чунки бунга олиб келадиган асосий сабаб психологик тестларни тўғри қўлламаслик ва уларнинг натижаларини тўғри талқин этмаслик оқибатидир. Натижада синалувчи тасавурида психологик тестларнинг фойдасиз ёки текширилувчи учун зарар келтирадиган хулосага олиб келиб қўйиши шубҳасиз. Аслида ҳар қандай илмий метод ёки психологик тест тўғри ва моҳирона қўлланилган тақдирда ўзининг самарадорлигига эга. Аксинча, касбий маҳоратга эга бўлмаган фойдаланувчи ушбу тестлардан фойдаланиб, жиддий зарарни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис психологик тестлардан фойдаланишни назорат қилишнинг иккита эътиборга оладиган жиҳати мавжуд:

1. Психологик тестни юқори касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассиснинг қўллашини кафолатлаш, олинган натижалар тўғри фойдаланишни таъминлаши мумкинлиги;

2. Кўпчиликни олдинда тестнинг мазмуни билан таништириш эҳтиёт чорасини кўриш, уларнинг валидлигини таъминлаш аҳамиятини пасайтиради.

**2.5. Психологик тестларни қўллаш хусусиятлари**<sup>7</sup>. Шунингдек, жаҳон психологик тажрибасида психологик тестларни диагностик мақсадларда қўллашда қуйидагилар кузатилади:

– *Клиник интервью*. Бирламчи кузатиш ва маълумотлар асосида инсон фаолиятини баҳолашга қаратилган умумлашган фаразлар.

– *Когнитив ташкиллаштириш ва воқеликни тестлаштириш*. Субъектнинг реал имкониятлари, иррационаллигини назорат қилишни, мантиқий фикрлаш ва эмпатиясини; ҳар хил даражадаги психоз ва нопсихоз ҳолатлар ўртасидаги тафовутларни баҳолаш имкониятлари.

<sup>6</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P 24-25

<sup>7</sup> Henry Kellerman, Ph.D. Anthony Burry, Ph.D. Handbook of Psychodiagnostic Testing. - Springer Science\_Business Media, LLC.2007.



– *Интеллектуал соҳа.* Маданий муҳит ва маданий муҳитдан холи холда интеллект ҳамда ақлий тараққиёт коэффициентини баҳолаш; когнитив ва интеллектуал функцияларни баҳолаш: хотира, тафаккур, ишлаб чиқариш шароитда безовталанишга муносабати, абстракция кўлами ва бошқларни баҳолаш

#### **1.4. Психологияда тушунча ва категорияларга нисбатан ёндашув**

Психология фанининг категориялари, уларнинг таърифлари, ривожланиш қонуниятлари, ўзига хос хоссалари, уларни вужудга келтирувчи объектив ва субъектив омиллар, муҳим шарт-шароитлар, ҳаракатлантирувчи механизмлар юзасидан фикр билдириш, уларни таҳлил қилиш, танқидни талқин билан алмаштириш методологик муаммоларга ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Масалан, одам (индивид), шахс, якка шахс тушунчалари ғарб мамлакатлари психология фанидан кириб келган атамалар тарзида талқин келинмоқда. Қадимги психологияда "шахс" тушунчаси сахнада роль ижро этаётган артист "ниқоби"дан келтириб чиқарилган, лекин этимологиянинг бундай негизи ўша давр маданияти билан узвий боғлиқдир. Инсонга тааллуқли тушунчалар ижтимоий-тарихий тараққиёт негизига эга бўлганлиги туфайли миллий муҳитда атама бошқача таҳлил ва талқин қилиниши лозим.

Миллий психология фанига шахс билан боғлиқ атамалар араб дунёсидан кириб келган ва уларнинг туб маъноси, асл моҳияти бугунги кунгача сақланиб турибди. "Одам" тушунчаси ер қуррасида онгли зотнинг яралиши, дунёга келиши билан боғлиқ диний ақидаларга бориб тақалади, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво тўғрисидаги диний манбаларда "тутилиш", "яратилиш", "жон ато қилиш" ҳақида мулоҳаза юритилиб, ўзига хос талқин қилинади.

Бизнингча, "одам" тушунчаси илмий адабиётлардаги "индивид", яъни онгли мавжудодга хосликни билдирувчи атаманинг моҳиятига мос, мутаносиб бўлса керак. Одам зотининг бошланиши, ҳайвонот дунёсидан фарқли жиҳатларини эътироф этиш мақсадида қўлланилган эканлиги ҳақиқатга яқинроқ, шунга ўхшаш қиёслаш "индивид"га ҳам тааллуқлилиги фалсафий, психологик манбаларда доимо таъкидланади. Бу нарса собиқ шўролар психологиясида мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлиб, ўзига диалектик материализм таълимоти ғояларини акс эттирган.

Одамзотга хос хусусият, хислат, фазилат, хулқ-атвор малакаларини эгаллаб бориш жараёнида инсонийлик (қатор кириш) аломатлари шаклланади. Бу давр одам-инсон-шахс схемаси тарзида ифодаланиши мумкин, чунки "шахс" тушунчаси (араб тилида ҳам шундай маъно касб этади) муайян камолот (ақлий, ахлоқий, ижтимоий етуклик) босқичларини англатади, муайян тараққиётга эришишни билдиради. Шунинг учун "шахс" тушунчасининг Европача талқини маънавиятимизга бефарқлик, ожизлик нишонаси бўлиб, кўпол илмий хато сифатида баҳоланиши керак. Чунки ушбу тушунчалар тилимиз, маданиятимиз ва фанимизга илмий психология пайдо

бўлишидан бир неча асрлар илгари (олдин) кириб келган, чуқур ўзлаштирилган, маҳаллийлашган. Марказий Осиё ҳудудининг илм маърифат ўчоғи бўлганлигини таъкидлаган ҳолда психологик атамаларни тушунтириш, илмий билимлар талқинидаги чалкашликлар барҳам топишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, шахснинг шаклланиши психологияда мавҳум ҳолат, ходиса тариқасида баён қилинади, ваҳоланки "ўсиш" (жисмоний, биологик), "ривожланиш" (психологик), "камолот" (шахслилик, ижтимоийлик), "тараққиёт" (имкониятнинг ушалиши ёки чўққиси) тушунчалари онтогенезнинг муайян, аниқ босқичларидан иборат эканлигини кўрсатувчи мезонлар вазифасини ўтайди. Якка шахс индивидуаллик табиатнинг донолиги билан алоҳида инсонга ҳос барча нарсаларнинг психологик ҳолатлар, жараёнлар, хусусиятлар, табиий майллар, хулқ-атвор ўзига ҳос тарзда, суръатда, оҳангда, маромда намоён бўлиши, кечиши, ривожланиши, такомиллашуви қабиларнинг вақт, фазо, ҳаракат ўлчамлари билан қатъий белгиланганини билдиради ва турмушда қўлланиб келинаётган қисмат, тақдир тушунчаларига ўхшаб кетади. Лекин кейинги икки тушунча рамзий, мавҳум маъно англатиб, шахс имкониятларини илоҳият билан боғлаб тушунтиради, уларнинг тўсиқлар, имкониятлар, ҳислар, кечинмалар олдини олиш, ўзгартириш мумкинлигини туб маънода инкор қилади. Якка шахс миллий, этнопсихологик хусусиятларни ўзида акс эттирган ҳолда умумбашарий, умуминсоний қонуниятларга бўйсунди (хусусийлик билан умумийлик узлуксиз равишда ўрин алмаштириб туради). Шу боисдан бирининг маъноси иккинчисига мос тушиши мумкин, фавқулодда ҳолатлар унинг қайси бири устунлигини таъминлайди, натижада ё миллийлик ёки байналминаллик туйғулари етакчилик (устуворлик, доминантлик) қилади.

Собиқ иттифоқ психология фанида шахснинг шаклланиши "Мен" билан "Биз" муносабатларида ҳукм сурувчи, хусусийлик билан умумийлик ўртасидаги қаршилиқлар негизига қурилган, унинг таркиб топиши ўзига қарши ўзи курашиши қабилда кечади, чунки мафқуралаштирилган инсонга муносабат роботга нисбатан қилинадиган мулоқот даражасига тенглаштирилган бўлиб, унда ҳар томонлама уйғун ривожланиш имкониятлари мавжуд деган ақидага асосланар эди. Инсоннинг субъект сифатида ана шу нарсаларга нисбатан хоҳиши, инилиши мавжудми ёки йўқми бу нарса инобатга олинмас, унинг эрки, ҳуқуқи билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. Ҳозир "субъект-субъект" муносабати амалий ифодасини мужассамлаштиргани учун шахснинг мақоми ва кадр-қиймати оқилона баҳоланиши даркор, бусиз эркин, мустақил, ижодий фикр юритиш ҳукмронлик қилувчи демократик, ҳуқуқий, фуқаровий жамият қуриш мумкин эмас. Шахсда ўзини ўзи англашнинг такомиллашуви учун кенг қўламдаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, моддий, маънавий, тиббий, психологик, педагогик шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ.

Психология ўқитишни қулайлаштириш фақат методологик муаммолар ечимини қидириш билан кифояланиб қолмасдан, балки билим

бериш, ўзлаштириш, маълумот ва материалларни қабул қилишнинг янги шакллари, фаол воситалари ва усуллари яратишни қамраб олади. Бугунги кунда иқтидорли, истеъдодли, интеллектуал кўрсаткичи юксак талабалар (ўқувчилар) муаммоси олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун муҳит аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, фаол ўқитиш технологиясидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш "субъект-субъект" муносабатини амалга ошириб, ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини вужудга келтириб, тенг ҳуқуқлилиқ ва шериклик алоқасини рўёбга чиқаради.

Психология соҳаларининг тобора кенгайиши, психологик билимлардан ижтимоий турмушда, ишлаб чиқаришда, таълим тизимида фойдаланиш эҳтиёжининг ортиб бориши фаннинг мавқеи, нуфузи ошаётганлигидан далолат беради. Таълим тизимини самарадорлигини ошириш, касбий тайёргарликни такомиллаштириш, талабаларда ўқув ва касбий мотивацияларни ривожлантириш учун психология курсларини юксак савияда, фаол, янги методлар (методикалар) ёрдами билан ўқитиш муҳим аҳамият касб этади, чунки ўқитиш самарадорлигини оширмасдан туриб, билимлар сифати, мутахассислар касбий тайёргарлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Юқори малакали, кенг профилли мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтариш учун психология ўқитишни такомиллаштириш, талабаларда психологик билимларга нисбатан қизиқиш уйғотиш мақсадга мувофиқ.

Психологик кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, касбий малакаларни пухта шакллантириш, амалиётлар, практикумлар, лаборатория машғулотлари, махсус семинарлар, психодиагностика, психокоррекция, психологик маслаҳат, психотерапия, тренинг, социал тренинг фаолиятини қайта қуриш, давлат таълим стандартини амалиётга татбиқ қилишни жадваллаштириш муаммолари ечими давлат аҳамиятига эга ижтимоий воқелиқдир. Бунинг учун ягона принципга асосланган кадрлар тайёрлаш таълим тизими моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув режаси ва дастурларини янгидан яратиш уларни замон талабига жавоб берадиган қилиб тузиш мақсадга мувофиқ.

Билдирилган фикр ва мулоҳазалар психология методологиясининг айрим жабҳаларига тааллуқли бўлиб, муаммолар, ечимлар тўғрисидаги ғоялар юзасидан мушоҳада юритиш билан кифояланди, холос.

### **Назорат саволлар:**

1. Психология фанининг замонавий тармоқлари қандай классификацияланади?
2. Замонавий психологиянинг амалий масалалари нималарда акс этади?
3. Замонавий психологиянинг илмий-тадқиқот методларига доир ёндашувлар.
4. Замонавий психологиянинг амалий вазифалари.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P 24-25
2. Henry Kellerman, PH.D. Anthony Burry, PH.D. Handbook of Psychodiagnostic Testing. - Springer Science\_Business Media, LLC.2007.
3. Elizabeth A. Styles. The psychology of attention. This edition published in The Taylor & Francis e-Library, 2005.-232 p.
4. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
5. Schiffman H.R. Sensation and Perception: An Integrated Approach. 5<sup>th</sup> Edition. – John Wiley & Sons, 2001. – 608 p.
6. The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009
7. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
8. Ж.Годфруа. Что такое психология? М. 1999 г. 2-том.
9. Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии.-Спб.: Питер, 2005.-550 с.
10. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.

## 2-мавзу: Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари

### **РЕЖА:**

2.1 Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари.

2.2. Шахс назариялари.

2.3. Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари.

**Таянч иборалар:** Шахс, психоанализ, психосинтез, .

### 1. Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари.

Шахсга ушбу йўналишда ёндашув ўзининг ҳаётийгина эмас, балки илмий психологик жиҳатдан ҳам тадқиқ этилганлигини гувоҳи бўлинади. Қадимги Греция ва Қадимги Хитойдаги шахсга оид тасаввурлар шахс қирралари назарияси эслатиб юборади. Э.а.2000 йилда Галлен, организмдаги шарбатларнинг ўзаро муносабати темперамент типлари қирраларига хосликни ифодалаш талқин этилган. XX асрга қадар бир қатор файласуфларнинг изланишларида ҳам “экстраверсия-интроверсия”, барқарорлик-беқарорликни асосий параметрлар сифатида илгари сурганларини гувоҳи бўлиш мумкин.

Шахс қирраларига доир ёндашувлар талқинида:

- шахсга типологик ёндашув;
- индивидуал фарқлар ўртасидаги назариялар (А.Г.Шмелев);
- характер акцентуацияси (И.Б.Ганнушкин, К.Леонгард);
- шахсга факторли ёндашув (Р.Кеттелл, Г.Ю.Айзенк);

Шахснинг тадқиқотига типологик ёндашув билан қирралари назарияси умумий ўхшашликка эга. Биринчидан, уларнинг иккаласи ҳамма инсонга хосликни ифодалайди. Иккинчидан, шахсни билишда бу икки назария вақт жиҳатидан тежамкорликка эга бўлган ёндашувлар ҳисобланади. Икки ёндашувга кўра шахсга статик характердаги катгория сифатида қарашади. Ўзгаришлар кам эҳтимолликка эга. Ҳар иккала қирралар ва типлар ҳақидаги назарийларидаги чегарларни ювиб кетиши ҳақидаги (Э.Кречмер-психосоматик ва К.Юнг - психологик) тасаввурлар етакчи қирралар тамойилига асосланади.

Шунга кўра типга хослик-бу умумий, маълум гуруҳ ёки синфга мансуб ҳодисалар ҳисобланади. Инсондаги типиклик ва индивидуаллик масаласи ҳақида мулоҳазалашда В.С.Мерлиннинг фикрини эсламасдан илож йўқ;

“бурунги ва ҳозирги кунга қадар илгари сурилган қарашларда инсоннинг бир хусусиятлари типикликка, бошқалари эса индивидуаллик хос қабул қилинган”. Инсонда қанчалик типиклик кўп хос бўлса, унда оригиналлик, ўзига хослик, индивидуаллик камроқ ёки аксинчадир. Воқеликда инсонга хос иккита сорт хусусиятлар йўқ-типиклик ва индивидуаллик. Каждое отдельное свойство типично по одним проявлениям и индивидуально по другим.

Шахсни ўрганишга диспозиционал ёндашув муаллифи сифатида Гордон Оллпорт (1897-1967) ҳисобланади. Г.Оллпортнинг шахс назариясига кўра иккита ғоя илгари сурилади: қирралар назарияси ва ҳар бир инсоннинг ноёблиги. Ҳар бир инсоннинг ноёблиги конкрет инсоний хусусиятларида акс этади. Бу борада у ўзинг проприум (хос, мансуб) тушунчасини киритди. Бу тушунча шахснинг ички оламига мансуб ва фарқ қилувчи, ажраб турувчи хусусиятларини эътироф этилиши билан боғлиқ. Проприум инсонга, у ижобий, ижодий, ўсиш ва ривожланишга интилишига йўналиш беради.

Оллпорт проприум билан боғлиқ –идентиклик, яъни ички доимийликлик боғлади. Оллпорт бўйича шахснинг ички ядросини фаолият мотивлари ташкил этади. Фаолият мотивациялари характеристикасини тушунтиришда функционал автономия тушунчасидан фойдаланди. Функционал автономия тушунчасининг моҳиятига кўра Оллпорт катта инсондаги фаолият мотивациясини болалик таассуротлари билан боғлаш керак эмас. Улар функционал боғлиқликка эга эмас деб изоҳлайди. Худди дарахт уруғдан ўсиб чиқсада, аммо функционал жихатидан уруғдан алоҳида, автономияга эга дейди. Катта ёшдагиларнинг мотивларини илк болалик истаклари ва тасаввурларидан келтириб чиқармаслик керак. Катта ёшдагиларнинг мақсадларини жорий вазиятлар ва шу кунги истаклар белгилайди.

Оллпорт шахсни ўрганишда ўзига хос ёндашувни амалга оширдик, унинг тадқиқотлари предметини ҳаётий қадриятлар, характер, темперамент ташкил этди. Оллпорт характерни ўрганар экан: характер шахснинг баҳоланган шахсдир, шахс эса баҳоланмаган характердир деб изоҳлайди. Унинг фикрича темперамент шахс таркиб топишини белгиловчи бирламчи “материал” ва шунингдек, индивидуумнинг эмоционал табиатини наслий жихатларини муҳокама қилишдаги муҳим хусусиятдир. Оллпортнинг таъкидлашича, шахснинг структураси яхлит ва ажралмасдир деб қайд этади.

## 2.2.Шахс назариялари

### 2.2.1..ПСИХОАНАЛИЗ НАЗАРИЯСИ

#### *Психоанализ атамаси:*

- Шахс назарияси ва психопатологияси;
- Шахсдаги бузилишларнинг даволаш методи;
- Инсоннинг англашилмаган фикр ва туй-уларини ўрганиш методи.

#### *Фрейд назариясида психика тузилиши:*

*Фрейд топографик моделдан фойдаланиб, психик ҳаётни уч даражасини ажратди:*

- Онг
- Онголди
- Онгсизлик

### ***Онг даражаси***

Онг даражаси аниқ дамдаги инсоннинг маълумотларини сезги ва кечинмаларидан ташкил топади. Онг мияда сақланувчи маълум кам фоизли ахборотларни камраб олади. Сўнгра маълумотлар онг олди ёки онгсизлик соҳада юкланади

### ***Онгсизлик соҳа***

• Инсон психикасининг энг чуқур ва аҳамиятли қатлами онгсизликдир. Бу онгга қанчалик босим ўтказувчи эмоция ва хотиралар орқали инстинктив кўзгалишларини сақловчи, аммо ушбу англашилмаган материаллар кўпинча инсоннинг кундалик фаолиятини белгилайди.

### ***Онголди соҳа***

• Онголди соҳа, баъзан хотирага кириш мумкин бўлган, ўзида барча тажрибани киритади, айна дамда англанилмаган, аммо тасодифий ёки минимал куч сарфлаш натижасида онга тез қайтиши мумкинлиги.

### ***Инсон психикаси даражалари***

- У –Оно
- Мен-Я
- Ҳайвоний Мен- сверж Я.

### ***У-ОНО***

- У- психиканинг онгсизлик қисми бўлиб, биологик инстинктли майллар қозонини қайнатувчи: агрессия ва сексуал.
- У сексуал майл -либидо билан тўйинган. Инсонда яширин энергетик тизим бўлиб, бу қувват ҳар бир кишида миқдори- доимий ўлчамга эга. Онгсиз ва иррационал бўлади. У қониқиш, яъни сўнгида бахт, энг асоси инсон ҳаётидаги асосий мақсад тамойилига бўйсунди.

### ***МЕН***

- Иккинчи тамойил-гомеостаз- ички мувозанатни сақлашга тенденциядир. Мен (Эго)-онг –доимий равишда У билан низода ва сексуал майллар таъсирида бўлади. У жамият таъсири остида шаклланади. Менга учта куч таъсир кўрсатади: У, Ҳайвоний Мен ва инсонга ўз талабаларини қўювчи жамият. МЕН улар ўртасидаги уйғунликни таъминлашга ҳаракат қилади, қониқиш эмас, балки реаллик тамойилига бўйсунди.

### ***ҲАЙВОНИЙ МЕН***

• Ҳайвоний Мен ахлоқий стандартларни ташувчи, шахснинг бу қисми танқид, цензора, виждон роли бажаради. Агар Мен У га мос ҳаракатни амалга оширса ёки унга мос қарор қабул қилса, Ҳайвоний Мен унга қарши

чиқади. Натижада айбдорлик, уят, виджон таъналари кўринишидаги жазони бошдан кечиради.

### ***Ҳимоя механизмлари***<sup>8</sup>

• Кўпинча низоли зоналар психика структурасини У, салбий эмоция ва кечинмаларда кузатилувчи (таъсирланиш, безовталаниш ва умидсизлик) фрустрацияга олиб келди. Фрустрация МЕНни ҳар хил “чиқариш клапан”лари ёрдамида зўриқишларни олиб ташлашга ундайди. Булар психологик ҳимоя механизмлари дейилади.

МЕН ва У ўртасидаги низолардан кутқизиш учун ҳар хил ҳимоя механизмлари қўлланилади.

- сиқиб чиқариш;
- инкор этиш
- рационаллаштириш;
- инверсия, қарши ҳаракатланиш;
- проекция;
- алмаштириш-синглини хафа қилганда, ота-онаси уни хафа қилади. оқибатда синглининг кўғирчоғи ёки итларига зарар етказишга уриниш.
- изоляция;
- регрессия;
- сублимация;

***Инстинктлар.*** Шахснинг психоаналитик таълимотига кўра агрессивлик, вахшийлик, ўз-ўзини ўлдириш ва ўлим инстинктига ***танотос*** деб аталади.

### ***Психосексуал босқичлар***

- Орал босқич-0-1,5 ёш
- Анал босқич-1,5-3 ёш
- Фаллик босқич-3-6 ёш
- Латент -6-12 ёш- психосексуалликни яширин даври.
- Генитал босқич -18 ёш

### ***Психоаналитик терапия (методлар)***

- Эркин ассоциациялар
- Тушни таъбир этиш
- Кўчиш
- Кўчишга қарши
- Қарама-қаршилик таҳлили

---

<sup>8</sup> Duane P.Schults. Theories of Personality. Wadsworth, a division of Thomson Learning, Inc. Copyright © 2005.-P59..



### 2.2.2. *К.ЮНГНИНГ АНАЛИТИК ПСИХОЛОГИЯСИ*

- **Шахс типологиясига доир ёндашуви:**

**Экстраверсия** – «ичкаридан ташқарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга мойил шахслар кўпроқ одамлар ичида бўлишни ёқтиришади, ўз кечинмаларини кўпроқ атрофдагилар билан баҳам кўради. Мулоқотга киришувчан, танишлари доираси кенг. Баъзи ҳолларда жиддийлик етишмайди. Одамларни тез ишончини қозона олади ва шунингдек, тез хафа қилишга ҳам мойил.

**Интроверсия** – «ташқаридан ичкарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга хос шахслар оғир, вазмин, кўнгли нозик, бепарво, дўстлик қоидалари қатъий амал қиладиган. Мулоқот доиралар чекланган, тортинчоқ, кўпроқ ўзларининг ички дунёлари билан банд ва ёлғизликни ёқтирадиган.

#### **Психик функциялар**

Тўрта асосий психик функцияга эътибор қаратди:

- Тафаккур-рационал
- Ҳиссиёт-рационал
- Сезги -иррационал
- Интуиция-иррационал
- **Фикрловчи тип**-бирор нарсанинг қадр-қимматини аниқ фактлар ва мантиқий мулоҳазага таяниб баҳолайди.
- **Ҳиссиётли тип**-яхши-ёмон, гўзал-хунук тамойилига асосланиб эмоционал баҳолайди.
- **Интуитив тип**-ҳаётий воқеаларнинг мазмунини онгсизликда, туйғуси ва тахминларига кўра баҳолайди.
- **Сезгига асосланувчи тип**-сезги аъзоларига тушувчи, ташқи олам ҳақидаги ахборотларга таянади

#### **Психиканинг тузилиши**

- **Онг**
- **Шахсий онгсизлик**-ўзида қачонлардир анланган, ҳозир сиқиб чиқарилган ва унутилган низо ва таассуротлар, етарлича ифодаланмаган ҳиссий таассуротларни қамраб олади. ШО- ўзида эмоционал зарядланган, бир фикр, туйғу ва таассуротларнинг устувор бўлиб қолишидан иборат комплексларни ташкил этади.
- **Коллектив онгсизлик**-инсоният ва авлодларнинг хотира изларининг яширин сақланиши . Унда бизнинг ўтмиш эмоцияларимиз ва инсониятга хос фикрлар ва туйғулар акс этган.

#### **Архетиплар**

- **Архетиплар** — бирламчи модел ёки **коллектив онгсизликнинг** таркибий элементи ҳисобланади. Улар ўзида инсонлар идрок этганларни, кечинмлари ва воқеалар таъсирига жавоб беришини

маълум образларда илгари суришларидан иборат туғмалик шаклини намоён этади.

- Энг асосий арзитеплардан бири Мен архетипи, ота, она, Худо, донишманд ва бошқа архетипларидир. Архетиплар ўзида символлар кўринишида намоён бўлади. Масалан, Мария, Мона Лиза ва бошқалар. Ҳоч, олтитомонли юлдуз, будда ғилдираги.

### ***Шахс структураси***

- Шахс структураси қуйидаги тузилмалардан иборат: эго, персон, анима (анимус), соя ва ўзлик
- Эго — онгнинг маркази бўлиб, ўз-ўзининг англашнинг асоси ҳисобланади.
- Персон — бу жамоа кишиси бўлиб, инсон ўзини бошқалар билан ўзаро муносабатда намоён қилади.
- Салбий ва ижобий персонлар мавжуд. Биринчи навбатда у индивидуалликни ифодалаб, коммуникацияга мувофиқлаштиради. Иккинчидан — персон индивидуалликни бўғиб қўйиши мумкин. Шу боис персон-онгнинг юқори қатлами, эго анча чуқурлашув, ботик қисми.

### ***Соя***

- ***Соя инсон шахсининг ҳайвонийлик томонларини ўзида акс эттирувчи архетип.*** Соя ўзида шахснинг сиқиб чиқарилган томонини ифода этади. Соя Эго нинг акс эттирилишида мавжуд. Соя шахснинг социал стандартлар мавжудлиги билан муросага қила олмаслигини ифодаловчи хоҳишларини қамраб олган. Соя-хаёт қуввати, ижод манбаини сақловчи саналади. Шу сабабли эго соя қувватини зарур оқимга йўналтиради.

### ***Анима ва анимус***

- ***Анима*** — эркакдаги аёлнинг ички тимсоли, яъни онгсиз намоён бўлувчи аёллик томони;
- ***Анимус*** — аёллардаги эркакнинг ички, унинг онгсиз намоён бўлувчи аёллик тимсоли.

Юнг анима ва анимус инсон хулқ-атворида уйғунлашган тарзда намоён бўлиши керак, бу унинг ҳар томонлама мувофиқлашувини таъминлайди.

### ***Ўзлик***

- Ўзлик — шахснинг яхлитлик архетипи.

Ўзлик онглилик ва онгсизликни бирлаштириб, бошқа барча элементлар уюшувини ташкил этувчи айнлана маркази ҳисобланади. Рухнинг барча жабҳаларини интеграциясига эришганда, инсон уйғунликни сезади. Шу сабабли, ўзликни ривожлантириш инсон ҳаётининг бош мақсадидир.

- Онг-эго
- шахсий онгсизлик-анима ва анимус, ўзлик
- Коллектив онгсизлик-архетиплар

### **2.2.3. А. АДЛЕР (1870-1937) НИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИЯСИ**

#### ***Индивидуал психология***

- Альфред Адлер (1870-1937) индивидуал психологиянинг асосчиси ҳисобланади.
- Унинг асосий асарлари: «Нерв характери ҳақида» (1912), «Индивидуал психологиянинг назарияси ва амалиёти» (1920), «Инсоншунослик» (1927), «Ҳаётнинг мазмуни» (1933).

#### ***Инсон табиати***

- Инсон-ягона ва ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи организм; *individuum* (лат.) — бўлинмас. Инсон ҳаётий фаоллигининг ҳеч бир намоён бўлишини изоляцияда кўриб бўлмайди, лекин фақат шахсга муносабатда тўлиқ кўриб чиқиш мумкин.
- Инсон ҳаёти — шахс учун аҳамиятли мақсадлар йўналишидаги ўсиш ва ривожланиш, узлуксиз ҳаракат ва ҳаёт мақсадлари инсоннинг тақдирини белгилайди.
- Инсон хулқ-атвори-ирсият ва муҳит таъсири натижасигина эмас, балки инсоннинг ўз ҳаётининг архитектори саналган ижод кучидан ҳам иборат.
- Индивид жамиятдан ташқари кўриб бўлмайди, унинг хулқ-атвори эса социал контекстдан ташқарида . Ҳар бир инсонда умумийлик ва социал қизиқишнинг табиий туйғуси мавжуд, яъни ҳамкорликнинг социал муносабатларига туғма равишда интилиш мавжуд.
- Инсон хулқ-автори ўзи ва атроф олам ҳақидаги тасаввурлари билан белгиланади «апперцепция схемаси».
- Эришилмаган мақсад ёки вазифалар инсон хулқ-атворини йўналтириб, ҳаракатлантириб туради.
- Инсонга ягона, яхлит, унсурлари бир-бири билан ўзаро мувофиқ келувчи мавжудод сифатида қарайди.
- Индивидуум мия ва тана, онглилик билан онгсизлик, тафаккур, туйғу, ҳаракат, шахсда намоён бўлувчилар ягоналигидир.
- Номукамаллик комплекси атамасини А.Адлер фанга олиб кириб, ушбу туйғуни барча болалар жисмоний ўлчамлари, кам кучлиги ва имкониятларининг пастлиги оқибатида бошдан кечирадилар.
- Келажакда жуда кучли, комплексга айлантириш, ижобий ўсиш ва ривожланишни қийинлаштириши мумкин. Бироқ ўртача даражали номукамаллик болада “кучли бўлиш ёки бошқалардан кучли

бўлиш”га, камолотга, устунликка, ўзининг қобилиятларини ривожлантиришга ундаш мумкин

- Камолотга интилиш туғма бўлиб, бу ҳаётнинг бир бўлаги, ҳаётга интилишнинг бўлмаслиги маъносиз, дейди А.Адлер.
- Мукаммалик масқад ижобий ва салбий бўлиши мумкин.
- Агар у ижтимоий манфаатга ва бошқаларнинг фойдасига йўналтирилган бўлса, ривожланиш конструктив ва соғлом йўналишга эга бўлади. Бу ривожланиш, кўникма ва малакаларнинг камол топтириш, мукамал ҳаёт услубига эга бўлиш учун ишлашга интилиш. Бироқ айримлар мукамалликка бошқлар устидан ҳумронлик қилиш орқали эришишга уринади. Бу ҳокимият ва агрессияда намоён бўлади.
- Ҳар бир инсон интилиш ва эришишига мужассамлашувчи ўзининг ҳаёт услубини ишлаб чиқади. Уларнинг шаклланиши болаликдан бошланиб, номукамаллик, ишончсизлик, катталар оламида бўлишга ожизлик комплекси сифатида шаклланиб бошлайди. Ҳаёт мақсади бундан ҳимояланиш, қондирилмаган бугунги ҳаёт билан ёрқин, мукамал келажак ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.
- Агар номукамаллик комплекси туйғуси кучли бўлса, мақсадларни реалликдан йироқлашувига ва невротикликни ўсишига олиб келади. Ҳаёт мақсади инсонни фаолият йўналишлари ва вазифаларини таъминлайди. Масалан, шахсий ҳокимиятига интилган кишида зарур мақсадга эришишга йўналтирувчи характер хусусиятларини шакллантиради: амбиция, рашки, ишончсизлик ва бошқалар.
- Ҳаёт услуби-ўзининг ҳаёт мақсадига бориши учун ҳар бир инсоннинг танлаган ноёб усули бўлиб, бу ҳаётга мослашуви ва у билан умуман таъсирлашувининг интеграллашган услуби.

### ***Шахс типлари***

- ***Бошқарувчи тип.*** Бу тип инсонлар ўзига ишонган ва ғайратли, аҳамиятсиз социал манфаатларга, агар булар мавжуд бўлмаса. Улар фаол, аммо социал режада эмас, уларга бошқаларнинг бахт-саодати аҳамиятсиз, улар ташқи олам устидан ҳумронлик қилиш хос. Асосий ҳаётий муаммоларини улар душманлик, антисоциал ҳал этадилар (жиноятчилар, наркоманлар, қонунбузарлар).

- ***Олувчи тип:*** ташқи оламга текинхўрлик ва ўзининг эҳтиёжларининг кўп қисмини бошқалар ҳисобига қондиришга интилувчи одамлар. Уларда социал манфаатлар йўқ, улар бошқалардан кўпроқ нарса олишга интиладилар. Уларнинг фаоллиги юқори эмас, уларнинг бошқаларга азоб-уқубат келтириш эҳтимоли камроқ.

- ***Қочувчи тип:*** бу инсонларнинг социал қизиқишлари „ шахсий муаммоларни ҳал этишдаги мажбурий фаоллиги паст, улар муваффақиятсизликдан қўрқадилар ва ҳаётий муаммоларини ечишдан қочадилар. Улар қийинчилик ёки омадсизлик туғдирадиган барчасидан қочадилар.

- **Социал тип.** Бу етук талабга жавоб берадиган, социал манфаатлар боғлаб туради ва юқори фаолликка эга. Бу инсон бошқа инсонларга ғамхўрлик кўрсатувчи, улар билан муносабатга қизиқувчи, инсонларнинг асосий ҳаётий муаммоларини ҳал этувчи муаммоларни-иш, севги, дўстлик-ҳамкорликни, шахсий мардликни, масъулиятни талаб этишини билади ва бошқа инсонларнинг роҳат-фароғатида ўзининг ҳиссаси кўшишга тайёр.

#### **Оилада фарзандларнинг ўрни**

А.Адлер бўйича оиладаги иккинчи фарзандда ҳаёт стилида ракобатлашув, ўзининг имкониятларини намоён этиш ва исботлаш истаги юқори бўлади.

### **2.2.4.К.ХОРНИ (1885-1952)НИНГ (Гуманистик психоанализ) СОЦИАЛ МАДАНИЙ НАЗАРИЯСИ**

- Шахсдаги бузилишларнинг кузатилиши шахслараро муносабат ноёб услублари билан боғланган.

- Хорнининг таъкидлашича, боланинг ривожланишида улар ва ота-оналари ўртасидаги социал муносабатлар ҳал этувчилигини аниқлади. Болалик даврида иккита эҳтиёж хос, қониқиш ва хпвфсизликка эҳтиёж. Биринчиси, барча биологик эҳтиёжларни қамраб олса, иккинчиси эса боланинг ривожланиши учун зарур. Бу севимли, ардоқли ва ташқи оламдаги хавф-хатар ёки душманликлардан ҳимояланишга интилиш.

- Ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши уларнинг ота-оналарига боғлиқ. Агар улар ҳақиқий меҳр ва илиқликни кўрсатсалар, хавфсизликка бўлган эҳтиёжлари қондирилган бўлса, у ҳолда соғлом шахс шаклланади.

- Агар кўп ҳолларда болаларнинг эҳтиёжлари қондирилмаса, патологик шахсни шаклланишига сабаб бўлади.

- Болаларга ахлоқона муносабатда бўлиш унда душманона таян эҳтиёжни шакллантиради.

- Базал безовталаикни ифодаланиши катта кишиларда неврозни келтириб чиқаради.

Инсонларга хос 10 та эҳтиёж:

- Севги ва қўллаб қувватлашга;
- Бошқарувчи шерикка;
- Аниқ чекланишларга;
- Ҳокимиятга;
- Бошқаларни эксплуатация қилишга;
- Жамиятнинг эътироф этишига;
- Ўзидан завқланишга;
- Шухраспарастликка;
- Ўзидан ўзи қониқишга ва мустақилликка;
- Бекамикустликка ва рад этиб бўлмасликка.

#### **Шахс типлари**

- **Ёнберувчи:** одамларга йўналган бўлиб, тобелик хос, қатъиятсизлик, ёрдамга мухтожлик. Мен ён берсам, менга халақит бермайдилар.

• **Танҳолик:** Одамлардан йўналиш олган. Бундай инсон мен ўзимдан четлаштираман, мен билан ҳаммаси жойида бўлади. Менга барибир, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага эътибор бермайман.

• **Душманона:** Одамларга қарши йўналган. Унинг учун ҳукмронлик, душманлик, эксплуатация ҳос. Менда ҳокимият бор, менга ҳеч ким халақит бера олмайди.

### **2.2.5. ЭРИК ЭРИКСОН (1902-1994)НИНГ ЭПИГЕНЕТИК (ЭГО-ПСИХОЛОГИЯ) НАЗАРИЯСИ**

• Эриксон Фрейднинг таълимотини инкор этмаган ҳолда, унинг онгсизлик тўғрисидаги таълимотидаги Онодан кўра, Эго аҳамиятини шахс тараққиёти учун муҳим деб ҳисобланган. Бу Оно билан инстинктлар параллел ривожланишида социал адаптацияга эришишда Эгонинг ривожланиш йўналиши. Ўзининг табиатида кўра ушбу йўналиш Эго-психология деб аталади.

• Эриксоннинг концепцияси шахснинг психосоциал ривожланиш концепцияси деб аталади. Унга кўра шахс психикаси билан у яшаётган жамият хусусияти чамбарчас боғлиқ.

• Инсон ўзининг ҳаёти давомида барча инсониятга ҳос бир неча босқичлардан ўтади.

• Эгонинг ривожланиши маданий ва социал кўрсатмалар ҳамда қадриятлар тизимининг хусусиятларининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. У оқ танли америкаликлар билан ҳиндуларнинг болаларни тарбиялишини қиёслади. Унинг қиёслаши оқибатида ҳар бир маданият ўзининг тарбия услубига эга: у она ягона ҳақиқат сифатида қаради. Бу услуб боладан у яшаётган жамият нима кутаётганлигини белгилайди.

• Инсон ривожланишининг ҳар бир босқичи ўзига ҳос социумга мос келади, уни инсон оқлаши ҳам, оқламаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли Эриксон боланинг дунёга келган биринчи кундаёқ шаклланадиган “социал идентиклик” деган тушунчасини киритди: дунёни тушуниш, ушбу гуруҳга мансублиги билан боғлиқ бола ўзининг бирор бир социал гуруҳга киришига йўналганлиги.

• Секин-асталик билан “эгомдентиклик” шаклланади ва бу шахс Мени шаклланишида узоқ давом этадиган жараён. У бир неча босқичлардан иборат. Ҳар бир босқич маълум ёшга ҳос вазифалар билан характерланади. Улар жамиятга интилади. Аммо вазифаларни ҳал этиш шахс яшаётган жамиятдаги муҳит ва инсон психик тараққиёт даражасига эришганлик билан белгиланади.

#### **Шахс ривожланиш босқичлари:**

- Биринчи давр - гўдаклик.
- Иккинчи давр- илк болалик.
- Учинчи давр - ўйин ёши.
- Тўртинчи давр - мактаб ёши.
- Бешинчи давр – ўспиринлик.

- Олтинчи давр – ёшлик.
- Етинчи давр - етуклик даври.
- Саккизинчи давр- қариллик.

### 2.2.6.ЭРИХ ФРОММ (1900-1980)НИНГ ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИ

- Э.Фроммнинг назарияси “гуманистик психоанализ” деб номланади.
- Э.Фромм назариясининг асосий ҳолати куйидигача:
- Инсон мавжудлигининг бош зиддияти-атроф оламдан мустақиллик ва эркинликка интилиш, хавфсизликка ва социумга мансубликка интилиш ўртасидаги зиддиятдир
  - Инсон озодлик ва автономликка интилади, аммо у бу курашда ўзини табиат ва жамиятдан ўзини бегона ҳис этади.
  - Инсон бегоналик ва ёлғизлик туйғусини бартараф этиш учун ўзининг хулқ атворида авторитаризм, деструктивлик ва конформлик тенденцияларини намоён қилади.
  - Авторитаризм- бу тенденция индивидуал Мен билан йўқолган кучни эгаллашда ташқи нимадир ёки билан бирлаштиришдир. Авторитаризм мазохистик ёки садистик тенденцияларда намоён бўлади.
  - Деструктивлик-бу кимнидир ёки ниманидир эгаллаш, йўқ қилиш ва вайрон қилиш.
  - Конформлик-хулқ-атворни тартибга солиш, социал нормаларга тўлиқ бўйсунуш тенденцияси.
  - Ижобий эркинлик-бу эркинли турларидан бири бўлиб, инсон ўзининг оламнинг бир бўлаги ҳис этади ва шу билан бирга унга боғлиқ бўлмайди.
  - Ижобий эркинлик инсонларда ҳаётида спонтан фаолликни талаб этади
  - Ижобий эркинликни ривожланишига меҳнат ва севги таъминлайди.
- Э.Фромм бўйича олти севги (муҳаббат) ажратилади:
  - оналик,
  - оталик,
  - ота-онага муҳаббат,
  - акали муҳаббати,
  - эротик муҳаббат,
  - аллоҳга муҳаббат. Уларнинг барчаси онгсизликда амалга оширилади
- Э.Фромм бўйича шахс типлари:**
  - **Тўпловчи тип.** Кўпроқ моддий фаровонлик, бойлик, ҳокимият ва севгига эришишга интилади, ригидлик, шубҳаланувчи, ўжар, эҳтиёткорлик, тўғрилик, ўзини тута билиш, вазминликка ҳам эга бўлади.
  - **Бозор тип.** Мени қандай кўришни хоҳласангиз, шундай инсонман қоидасига амал қилади. Ўзини товар сифатида намоён этади ва бошқаларга товарга сингари ёндашади, масқадларга эришишда яхши-ёмонни факрламайдигандик намоён бўлади, шу қадар очик ва билишга қизиқувчан.
  - **Продуктив тип.** қолган тўрта типдан фарқ қилган ҳолда инсон ривожланиши учун мақсадга якуни мақсадни ўзида ифодалайди. Ўзининг

мустақиллиги, поклиги, хотиржамлик, бошқаларга мухаббатлилиги, ижодга интилувачан ва социал фойдали хулқ-атворга эга.

- **Эксплуатация қилувчи.** Ўзига ишонган, тажовузкор, бошқаларда ўзлаштиришга интилиш, ўзии ярата олмайди.

### **Г.ОЛПОРТ ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИ**

Таниқли АҚШ психологи Г.Оллпортнинг фикрича, шахс “ички тизим”, “динамик қурилма”, “Мен”, “қандайдир метапсихологик Мен” ўзида олдиндан мақсад ва диспозицияни акс эттирувчи, инсон тафаккури ва хулқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир”. Худди шу боисдан шахснинг синфий-тарихий жиҳатдан яққол баҳоланиши очилмай қолади, ижтимоий таҳлил ўрнини психологик талқин эгаллайди чамамда

Г.Оллпорт томонидан шахсга синоним сифатида характер ва темперамент тушунчаларини қўллади.

#### **Шахс типлари:**

- назариётчи, иктисодчи;эстетик;социал;сиёсатчи;диний.


### **2.2.7.Шахсга факторли ёндашлар**

- Б.Кеттелл,
- “Катта бешлик”.
- Шахс: хулқ атворни башоратлаш
- (R техника (номотетик) ва P техника (идиографик))
- Шахс детерминантлари ирсият ва муҳит
- Пол Коста кичкина ва Роберт Мак Крэ: экстраверсия, мувофиқлик, нейротиклик, очиклик, онглилик.

#### **Роберто Ассаджиоли (психосинтез)**

- Онгсизлик шахснинг гармоник ўрганишга етарлича хизмат қила олмайди.
- Ассаджиоли бўйича шахс тузилиши:  
Қуйи онгсизлик (5), ўрта онгсизлик (3-онголди), бқори онгсизлик (6-суперонгсизлик), онг майдони (2), Онгли Мен (1), Олий Мен (4), коллектив онгсизлик (7), Субшахс ёки шахс ост тузилмаси(8).
- **Шахснинг функционал модели**





## Шахснинг бихевиористик назариялари<sup>19</sup>

1. Б.Ф.Скиннер: радикал бихевиоризм,
2. Артур Стаатс: психологик бихевиоризм.
3. Кўникманинг психоаналитик назарияси
4. (Доллард ва Н.Миллер)
5. Когнитив социал ўқув (В.Мишел, А.Бандура)

### *2.3.Шахс психологиясининг бугунги кун муаммолари*

#### **Шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари**

Шахсни тадқиқ этиш психологик тадқиқотлар предметининг муҳим томони ҳисобланади. Шу боис шахсни ўрганиш ва у юзасидан ишончли, объектив маълумот олиш йўллари ва усулларини таъминлаш бўйича доимо изланишлар олиб борилган. Мазкур ишнинг мазмунида ҳам ушбу муаммога умумий ёндашув амалга оширилади.

Шахс тўғрисида маълумот олиш бўйича психодиагностикада бир қатор муносабат ва мулоҳазалар мавжуд. Уларга кўра шахс тўғрисида маълумот олишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Мазкур усуллар ва уларнинг хусусиятлари таҳлили қуйида амалга оширилади.

**L-Маълумотлар.** “L”-маълумотлар, дастлабки тадқиқот муаммосини амалга ошириш зарурлигини таклиф этилади. Кўп ўлчамли тадқиқотларда тадқиқот соҳаси етарлича ва тўлиқ қамраб олиш муҳим. Р.Б.Кэттелл “L”-маълумотлар тил шаклида барча хулқ-атвор кўринишида ифодалаш яхшидир. Бу фақат кўрсаткичларни бошланғич танловдагина яхши бўлиб қолмай, балки олинган факторларни талқини энгиллиги билан қулайдир.

“L”-маълумотлар кўпинча ташқи мезон сифатида бошқа методлар ёрдамида олинган натижаларнинг валидлигини ўлчашда кўп фойдаланади.

<sup>9</sup> Myers, D. G. Psychology. Hope College. Holland, Michigan, 2010. - P. 554.

Бирок, “L”-маълумотлардан бундай фойдаланиш мутлақо тўғри эмас, ташқи баҳолар хулқнинг етарлича ишончли меъёри эмас. Ўзга кишининг хулқини идрок этиш экспертнинг шахслилик хусусиятлари билан боғлиқ янглишилади. Ҳар бир баҳолар экспертнинг ишончли ўлчаш муаммосини келтириб чиқаради. Ўтган вақт мобайнида бир қатор экспертларнинг баҳолашни амалга оширган шароитлар экспертларнинг ҳолати учун ўртача ишончилиликни аниқлашга мўлжалланган қатор методлар таклиф қилинади.

Бу ерда бошқа муаммолар вужудга келиши мумкин, яъни тизими янглишишларини бартараф этиш ҳисобида ташқи баҳоларнинг ишончилиги ривожлантирилади.

Ташқи баҳолашдаги тизимли хатоларни келтириб чиқарувчи сабаб экспертларнинг баҳоланаётган ижобий ёки салбий муносабати таъсири бўлиши мумкин. Ташқи баҳолаш методининг тизимли янглишишига мисол сифатида баҳоланувчи шахс статусидаги тафовут таъсири бўла олади. Масалан, ўқувчининг хулқ-атвори ота-оналар, ўқитувчилар ёки тенгдошлари иштирокида турлича бўлади.

“L”-маълумотларнинг ишончилигини ошириш учун эксперт баҳолаш жараёнига махсус талаблар ишлаб чиқилган. Уларнинг бир нечтаси қуйида келтириб ўтилган:

1. Баҳоланаётган фазилатлар кузатилаётган хулқ атамаларида аниқланиши керак.

2. Эксперт баҳолаётган шахс хулқини етарлича узоқ вақт оралиғида кузатиш имкониятига эга бўлиш керак.

3. Бир фаолиятни баҳолаш учун камида ўнта эксперт бўлиши лозим.

4. Экспертлар томонидан текширилувчиларнинг ранглаштириш бир хусусият бўйича бир маротаба баҳолаш ёки бир нечта хислатларини бир вақтни ўзида баҳолаш мумкин бўлади.

Масалан, 20 нафар эксперт баҳоланувчининг биргина хусусияти, яъни мулоқотмандлигини, нотаниш киши билан суҳбатлашишига тайёрлиги бўйича ранглаштирилади.

Экспертнинг шахсни ўрганишда бундай усулдан амалий фойдаланиши у ҳақда етарлича ишончли маълумотлар олишини таъминлаши мумкин.

**“Q”-маълумотлар.** Шахсни сўровномалар ва ўз-ўзини баҳолашнинг бошқа усуллари ёрдамида ўрганиш ва маълумотлар олиш ёрдамида ўрганишдир. “Q”-маълумотлар (“Questionnaire data”)ни ифодалашини англатади. Тузилишининг соддалиги ва ахборотлар олишининг энгиллиги “Q”-маълумотларнинг (сўровномалар, ўз-ўзига ҳисобот бериш, ўз-ўзини баҳолаш шкаласи) шахсни ўрганишда марказий ўрин тутди. “Q”-маълумотлар олиш учун методикаларининг сони кўп. Уларнинг энг кенг фойдаланиладиганлари “Миннесоти кўп қиррали шахс рўйхати” (MMPI), “Калифорния психологик тести” (CPI) (3,72), “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси (16PF)”, “Гильфорд-Циммерман тести” шулар жумласидандир.

“Q”-маълумотлар инструментал янглишишлар етарлича кучли намоён бўлса-да, аммо улар “L”-маълумотларга нисбатан янглишишлар даражаси

анча паст ҳисобланади.

“Q”-маълумотлардаги янглишишлар сабабли билиш ва мотивацион характерга эга. Билиш билан боғлиқ янглишишлар хусусий шахсни билмаслиги қуйидаги сабаблар билан боғлиқдир:

1. Текширувчиларнинг интеллектуал ва маданий даражасини пастлиги.
2. Интроспекция ва махсус билимлар, малакаларнинг йўқлиги.
3. Ишончсиз эталонлардан фойдаланиш (масалан, текширилувчи ўзи билан барча популяция билан эмас, атрофидаги яқинлари билан солиштиради).

Текширилувчиларнинг ҳар хил мотивацияси ижтимоий ихтиёр этилган жавоблар янглишиш манбалари бўлиб хизмат қилиши мумкин (дисмуляция) ёки ўз дефектларини қайд этиши (агравация ва симуляция).

**“Т”-маълумотлар.** Бу маълумот олиш усули экспериментал вазиятларнинг назоратини объектив тестнинг маълумотлар қисқартирилган “Т”-маълумотлар (objective test data) деб номланади . “Т”-маълумотлар шахсни тадқиқ этишга ўзида янги радикал ёндашувни тақдим этади. Улар ўз-ўзини баҳолаш ва экспертларининг баҳоларисиз хулқ-атвори объектив ўлчашда олинади (вербал ва новербал, социал ва индивидуал). Объектив тестларнинг барчасини кўп қиррали эканлиги кўп ҳолларда шахснинг асосий хусусиятларини намоён этишга мувофиқлаштирилган махсус микровазиятлар ташкил этилади . Уларнинг холислигига қуйидаги икки талаб асосида эришилади:

1. Тест баҳоларининг янглишиш имкониятини чеклашга.
2. Текширилувчининг реакциясига кўра баҳо олишнинг объектив усулларига эга бўлиш.

Биринчи талабни бажаришга тестнинг шакллантиришда текширилувчиларга уларнинг хулқини қайси томонлари ноаниқ бўлиб қолишига эришиш орқали таъминланади. Бунинг учун қуйидаги тактик усуллардан фойдаланилади:

1. *Тадқиқотнинг асл мақсадини яширин қолдириш.* Бу кенг қўлланиладиган тактик усуллардан бири. Бундай ҳолларда тадқиқотнинг асл мақсади текширилувчиларга маълум қилинмайди. Тест ва тестнинг йўриқномаси тадқиқотнинг ҳақиқий мақсадини яширган тарзда тузилади. Тажриба вақтида текширилувчиларга аниқ кўринишдаги кам янглишишга олиб келувчи натижалар олишга имкон берувчи тадқиқотнинг бошқа, ёлғон мақсади маълум қилинади. Кўпинча текширилувчига шахснинг хусусиятлари эмас, балки унинг интеллектуал қобилиятлари, диққати, хотираси, хаёли тадқиқ этилаётганлиги айтилади. Масалан, ассоциатив тестда текширилувчига вербал реакциясини ўрганиш кўзда тутилганлиги айтилади ва унга пайдо бўлган биринчи сўзнинг жавоб сифатида айтиш лозим деган йўриқнома берилади. Шу билан бирга эмоционал аҳамиятли сўзлар билан нейтрал сўзларидаги реакция вақтидаги ўзгаришлар баҳоланади.

Айнан ушбу усул ТАТ, Роршанинг “Сиёҳ доғлари” тестлари сингари

проектив методикаларда тадқиқотнинг асл мақсади маскировка усули ҳисобланади.

2. *Кутилмаган вазифалар қўйиши.* Бу усул сўров олиб боришда терговчи фойдаланадиган “кутилмаган” тактик усулга ўхшайди [12]. Бу вақтда сўрок қилинаётган ёлғон кўрсатма беради, унга ушбу суҳбат тегишли бўлмаган ёки сўралаётган билмайдиган исботлар келтириши сўралади. Бу унинг кутилмалари тизимини бузади ва эмоционал стрессни келтириб чиқаради ва унга хулқнинг танлашдаги чизиғини текширишга халақит беради.

3. *Тестлаштириши мақсадини аниқланмаганлиги ва ноаниқлиги.* Бунда синалувчига кўрсатма бериладикки, натижада у экспериментаторнинг мақсадини англаб етмаслиги зарур бўладикки, унинг ижтимоий талабларга мувофиқ келувчи реакцияларида ўзгариш юз беради. Натижада текширилувчига ижро этиш сифатини белгиловчи мезонлар берилмаган ҳолда қандай бажариш эмас, балки нимани бажарилиши айтилади.

4. *Диққатни чалғитиши.* Бу топшириқ бериш усули экспериментатор учун аҳамиятли бўлиб, у етарлича аҳамият касб этмайдиган топшириқларни ўйлаб топишига ёрдам беради. Чалғитувчи топшириқлар ташқи кўринишдан асосий топшириқларга ўхшаш тарзда бўлиши маъқул. Натижада ташкил этилган тестда синалувчи ўз хатти-ҳаракатларини кам назорат қилади ва ўз шахсини очилмаган қирраларини ўрганишларига шубҳа ҳосил қилмайди.

5. *Тестлаштириши вақтида эмоционал вазиятни ҳосил қилиши.* Бу усул психологик амалиётда кенг кўламда фойдаланилади. Эмоционал зўриқишлар ҳар хил йўллар билан ҳосил қилинади, масалан, берилган топшириқни нотўғри бажарганлигини огоҳлантириш орқали текширилувчининг ташқи қиёфаси ва унинг лаёқатини баҳолаш орқали эришилади.

6. *Тестларнинг эмоционал мазмун касб этиши.* Бу усул олдингисига ўхшаб кетади. Бунинг фарқли томони эмоционал вазиятлар кўшимча тарзда тузилмасдан айнан тестнинг ўзида берилади. Тест мазмунан этикавий бўлмаслиги, аралаш, ёқимсиз, шоирона бўлиши мумкин. Масалан, текширилувчини психолокка ўзининг шахсий ишлари ва таассуротлари ҳақда жуда қизиқиш билан сўзлаб беришлари сўралиши мумкин, сўнгра тестга муносабати ва уларни ким ўтказиши ҳақида айтиб ўтилади.

Тест материаллари сифатида анекдотлар, карикатуралар, мусиқий парчалар, умумий шарҳлаш учун фойдаланилмайдиган тиббий ёки юридик ҳужжатлардан иборат бўлган автомобил ҳалокати акс этган фотографиялар бўлиши мумкин. Азарт ўйинлар объектив шахс тестларни эмоционал мазмунини алмаштириш учун кўпинча фойдаланиш мумкин.

7. *Реакцияларнинг автоматлашуви.* Дасхат, устумонлик билан қилинган ҳаракат (манёвр), экспрессив ҳаракатларни назорат қилиш ва катта хоҳишларни ўзгартириш шахслилик тестларида фойдаланилади.

8. *“Беихтиёр” индикаторлар қиритиши.* Шахснинг “беихтиёр индикаторлар” тушунчасини Б.М. Теплов ва В.Д.Небилицин мактабида ишлаб чиқилган. Ушбу тушунча замирида “текширилувчининг иродаси ва мақсадларига боғлиқ бўлмаган параметр ва функцияларни қайд этишга асосланган методикаларгагина хосдир”. Буни Б.М. Теплов шартли равишда

“ихтиёрсиз” реакцияларнинг методикаси деб ифодалади. Бунда шахснинг “беихтиёр” индикаторлар сифатида кузатилаётган психик жараёнларга электрофизиологик, биохимик ва вегетатив ўзгартиришлар киритиш орқали фойдаланилади.

9. “Фонли” индикатор. “Фонли” индикаторлар сифатида шахснинг хусусиятлари билан боғланишда бўлган организмнинг физиологик ва физик статусларидан фойдаланилади. “Фонли” индикаторлар сифатида антропометрик ўлчовлардан фойдаланилади: бўй, оғирлик, суяк-мускул оғирлиги, танадаги бошқа кўрсаткичлар ва пропорционалликлар киритиш мумкин.

Барча санаб ўтилганлар текширилувчи томонидан субъектив янглишишларга йўл қўйишни камайитириш учун мўлжалланган объектив тест тузиш усуллари дидир.

Тестлаштириш натижаларини объективлаштиришнинг иккинчи талаби субъектив янглишишларни пасайитириш ундаш экспериментаторнинг ўзини киритиш орқали дидир. Бу тест баҳоларининг олиш жараёнини қатъий ўтказиш жараёнини шакллантиришга эришганда, барча психологларда уларнинг симпатияси ва маҳорат даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил натижалар олишга олиб келади.

Ушбу нуқтаи назарга кўра традицион проектив методикаларни (ТАТ, Роршах, расмли-фрустрация тести) объектив деб бўлмайди, улар - текширилувчининг имкониятларини чекланишини тест натижаларини нотўғри талқин қилишни киритиб қўйиш ҳақидаги фақат биринчи талабни қондирадилар. Улар иккинчи талабни қондира олмайдилар.

Энг тўлиқ объектив тестларнинг тўпламини Р.Б.Кэттелл ва Ф.В.Варибуртонлар тузган “шахс ва мотивациянинг объектив тестлари компендиуми”да топиш мумкин.

Муаллифлар ушбу маълумотномада 400 дан ортиқ ҳар хил тестларни киритган бўлиб, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийлар қуйидаги 12 гуруҳга қирувчи тестлар классификацияси келтириб ўтди:

1. Қобилият тестлари. Бир қатор тестлар дастлаб интеллект функциялари, билим ва қобилиятларни тадқиқ этиш учун тузилган бўлиб, шахс факторлари, масалан, нутқнинг равонлиги ва мотор ригидлик билан юқори корреляцияга эга.

2. Кўникма ва малака тестлари. Ушбу гуруҳга кўриш-ҳаракат координация, қўл ҳаракати координацияси, лабиринтдан аниқ ўтиш ва бошқа тестлар тегишли дидир.

3. *Идрок тестлари*. Бу гуруҳ кенг кўламдаги кўриш идрокидан (тугалланмаган тасвирларни яқунлаш) тортиб, хид билиш идрокигача бўлган (хидни афзал билиш) тестларни ўзида қамраб олади.

4. *Сўровномалар*. Бу гуруҳ тестлар хулқ-атвор, там, одатлар ва бошқалар ҳақидаги сўров анкетаси кўринишида тузилган, масалан, саломатлик, гигиеник талабларни бажариш ҳақидаги анкета.

5. *Мулоҳаза.* Ушбу гуруҳга текширилувчининг бошқа инсонларга, хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларига, сиёсий қарашларига муносабатини ёритишга тегишли.

6. *Эстетик.* Бу гуруҳ мусиқий асарлар, картина, суратлар, шоирлар ва ёзувчиларни афзал билиши тестларидир.

7. *Проектив тестлар.* Ушбу тестлар идрок хатоларини ўрганишга мўлжалланган бўлиб, уларга барча формаллаштирилган шахс проектив тестларини киритиш мумкин.

8. *Вазиятли тестлар.* Улар маълум социал вазиятларни яратишни илгари суради. Масалан, бир ёки шу тоифа топшириқлар ягоналикда ва бутун синф олдида, мусобоқа ёки кооперация вазиятида шахсий ҳисоби учун ва команда учун бажарилади.

9. *Ўйинлар.* Ўйин вазиятларида текширилувчи шахснинг индивидуал хусусиятлари яхши намоён бўлади. Шу боис кўпгина ўйинлар объектив тестларнинг таркибига киритилган.

10. *Физиологик тестлар.* Уларга физиологик кўрсаткичлар регистрация қилинадиган тестлар мансубдир: КГР, ЭКГ, ЭЭГ, тремор.

11. *Физик тестлар.* Уларни физиологик тестлардан доимо ҳам ажрати осон эмас. Кўкрак қафасининг ўлчами, тананинг солиштирма оғирлиги, ёғ тўпланининг ўлчами ва бошқа кўрсаткичлар физик тестларга дахлдорлиги кузатилади.

12. *Тасодифий кузатиш.* Бу масалан, ноаниқ жавоблар сони, тест бланкида қўйилган белгилар, ёзувнинг батартиблилиги, ўймакорлик, текширувдаги қунтсизлик ва бошқа хусусиятлар тарзида намоён бўлиши мумкин.

Объектив тестлар ўзида ҳақиқатдан субъектив баҳолардан холи бўлган экспериментал ёндашувни тақоза этади. Кўпчилик мутахассислар бу соҳани анчагина истиқболли деб ҳисоблайдилар.

### **Назорат саволлар:**

1. Шахс назарияларининг ўзига хослиги нималарда акс этади?
2. Психоанализ ва психосинтез назариялари ўртасидаги тафовутлар?
3. Шахснинг амалий ўрганиш методикалари қандай тоифаларга ажратилади?
4. Шахсни амалий ўрганиш воситаларига қандай талаблар қўйилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duane P.Schults. Theories of Personality. Wadsworth, a division of Thomson Learning, Inc. Copyright © 2005.-550p.
2. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
4. Клонингер С. Теория личности: познание человека. -СПб.: Питер. 2003. -720 с.
5. Общая психология и психология личности/ под.ред. А.А.Реан.- М.:АСТ:Астрель;СПб.:Прайм-Еврознак,2009.-639 с.
6. Реан А. А. Психология изучения личности: Учеб. пособие. СПб., Изд-во Михайлова В. А., 1999. 288 с.
7. Юнг К.Г. Психологические типы. -Мн.: ООО «Харвест», 2003.-528 с.

### 3-мавзу: Инсонлар ўртасидаги типологик фарқларни ўрганишга доир янги ёндашувлар

#### **РЕЖА:**

3.1. Темперамент назариялари.

3.2. Индивидуал фарқларнинг эмоционал ва мотивацион жабҳалари.

3.3. Инсон характер типлари

**Таянч иборалар:** индивидуаллик, темперамент, характерологик, типлар.

#### **3.1. Темперамент назариялари<sup>10</sup>**

- Гуморал,
- Энергетик,
- Конституционал
- Факторли (психологик),
- Психофизиологик.

#### **Гуморал назария (Гиппократ, Галлен)**

Суюқликларни аралашмаси:

- Sanguis – қон (асосий сифати– иссиқлик).
- Hile – сафро (асосий сифати– қуруқлик).
- Melanos – қора сафро(асосий сифати– намлик).
- Flogma – балғам (асосий сифати– совуқлик).

**Гуморал назария** темпераментнинг Ғарб ва Шарқда бир хил тарзда ўрганилган назарияси ҳисобланади.

#### **Э. Кант**

Э. Кант – қон таркибини тўрта типга доир тавсифини келтириб ўтди:

1. Сангвиниклар – енгил қонли,

2. Холерик – иссиқ қонли,

3. Меланхолик – оғир қонли.

4. Темпераментни у 2 гуруҳга бирлаштирди:

Сангвиниклар ва меланхоликлар – ҳис-туйғу температуралари,

Холериклар ва флегматиклар – ҳаракат температуралари.

<sup>10</sup> The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009

Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.



### *Энергетик назария (В.Вундт)<sup>11</sup>*

- Темпераментнинг энергетик назарияси *асаб тизимининг ишлаш қуввати* билан боғлиқ. Энергетик назариясига кўра темперамент хусусиятлари *асаб тизимининг ишлаш қувватига* қийёсланади. Ҳар бир темперамент ўзининг эмоционал ва қувватни сарфлашига кўра ҳар хил жадалликка эга. Бу юзасидан типологияни Вундт амалга оширган.
- Эмоция учун темперамент – сезги учун кўзгалувчанлик муҳимдир. Фаол темпераментга нисбатан эмоциянинг кечиши кучли ва аниқ юз беради. Вундт темпераментнинг 2 хусусиятига хос 2 фактни ажратиб кўрсатди: кучли – кучсиз, лабиллик – стабиллик (тезлик – секин).
- Сангвиник ва флегматикка юзаки кучсиз эмоционал реакция хос.
- Холерик ва меланхолик – кучли кечинмали (аффектив, чуқур).
- Эмоционал беқарорлик – холерик ва сангвиник.
- Эмоционал барқарорлик : флегматика ва меланхолик.

	<i>Кучли</i>	<i>Кучсиз</i>
<i>Лабил</i>	<i>Холерик</i>	<i>Сангвиник</i>
<i>Стабил</i>	<i>Меланхолик</i>	<i>Флегматик</i>

### *Конституционал назария (Хлод Сиго, Кречме, Шелдон)*

*Темпераментнинг тана тузилиши билан психика белигиларини ўзаро боғловчи назарияси конституционал назария деб аталади.*

#### *Хлод Сиго-француз врач:*

- Нафас олувчи тип – тос суяги тор.
- Овқат ҳазм қилиш-катта жонли, жағлари катта.
- Мускулли тип –тос қисми ўртача.
- Церебрал тип танаси қисқа.

#### *Э. Кречмер.*

- Эндоморф – ички аъзолари ривожланган-қадди-қомати кучсиз, танасида ёғи кўп (пикник)
- Мезоморф – мускул тизими ривожланган. Қомати тик, психологик

<sup>11</sup> Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.

- барқарор ва куч (атлетик).
- Эктоморф – тери ва асаб толалари ривожланган, организми нозик, мускули кучсиз, асаб тизими ва ҳиссиёти қўзғалувчан (церебрастоник; лептосоматик).
  - Агар белгилар яққол ифодаланаса, бу аралаш тип ҳисобланади.
  - **Америкалик психолог У.Шелдон (1898-1974 й)** ўз концепциясини киритиб, унга асосан темперамент 3 соматик конституцияга эга: *эндоморф*, *мезоморф*, *эктоморф*.
  - *Эндоморф турга*-юмшоқлик, думалоқ тана тузилиш, суст ривожланган суяк ва мускул тизими, севги ва комфортга интилувчанлик, ҳис-туйғуга берилувчанлик, секин ҳаракатланиш хосдир. У висцеротоник темпераментдир.
  - *Мезоморф турга*-қатъийлик, бешавқатлик, қатъий хатти-ҳаракатлар, суяк, мускул тизимининг яхши ривожланганлиги, кучлилик, атлетик тана тузилиши, севги иштиёқларига қизиқиш, таваккалчилик, фаоллик, кўрқмаслик ва агрессивлик хосдир. Бу соматотоник темпераментдир.
  - *Эктоморф турга*-нозиклик, мускулнинг намоён бўлмаслиги, кам киришимлилик, одамовилик, ёлғизликка интилиш, юқори реактивлик хосдир. Бу церебротоник темпераментидир.

### ***Темпераментнинг регулятор назарияси (Я.Стреляу).***

У асаб тизимининг хусусиятлари орқали темпераментни ўрганишга эътибор қаратган.

### ***Темпераментнинг психофизиологик назарияси (В.С.Мерлин)<sup>12</sup>***

**В.С.Мерлин**-психика нерв системаси хоссаси бўлса, унда индивидуаллик хоссаси темперамент хоссаси ҳисобланади, бу эса нерв системасининг индивидуал хоссасидир. Темперамент хусусиятларини фарқини биз нервно-физиологик характерда кўришимиз мумкин. Темперамент хусусиятлари бевосита, биртарафлама умумий нерв системаси типлари билан боғлиқ, бошқа индивидуал психик хусусиятларга қараганда. Бунда темперамент умумий нерв системаси типлари билан боғлиқ.

Умумий асаб тизими типи нерв фаолиятида бошқарувчи ролни бажаради. Умумий тип хусусиятлардан шартли рефлектор динамикасини келиб чиқади. Демак, темперамент хусусиятлари умумий нерв системаси типидан келиб чиққани учун психик фаолиятда бошқарувчи ролни бажаради. Улардан психик жараёнларнинг динамикаси келиб чиқиши керак. Индивидуал хусусиятлар эмоция-иродавий жараёнлар темпераментни тасвирлаб, фақат уни тезлиги эмоция-иродавий кучига йўналтирилмасдан олий нерв фаолияти хусусиятларида ёритиш керак. Невр системаси қўзғалиши хусусиятларнинг биз эмоционал қўзғалишни ва иродавий қўзғалишни ажратиш керак. У аҳмияти ва давомийлиги билан таъсир

<sup>12</sup> Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.

иродавий кучни келиб чиқишида катта аҳамиятга эга.

Темперамент хусусиятларига биз индивидуал хусусиятларни киритиш мумкин.

1. *Психик фаолиятлари динамикасини бошқаради;*
2. *Маълум психик жараёнлар динамикасини таърифлайди;*
3. *Мустахам ва доимий характер узоқ вақт давомида ривожланиб қолади;*
4. *Қонунийлаштирган ҳолда темперамент типидан таърифланади.;*
5. *Бир овоздан умумий асаб системаси типидан ҳосил бўлади.*

### **Темпераментнинг факторли (психологик) назариялари**

Темпераментнинг факторли назарияси психология назария деб номланади.

#### **К.Юнг назарияси**

**2типга ва 4 аниқловчига ажратади:**

##### **Типлар:**

1. экстраверсия
2. интроверсия

##### **Аниқловчилар:**

1. фикрловчи,
2. эмоционал,
3. сенсор,
4. интуитив

#### **Г.Айзенкнинг темперамент назарияси.**

У дастлаб темпераментни 2 та параметрга кўра ўрганди: экстраверсия-интроверсия. Сўнгра эмоционал стабиллик, лабиллик-нейротизмни қўшди.

меланхолик тип:	интроверт+лабил
сангивиник тип:	экстраверт+стабил
флегматик тип:	интроверт+стабил
холерик тип:	экстраверт+лабил

Айзенкнинг темпераментни ўрганиш тизимининг тўлиқ кўриниши 4 та шкаладан иборат:

1. Экстраверсия-интроверсия
2. Эмоционал стабиллик-лабиллик
3. Циклоидлик, шизоидлик
4. Пикник, лептосоматик

### 3.2. Индивидуал фарқларнинг эмоционал ва мотивацион жабҳалари.

- Индивидуалликнинг эмоционаллик ҳолати дастлаб қуйидагича тушунилган: **эмоционал қўзғалувчанлик ва реактивлик сифатида**
- Д.Н.Небилицин бўйича эмоционалликни асосий қуйидаги хусусиятлар билан боғлаб изоҳлади: **таассуротчанлик, импульсивлик, эмоционал лабиллик.**
- В.С.Мерлик эмоционал қўзғалувчанликка хосликни: **кучсиз асаб тизимига боғлиқ деб изоҳлади.**
- Агар **нейротизм** мавжуд бўлса, у **эмоционал стабиллик ва ностабиллик** билан биргаликда намоён бўлади.
- Юқори нейротизм ва хавотирланиш **ностабил эмоционал** фонда кузатилади.
- Қуйи нейротизм ва хавотирланиш эса **стабил эмоционал** фонда кузатилади.
- Инсонлардаги стабиллик ва ностабилликка кўра вазиятларга нисбатан оптимистик ёки пессимистик муносабат намоён бўлади.
- Оптимизм тушунча ўзбекчада **энг яхши** маъносини англатади.
- Пессимизм тушунчаси ўзбек тилида **энг ёмон** маъносини англатади.
- Инсондаги рухий беқарорлик кўпинча вазиятларга мослашувни секинлаштириб, социал муносабатларга киришишга нисбатан тортинчоқликни келтириб чиқаради.
- Р.Кеттелл бўйича **тортинчоқликни** қуйидагича изоҳлади: **шахснинг қўзғалувчан асаб тизими билан боғлиқ биологик шартланган қирраси.**
- 

### 3.1. Инсон характер типлари

#### А.Е. Личко типологияси

1. Гипертимли тип - бу типга кирувчи ўсмирлар жуда ҳаракатчан, мулоқотга киришувчан, маишатни яхши кўрадиган бўлади. Шовқин - суронли компанияларда бўлишни ёқтирадилар. Ўқишлари яхши эмас. Кайфиятлари ҳар доим аъло даражада бўлади. Ота - оналари ва ўқитувчилари билан улар ҳар доим конфликтда бўладилар. Бундай типдаги ўсмирлар ўзларига ишонадилар, мақтанчоқ бўладилар.

2. Циклоид тип - қўзғатувчанлиги жуда юқори бўлган ўсмирлар киради. Булар кўпроқ уйда ўзлари бўлишни хоҳлайдилар ва кам ҳаракатда бўладилар. Танқидга жуда таъсирчан бўлиб, кайфиятлари даврий ўзгарувчан бўлади.

3. Лабилли тип - бу тип жуда ўзгарувчан кайфиятли кишиларга мансуб бўлиб, буларнинг кайфиятини ўзгаришига киши нигоҳи ёки айтилган ноўрин сўз ҳам таъсир этиши мумкин. Бундай ўсмирларга кайфиятга таъсир этувчи, уни ўзгартира олувчи кишилар ёрдами керак.

4. Астеноневротик тип - бу типдаги одамлар ҳамма нарсага эътибор билан қарайдиган, инжиқ, тез қўзғалувчан бўлади. Асосан ақлий ишни бажарганда тез чарчаш уларга хосдир.

5. Сензитивли типга - кўрқитганда, хафа ёки хурсанд қилганда ҳам юқори кўзгалувчанлик билан жавоб бериш хосдир. Бундай ўсмирлар катта компанияларни, маиший ўйинларни ёқтирмайдилар, улар бегона кишиларни олдида тортинувчан, индамас бўлиб кўринадилар.

6. Психастеник тип - бундай ўсмирлар ақлий жиҳатдан эрта ривожланади, фикрлашга ва мулоҳаза қилишга ўз-ўзини таҳлил қилишга ва бошқа одамлар хулқ-атворини баҳолашга мойил бўладилар. Бу ўсмирлар дангаса бўладилар.

7. Шизоид тип - камгап бўлади. Бу ўсмирлар ўз тенг қурлари билан биргаликда бўлишдан кўра бир ўзлари ёлғиз қолишни, ёки катталар даврасида бўлишни ёқтирадилар. Бошқа кишилар ҳолатини, ташвишини ҳис қила олмайдилар.

8. Эпилептоид типга - бу турга кирувчилар ўзидан кичикларни, ёрдамга муҳтожларни устидан қулишни ва хайвонларни қийнашни яхши кўрадилар. Уларда - мансабпараст, бағритошлик, ўзини яхши кўриш ҳислатлари устунлик қилади.

9. Истероид тип - бу типдаги ўсмирлар кўпроқ эътибор ўзларида бўлишни яхши кўрадилар. Бу ўсмирлар ён атрофдаги одамлардан мактов гапларни эшитишни, эътиборни қозонишни яхши кўради ва бунга доимо ҳаракат қиладилар.

10. Беқарор тип - бу типдагилар ўз келажагини ўйламайдиган бўлиб, бирор бир соҳага ёки касбга жиддий қизиқиш билан қарамайдиганлар. Бу типдагилар иш ёқмас бўладилар.

11. Конформли тип - ўз қизиқишлари йўлида ўртоқларини оғир аҳволда бўлишига қарамасдан ташлаб кетишга ва ўзининг бу қилмишини доимо оқлашга ҳаракат қиладилар. Бу типдагилар ўйламасдан иш тутадилар.

### **К.Леонгард бўйича шахс типлари<sup>13</sup>**

**Гипертим тип** - бу тоифадагилар ўта киришимли, сўзамол бўладилар, имо-ишоралар, мимика ва пантомимика орқали ўз ҳис туйғуларини намоён қиладилар. Улар тўсатдан суҳбатларнинг дастлабки мавзусидан четга чиқадиладар. Бу тоифадаги одамда ўз хизмат ва оилавий мажбуриятларига етарли тарзда жиддий эътибор бермасликлари оқибатида атрофидаги одамлар билан қисқа келишмовчиликлар юзага келади. Уларнинг ижобий томонларидан ишчан, оптимист, фаолияткор, ташаббускорлик каби сифатлари орқали намоён бўлади. Шу билан биргаликда салбий ҳислатлари - енгилтабиат, жиззаки, ўз мажбуриятларига бефарқ муносабатда бўлиши.

**Дистим тип** - бу тоифадагилар камгап, некбин кайфиятли, тортинчок бўлишади. Улар аксари уйда ўтиришни ҳоҳлашади. Сершовқин давраларга интилувчан атрофдагилар билан кам ихтилофга болришади. Уларнинг ижобий ҳислатлари: жиддий, ҳақиқатгўй, соф виждонли. Салбий томонлари: сусткаш, шахсиятпарсат фикрлаш доираси торлиги.

<sup>13</sup> Максименко С.Д.Общая психология.-М.: «Рефл-бук», К.: «Ваклер»-2004.-528 стр.

**Циклоид тип** - бу тоифа кайфиятнинг тез-тез даврий ўзгариши, бунинг оқибатида уларнинг атрофдаги одамлар билан бўлган мулоқотининг ҳам ўзгариб туриши билан хусусиятлидир. Кайфияти чоғ бўлганда у яхши ҳамсухбат, кайфияти ёмон пайтда тундрок бўлади.

**Кўзгатувчи тип** - бу тоифадагилар мулоқотда тортинчоқ, кўпинча улар тунд ва инжиқ, ёлфончиликка, сурбетликка, ихтилофга мойил бўлиб, бу ҳолатда улар фаол ҳисобланади. Ҳотиржам ҳолатда улар софдил, хайвонлар ва кичкина болаларни яхши кўрадилар. Кайфиятлари ёмон бўлганда улар инжиқ, жаҳлдор, ўзларини идора эта олмайдилар

**Тўхталувчан (тиқилувчан) тип** - бу тоифадагилар меъёрида ҳамсухбат, писмиқ, ақл ўргатувчи, камгап. Можаровий ҳолатларда фаол, ташаббускор. Бошлаган ишида юқори кўрсаткичларга эришишга интилади, ўзига нисбатан талабчан. Ижтимоий адолатга ҳайрихоҳ, шунинг билан бирга аразчи, қасоскор. Баъзида ҳаддан зиёд ўзига бино қўйган, тўғрисўз, рашкчи. Яқинларига ва ишдаги кўл остидагиларга нисбатан ўта талабчан.

**Педантик тип** - Можароларга кам аралашади. Хизмат доирасида ўзини бюрократдек тутаяди, атрофдагиларга кўп талаблар қўяди. Шу билан бирга етакчилиқни бажонидил бошқа одамларга беради. Баъзида оиладагиларга тартиб борасида ўта талабчан. Унинг ижобий ҳислатлари: софдил, тартибли, жиддий, ишларда ишончли, салбий томонлари - расмиятчи, писмиқ, қизикқон.

**Ваҳимачи, (Ташвишли) тип** - бу тоифадагилар паст киришимли, ўзига нисбатан ишончсиз. Улар можароларга кам аралашадилар ва бу ҳолатда кўллаб-қувватловчи ва таянч ахтарадилар. У дўстликни қадрлайди, ўз-ўзига танқид кўзи билан қарайди, ўзига топширилган вазифаларни сўзсиз бажаради, ўзининг ҳимоясизлиги оқибатида кўп ҳолларда ҳазил-ҳузил учун нишон бўлади.

**Эмотив тип** - бу тоифадагилар тор доирада сараланган одамлар билан алоқа қилишни афзал кўрадилар. Улар кам ҳолларда можароларга аралашадилар. Хафачилиқларини ичларида сақлайдилар. Яхши ҳислатлари: самимийлик, раҳм-шафқатли, ўзгаларнинг ютуғидан қувонадиган, ижрочи. Салбий томонлари - йиғлоқи, ўта ҳиссиётли, иззатталаб.

**Намойишкорона тип** - бу тоифадагилар тез мулоқотга кирувчи, етакчиликка интилувчан, ҳокимиятни ағаллаш ҳисси устивор ва мақтовни ёқтиради. Улар бошқаларга тез кўникувчан ва шу билан бирга кўнгли бўш. Бундай кишилар ўзига ишончилиги ва юқори ўзига тортувчанликлари билан атрофдагиларнинг ғашига тегади, можароларни ўзлари келтириб чиқарадилар ва фаол тарзда ўзларини ҳимоя қиладилар. Ижобий томонлари - қаноатли, артислик қила оладиган, бошқаларни ўзига қарата оладиган, ўй-фикрининг тўғрилиги. Салбий томони - худбин, шахсият параст, мақтанчоқ, дангаса.

**Экзаллаштирилган тип** - бу тоифадагилар ўта киришимли, сўзамол, бундай одамлар тез-тез баҳслашадилар, лекин иш очик можароларга етиб бормади. Можароли ҳолатларда улар бир пайтнинг ўзида ҳам фаол, ҳам сусткаш. Шу билан биргаликда дўстлари ва яқинларига боғланган ва ғамхўр.

Уларда ачиниш ҳисси юқори, яхши дидли, ҳиссиётлари ёрқин ва самимий. Салбий томонлари - ваҳимачи, бир онлик кайфиятларга ён босувчи.

**Экстраверсив тип** - улар ўта киришимли, бундай одамларда дўстлари ва танишли жуда кўп, улар эзмалик даражасигача сўзамол, ҳар қандай маълумотни улардан очикчасига билиб олиш мумкин. Дўстлар даврасида, ишда, оилада, кўпинча етакчиликда бошқаларга ён босади, бўйсуннишни ва четда туришни афзал кўради. Ўзгаларни диққат билан эшитишга тайёрлик, сўрашган нарсани бажариш каби ижобий ҳислатларга эга. Салбий томонлари: таъсирга берилувчан, енгилтабиат, маишатга ўч, иғво ва ғийбатларни тарқатишда иштирок этиш.

**Интроверсив тип** - бу тоифадагиларнинг бошқалардан фарқли томони шундаки, улар ўта ийманувчан, ўз туйғуларини ошкор этишни хоҳламаслик, ҳақиқийликдан йироқлашиш, файласуфлик қилишга интилишлари билан типологиялидир. Бундай одамлар ёлғизликни ёқтирадилар, атрофдагилар билан кам можарога борадилар, уларнинг шахсий ҳаётларига аралашгандагина улар атрофдагилар билан ихтилофга боришадилар. ҳатъиятлилик, принципиаллик каби ижобий фазилатлар билан бир қаторда қайсарлик, фикрлашнинг тормозланиши, ўз ғояларини ҳатъиятлик билан ҳимоя қилиш каби салбий ҳислатлари мавжуд. Улар ҳар бир нарсага ўз нуқтаи-назарлари билан қарайдилар, бошқаларнинг фикрларидан ўз фикрлари устун қўядилар

### **Р.Мейлининг шахс ҳислатлари**

1. Ўзига ишониш - ишончсизлик.
2. Ақл-заковат билан мулоҳазалаш - тор фикрловчи.
3. Онгли дунёқараш - келажакни ўйламаслик.
4. Мулоҳаза қилиш, ўзини тута билиш, барқарорлик - сохталик, тез берилувчанлик.
5. Хотиржамлик - тажанглик.
6. Кўнгилчанлик - айёрлик, сурбетлик.
7. Яхшилик, сабр-тоқатлилик - худбин, ўзбошимчалик.
8. Дўстона, гапга кирадиган, эпчил - бир нарсага қаттиқ ёпишиб оладиган, золим, майдагап.
9. Самимийлик, кўнгилчанлик - ёвузлик сурбетлик.
10. Ҳақиқатпарварлик - ҳайбаракачилик.
11. Иродалилик - иродасизлик.
12. Соф виждонлилик, тартиблилик - виждонсизлик, бетартиблик.
13. Изчиллик, мантиқийлик, интизомлилик - оқибатни ўйламаслик, тарқоқлик.
14. Ишончлилик - ишончсизлик.
15. Улғайиш - организмнинг етилмай қолиши.
16. Одоблилик - одобсизлик.
17. Киришимлилик - одамови.
18. Қувноқлик - ғамгинлик.
19. Мафтункорлик - ихлоси қайтганлилик.

20. Дилкашлик - писмиқ.
21. Фаоллик - сусткашлик.
22. Мустақиллик - конформлилик
23. Экспрессивлик - вазминлик
24. Хилма-хил қизиқишлар - тор қизиқиш.
25. Таъсирчанлик - совуққонлик.
26. Жиддийлик - бетайинлик.
27. Ҳалоллик - алдамчилик.
28. Тажоввузкорлик - оқ кўнгиллилик.
29. Тетиклик - қувноқлик.
30. Оптимизм - умидсизлик (пессимизм).
31. Ботирлик - кўрқоқлик.
32. Олий ҳимматлилик – зикналик;
33. Эркинлик - тобелик.

### **Назорат саволлар:**

1. Темпераментга нисбатан илмий ёндашувларнинг ўзига хослиги нимада?
2. Индивидуал тафовутлар масаласи психологияда қандай таҳлил қилинади?
3. Темперамент назарияларининг қандай йўналишлари мавжуд?
4. Темперамент ва индивидуал тафовутларни амалий ўрганиш хусусиятларини нимларда кузатилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
2. The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
4. Ж.Годфруа. Что такое психология? М. 1999 г. 2-том.
5. Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.
6. Максименко С.Д.Общая психология.-М.: «Рефл-бук», К.: «Ваклер»-2004.-528 стр.



## 4-мавзу: Мотивациянинг асосий ва замонавий назариялари характеристикаси

### **РЕЖА:**

4.1. Мотивация назариялари.

4.2. Эмоция назариялари.

**Таянч иборалар:** мотивация, эмоция, мотивация назариялари

### **4.1. Мотивация назариялари**

#### **4.1.1. Мотивациянинг рационал назарияси**

• Аристотель ва бошқа грек файласуфлари фаолиятига боғлиқдир. Инсон ҳар бир ҳаракатни ақлга таяниб амалга оширади. Инсон ўз ақли туфайли ирода ва эркинликка эга, мақсад қўяди ва уни амалга оширади<sup>14</sup>.

#### **4.1.2. Мотивациянинг иррационал назарияси**

Кўпроқ жониворлар хулқ-атвориغا хослиги қайд этилиб, эркин эмас, ақлсиз, яширин ва англашилмаган кучлар бошқаради, Улар эса органик эҳтиёжлар билан боғлиқ.

#### **4.1.3. Қарор қабул қилиш ва автоматлар назария**

• Мотивациянинг биринчи илмий назарияси 17-18 асрда яратилган бўлиб, у қарор қабул қилиш ва автомат назарияси деб номланади.

• Қарор қабул қилиш назарияси инсоннинг рационал хулқ-атвори асосида тушунтирилади.

• Автомат назарияси ҳайвонларнинг иррационал хулқ-атвори асосида тушунтирилади.

• Биринчи назария, хулқ-атвори математик билимлардан фойдаланиб тушунтирилади. У инсоннинг иқтисоддаги танлаш муаммосини кўриб чиқди.

• Автомат назариясини вужудга келиши ва ривожланиши механиканинг ютуқлари билан боғлиқдир. Унинг марказини рефлекслар назарияси белгилайди. Рефлекс тирик организмнинг ташқи таъсирларга туғма механик

<sup>14</sup> Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.

Ғозиев Э.Ф. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.

1. Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2002. – 512 с.

2.

жавобидир.

#### **4.1.4.Мотивациянинг табиий илмий назарияси**

• 19-асрнинг иккинчи ярмида шакллантирилган бўлиб, унда инсон хулқ-атворини инстинктлар асосида кўриб чиқишни тавсия этган. Ч.Дарвин бунинг асосий вакили ҳисобланиб, унинг ғоясича инсон ва ҳайвон эҳтиёжлари ва хулқ-атворида ўхшаш жиҳатлар борлиги қайд этилиб, энг асосийси эса инстинктлар ва эмоционал-экспрессив ифодалар ҳисобланади.

•

#### **4.1.5. Биологик назарияси**

- Асосий вакиллари: З.Фрейд ва Макдугалл
- Фрейд ўз назарияси битта инстинктни ҳаёт (инстинкти-либидо), сўнгра ўлим инстинктини киритди.
- Макдугалл эса ўнта инстинктларни ажратиб кўрсатади.

#### **4.1.6.А. Маслоу назарияси<sup>15</sup>**

- Физиологик эҳтиёжлар (1-даражали);
- Хавфсизликка эҳтиёж (2-даражали);
- Социал эҳтиёжлар (3-даражали);
- Ҳурматга ва ўзини ўзи эътироф эттиришга эҳтиёж (4-даражали);
- Ўзини ўзи ифодалашга эҳтиёж (5-даражали).

#### **Даражасига кўра эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси**

- - 1-даража- 85%;
- - 2-даража - 70%;
- - 3-даража - 50%;
- - 4-даража - 40%
- -5-даража - 10%.

#### **4.1.7.Ф. Герцберг назарияси**

• Эҳтиёжлар гигиеник (маош ўлчами, меҳнат шароити, шахслараро муносабат, назорат характери) ва мотивлаштирувчи омиллар(муваффақиятни сезиши, хизмат бўйича кўтарилиши, эътироф этилиши, масъулиятлилик, ўсиш имкониятлари);

• Гигиеник омилларнинг мавжудлиги ишдан қониқиш имкониятини ривожланишини бермайди;

• Эришиш мотивацияси учун мотивлаштириш омиллар таъсирини таъминлаш зарур;

• Қўл остидагиларда самарали мотивацияси учун раҳбар ишнинг моҳиятига кириб бориши зарур.

---

<sup>15</sup> Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p  
Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2002. – 512 с.

#### 4.1.8.Мотивациянинг Х ва У назарияси

- Кишини ишга уйғотиш керак, уни мажбурлаш керак эмас.
- 1981 йилда У. Оучи агар инсон Х ёки Y типга мансуб бўлмаса, у ҳолда Z типга мансуб. Z типга мансублик, яъни инсон мураккаб вазиятларга боғлиқ тарзда ўзини Х ёки Y тарзда тутади, уларга мос мотивация усуллари танлайди.

#### Х тип

- Табиатан ялқов, ишлашни хоҳламайди;
- Масъулиятни ўз зиммасига олмайди, асаби кучини зўрлашдан ўзини олиб қочади;
- Агар унга туртки бермаса, ташаббусга эга эмас. Шу сабабли унинг меҳнатга мажбурлаш ёки рағбатлантириш йўли билан мажбурлаш керак.

#### У тип

- Ишда табиий эҳтиёжга эга;
- Масъулиятга интилади;
- Ижодкор инсон .
- Шу сабабли унинг меҳнатга мажбурлаш эмас, балки уйғотиш керак

#### 4.1.9.К.Левин мотивация назарияси

Фаолият самарадорлигида тугалланган ва тугалланмаган фаолиятларнинг аҳамияти тадқиқ этилган. Унга кўра тугалланган фаолиятга нисбатан тугалланмаган фаолият инсонда мотивацияни сақлаб қолади.

К.Левин мотивацион низоларни ажратган бўлиб, улар қуйидагича кўринишга эга;

№	Мотивация низо типлари	Ҳал этиш йўли
1	Мотивация низоларининг биринчи типи:	“ёқимли-ёқимли”
2	Мотивация низоларининг иккинчи типи:	“ёқимсиз-ёқимсиз”
3	Мотивация низоларининг учинчи типи:	“ёқимли-ёқимсиз”

#### 1. Мотивлар оптимуми ва пессимуми (Введенский Н.Е)

Фаолият самарадорлигига бир қатор қонуниятлар ишлайдики, улардан бири мотивлар оптимуми ва пессимуми қонунидир. Ушбу тушунчани фанга рус физиологи Н.Е. Введенский олиб кирган бўлиб, у ақлий меҳнатнинг

самарадорлиги оптимум қонунига риоя қилишидир. Бу фикрлаш ритми ва меёрга эгаллиги билан боғлиқдир. Н.Е.Введенскийнинг қайд этишича тез юрадиган одам тез толиқади, ўз навбатида секин юрган инсон ҳам толиқади (масалан, боланинг қадамига катта ёшдаги кишининг одимини мослаштириши).

Ишдаги кескин ўзгариш, кутилмаганда унинг кучайиб кетиши ишлаб чиқариш учун ноқулайлик келтириб чиқаради. Бу қонуният кўпроқ асаб-психик ва ақлий фаолиятнинг олий турлари учун ҳаққонийдир. Н. Е. Введенский оптимум ҳар бир инсон учун индивидуалдир.

## **2. Меҳнат мотивациялари билан боғлиқ тадқиқотлар**

Хоуторн экспериментлари предмети *меҳнат шароитининг фаолият самарадорлигига таъсири* масаласи ташкил этган бўлиб, унинг натижасида хулосалар меҳнат унумдорлигини белгиловчи омилларнинг ўрни аниқланди.

Хоуторн экспериментларида *меҳнат унумдорлигини ходимларнинг субъектив идроки белгилайди* деган хулосаган келинди.

## **4.2.Эмоция назариялари <sup>16</sup>**

- ❖ Эмоция (фр. Emotion, лат.emoveo сўзларидан олинган бўлиб, бир мунча вақт ларзага келмоқ, титрамоқ деган маъноларини англатади)- инсоннинг бевосита кечинмалар шаклида ўзида кечирувчи ва амалга оширувчи атроф оламга муносабатидир.

### **Эмоцияни ташкил этувчилар**

- ❖ Эмоцияни субъектив кечинмалари.
- ❖ Организмдаги ички реакциялар.
- ❖ Эмоцияга ҳақидаги фикрлар ва унга боғлиқ вазиятлар.
- ❖ Юз ифодаси.

### **Эмоция орқали инсон:**

- ❖ Эҳтиёжларини ва уларни нимага йўналганлигини аниқлайди;
- ❖ ҳар қандай ижобий ва салбий эмоция инсон олдига қўйган мақсадларга эришганлигини баҳолайди.
- ❖ Ижобий эмоция мақсадга эришганликни, салбий эмоция эса мақсадга

---

<sup>16</sup> Strongman K. T. The Psychology of Emotion. Copyright. John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester. 2003.  
Изард К. Эмоции человека. М., 2001.

эришишдаги муваффақиятсизликларни ифодалйди

### **Эмоция тўғрисидаги ёндашувлар**

- ❖ Замонавий эмоция назариялари У.Джемс томонидан илгари сурилган 1884 йилдаги “Эмоция нима” мақоласи билан бошланди.
- ❖ Инсон хафа бўладиб чунки йиғлайди, хурсанд бўлади, чунки кулади.
- ❖ Джемс-Ланге назариясига кўра: органик ўзгаришлар эмоция пайдо бўлишининг асосий шартлари деб ҳисоблайди.

### **Джемс-Ланге назарияси:**

**ЭМОЦИОГЕН СТИМУЛЛАРНИНГ ИДРОК ЭТИШ**



**ОРГАНИЗМДАГИ АСАБ-МУСКУЛ РЕАКЦИЯЛАРИ**




**ОРГАНЛАРДАН ТУШАЁТГАН ИМПУЛЬСЛАРНИНГ  
МНС ҚАЙТА ИШЛАНАДИ**



**СУБЪЕКТИВ КЕЧИНМА СТИМУЛИНИНГ  
ЭМОЦИЯ КўРИНИШИДА ПАЙДО БўЛИШИ**


## ЭМОЦИОНАЛ ҚЎЗҒАЛИШЛАР КУЧИ (Д.О.ХЕББ) назарияси



### Эмоциянинг ахборот назарияси

- ❖  $E = f(P, (I_n - I_c), \dots)$
  - ❖ Э-эмоция, унинг кучи ва сифати.
  - ❖ П-фаолият эҳтиёжлар ўлчами
  - ❖ (И<sub>н</sub>-И<sub>с</sub>)-(имконият) туғма ва онтогенитик тажрибалар асосида эҳтиёжларни қондириш эҳтимолини баҳолаш
  - ❖ И<sub>н</sub>-эҳтиёжларни қондириш учун зарур башорат қилинган воситалар ҳақидаги ахборот
- 
- ❖ Агар эҳтиёжнинг қондириш эҳтимоли  $I_n > I_c$  бўганда, салбий эмоцияни келтириб чиқаради.
  - ❖ Эҳтиёжнинг қондирилиш эҳтимоли олдин башорат қилинганга қиёслаганда ортса ( $I_n < I_c$ ) ижобий эмоцияни вужудга келтиради.

### Эмоционал стресс



## **Стресс кутилмаган ва кескин вазиятлар билан боғлиқ.**

### ❖ Стресс оқибатида:

- озкозонда зўриқиш пайдо бўлади;
- оғиз қурийди;
- юрак уриши тезлашади.
- нафас олиш ўзгаради;
- тер ажраб чиқиши ортгади;
- юз қизаради;
- кўз қорочиғи кенгаяди;
- мускуллар таранглашади;
- физиологик жараёнлар фаоллашади ва артериал босим ва юрак қисқариш частотаси ортгади, мускулларда қон айланиши тезлашади, қон таркибида адреналин миқдори кўпаяди

## **Фрустрация**

- ❖ Фрустрацияни (лат сўздан олинган бўлиб, алдаш, панд бериш, кўнгил қолиши деган маънони англатади ).Шахсни мақсадарга эришиши жараёнида тўсиқларга дуч келиши ва ўз эҳтиёжларини амалга ошира олмаслиги
  - физик
  - биологик (кексариш, касаллик);
  - психологик (қўрқув, зехннинг пастлиги);
  - ижтимоий (норма ва қоидалар).

## **Ижобий эмоцияларнинг фойдали томонлари (Барбара Л.Фредриксон)**

- ❖ Ҳаёт учун ижобий натижалар тақдим этади.
- ❖ Фаолият ва фикрлаш жараёни самарадорлигига таъсир кўрсатади.
- ❖ Шахсий ресурсларни ҳосил қилади.
- ❖ Саломатликни яхшилайти.

## **Салбий эмоцияларнинг фойдали томонлари (Джеральд Л.Клор)**

- ❖ Салбий эмоциялар (қўрқув ва безовталиқ) мотивация сифатида хизмат қилади.
- ❖ Салбий эмоциялар ахборот билан таъминлайди.
- ❖ Салбий эмоциялар ўрганишга ёрдам беради.

**Фрустрация оқибатида инсонда пайдо бўладиган реакция типлари бир неча сабабларга кўра ажратилади:**

Реакция типига кўра шахснинг фрустрация ҳолати вужудга келиш сабаблари ташқи муҳитга боғланади	экстрапунитив
Реакция типига кўра шахснинг фрустрацияни вужудга келиш сабаблари нарсага боғлиқ деб ҳисобланади	импунитив
Реакция типига кўра шахснинг фрустрацияни вужудга келиш сабаблари субъектнинг ўзига боғлиқ деб ҳисобланадм	интрапунитив

### Умумий эмоционал йўналганлик (Б.И.Додонов)

- ❖ *Альтруистик-бошқалар учун фойдали меҳнат қилиш билан бирга бошқаларга ҳамдард, уларга мулойимлик, эриб кетиш эмоцияли тип..*
- ❖ *Коммуникатив-инсонлар билан муносабат орқали, улар билан ўз фикр ва мулоҳазаларини баҳам кўрадиган, симпатияга мойил бўлган тип.*
- ❖ *Праксик-амалий фаолиятга,мақсадга интилувчан, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланувчи тип.*
- ❖ *Гностик-мураккаб билиш жараёнларини ҳал этиш учун уларга эмоциоген вазиятлар жалб этувчи саналади.*
- ❖ *Романтик-экзотик, жумбоқли, ноодатий, сирли ҳолатларга интилувчан йўналишига қаратилган.*
- ❖ *Пугник (lat. pugno-кураш)-экстремал вазиятларга қизиқувчан, таваккал қилишига мойил, курашувчан ва галабага интилувчан тип.*
- ❖ *Эстетик -гўзалликдан ҳузур олишига асосланган эмоционал йўналишига мансублик тип*
- ❖ *Глорик (lat.gloria-шон-шараф)-шон-шуҳратга интилувчан, завқ-шавқ олишни ёқтирадиган тип.*
- ❖ *Акзитив (фр. acquisition-ўзлаштириш)- бирор нарса ёки буюмларни йиғишдан ҳузур олишига асосланган эмоционал йўналишига мансублик тип.*
- ❖ *Гедоник (грек сўз бўлиб, ҳузур олиш)-уларнинг эмоцияси ва туйғуларининг биринчиси органик туйғулардан ҳузур олишдан иборат.*



### **Назорат саволлар:**

1. Мотивациянинг фанлар тизимида ўрганилишидаги ўзига хосликлар нималарда акс этади?
2. Эмоция назарияларининг психология амалиётидаги ўрни нималар билан белгиланади?
3. Мотивациянинг амалий ўрганишга доир психологик воситалар.
4. Эмоцияни амалий ўрганиш методикаларининг ўзига хослиги нималарда акс этади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
2. Strongman K. T. The Psychology of Emotion. Copyright. John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester. 2003.
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
4. Изард К. Эмоции человека. М., 2001.
5. Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2002. – 512 с.
6. Ильин Е. П. Психология воли. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – 368 с.
7. Маслоу А. Мотивация и личность. М., 1998.
8. Общая психология: в 7 т.: учебник для студ. высш. учеб. Под ред. Б.Братуся. – М.: Издательский центр «Академия», 2007.

## 5-мавзу: Билиш жараёнларини амалий ўрганиш усуллари классификацияси

### **РЕЖА:**

5.1. Когнитив қобилиятлар характеристикаси.

5.2. Интеллект моделлари.

**Таянч иборалар:** когнитив, қобилият, интеллект, моделлар.

### **5.1. Когнитив қобилиятлар характеристикаси**

Қобилият муаммоси психологияда ўзига хос ўрин тутган муаммо бўлганлиги билан ажралиб туради. Қобилиятга берилган таърифларга назар солганда энг мақбул таърифни амалга оширган муаллиф сифатида Б.М.Теплов ғояларини келтириш ўринлидир:

- қобилият-бу бир одамни бошқасидан фарқ қилувчи индивидуал психологик хусусият;
- фаолиятни ёки бир неча фаолиятни муваффақиятли бажаришга муносабатини билдирувчи хусусият;
- қобилият – билим, кўникма ва малака билан боғлиқ бўлмаган ҳолат. Аммо билим, кўника ва малакаларни тез ва осон ўзлаштиришни шартловчи хусусият.

### **Интеллект**

-Кенг маънода ушбу тушунча замирида индивиднинг барча билиш жараёнлари функцияси (идрок, хотира, хаёл, тафаккур) , тор маънода — унинг фикрлаш қобилияти тушунилади.

### **Интеллект структурасига кўра хусусиятлари**

- таълимга қобилиятлилиқ (янги билим, кўникма ва малакаларни тез ўзлаштириш);
- абстракт символ ва тушунчалар билан муваффақиятли ишлаш қобилияти;
- амалий ва муаммоли вазиятларни ечишга қобилиятлилиқ;
- узоқ муддатли ва оператив хотира кўламига эгалиқ

### **Интеллект тестлари**

- Маълум соҳадаги билимлар даражасини баҳолайди;
- Инсоннинг биологик ёшига кўра унинг ақлий тараққиётини ўлчайди;
- Муаммоли вазиятлар ва интеллектуал масалаларни ечиш қобилиятини аниқлайди;

### **Интеллектуал тестларнинг намуналари**

- Стенфорд-Бине тести — боланинг интеллектуал тараққиётини баҳолайди;
- Векслер тести — интеллектнинг вербал ва новербал компонентини аниқлайди;
- Равен — новербал интеллект;
- Айзенка тести (IQ) — интеллектнинг умумий ривожланганлик даражасини аниқлайди.

### **Ижодий тафаккур**

- Ижодий тафаккур ёрдамида инсон билиш фаолиятида субъектив янги маҳсулот яратишга эришади.
- Ижодий тафаккурлашга қобилиятлилик креативлик ҳисобланади.

### **Креативлик хусусиятлар**

- Ҳар қандай янгилликка нисбатан сезувчан.
- Муаммони аниқлаш ва қўя олишга қобилиятлилик.
- Бир қатор ғояларни умумлаштириш қобилияти.
- Ақлнинг қайишқоқлиги — муаммо ечимига нисбатан оператив ёндашувни амалга оширишга қобилиятли.
- Оригиналлик — ностнадарт жавоб беришга қобилиятли.
- Объектни такомиллаштиришга, янги деталлар қўшишга интилади.
- Анализ ва синтез қилишга қобилиятли.
- Ақлан ҳаракатланишга қобилиятли .способность к действиям в уме.
- Жасурлик — таваккалчиликка мулоҳазали ёндашишга қобилиятли.
- Тўсиқларни бартараф этишга тайёр.
- Атрофдагиларнинг фикрига қарши туришга тайёр.
- Ноаниқ вазиятларга нисбатан толерантли.

## **5.2. Интеллект моделлари**

Инсоннинг ақл-заковати, зеҳни унинг кундалик турмуши, меҳнат ва касбий фаолиятида ўзига хос ўрин тутишини тадқиқ этиш психологиянинг энг долзарб муаммолардан бири эканлиги узоқ тарихий даврга эга. Психологиянинг замонавий фан сифатида шаклланиши баробарида инсоннинг зеҳни ва ақл-заковатини ўрганиш, унинг фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш бир қатор илмий қонуниятларни очилишига сабаб бўлди (Ф.Гальтон, Ч.Спирмен, А.Бине, Т.Симон, М.Кеттелл, Ж.Гильфорд, Г.Ю.Айзенк, Р.Тёрстоун). Дастлабки илмий изланишлар инсон интеллектнинг табиати, тузилиши ва ўлчаш усуллари

устида олиб борилди. Тадқиқотларнинг кейинги босқичида эса интеллект билан инсон озуқаларига (Айзенк и Шоенталер (Ейсенск, Счоентхалер, 1997)), унинг маълумотилилик даражасига, яшайдиган ижтимоий-маданий муҳитига (Л. Н. Борисова, Н. С. Кантонистова), касбий фаолиятига (Т. Харрелл ва М. Харрелл) ва бошқа жиҳатларга боғлиқлиги масалалари тадқиқ этилган.

### **К.Спирмен модели**

Мазкур моделга кўра интеллект иккита факторга ажратилади:

- G (general factor)-умумий ва S (speshial factor)- махсус фактор.

Ушбу факторга кўра G-фактор – ҳар бир аниқ фаолиятни муваффақиятли бажаришга таъсир кўрсатувчи “ақлий қувват” сифатида баҳоланади. Мазкур фактор ғояси асосида кейинчалик фанда қатор психодиагностик методикалар шакллантирилди. Улардан бири ДЖ.Равен ижодига дахлдор. Мазкур методика “Прогрессив матрицалар” номланади. Методика 5 серияли 60 топшириқдан иборат. Топшириқларни ишлаб чиқишда Гештальт психологияда ривожланган шаклларни идрок этиш назарияси; К.Спирменнинг неогенез назариясига боғлиқлик жиҳати кузатилади. Тестнинг ҳар бир топшириғи маълум шакллантириш принципига эга:

- А серия топшириқлари тузилмаси ўзаро алоқадорлик тамойилига;

- Б серия топшириқлари жуфт фигуралар орасидаги ўхшашликка (аналогия);

- С серия топшириқлари фигураларидаги прогрессив ўзгаришларни аниқлаш тамойили;

- Д серия топшириқлари фигураларни қайта гуруҳлаш тамойили;

- Е серия топшириқлари фигураларни элементларга ажратиб ташлаш тамойилига таяниб тузилган.

### **Л.Терстоуннинг интеллект модели**

Л.Терстоун моделига кўра интеллектнинг белгиловчи асосий омилларнинг 7 таси алоҳида қайд этилади:

- V-сўзли тушуниш, сўзли анология, текстни тушуниш, вербал тафаккур ва мақолларни шарҳлашга доир тестлар;

- W-нутқнинг тезлиги, маълум категория сўзлардан фойданишга асосланган тест топшириқлари;

- N-сонли фактор, арифметик ҳисоб-китобларни тез ва аниқ бажариш;


- S-фазовий омил;

- M-ассоциатив хотира;


- P-идрок тезлиги;

- I-индуктив фактор.

## Стернбергнинг интеллект модели




## Стэнфорд-Бине тестининг назарий модели



## Гильфорд интеллект модели

Интеллект моделларида бир Дж.Гильфорд томонидан шакллантирилган бўлиб, унинг умумий кўриниши қуйида келтирилган:



Гилфорд интеллектуал моделнинг бирламчи ўлчовини беш хил турдаги операсия орқали асослашга ҳаракат қилган ва улар қуйидагилар:

- ма лумотни тушуниш - (C);
- еслаб қолиш (хотира) - (M);
- дивергент фикрлаш - (D)
- Конвергент фикрлаш (берилган маълумотлардан мантиқан афзалроқларини ишлаб чиқариш) - (H)
- асосланган хулоса чиқариш ва баҳолаш (маълумот бирликларини солиштириш ва баҳолаш) - (Э).

Мутахассисларнинг фикрича, иккиламчи ўлчов - берилган атамаларни мазмун ва моҳияти изоҳлаш орқали аниқланади. Унга кўра:

- берилган информасия обради - (Ф);
- рамзий - (C);
- семантик - (M);
- хулқ-атворли - (B) бо ўлиши мумкин.

Учинчи ўлчов. Бу маълум интеллектуал операсияни конкрет мазмунга қўлланилиши натижасида пайдо бўлган ҳосиладир.

Натижалар қуйидаги алоҳида элементлар:

- бирликлар - (У);
- синфлар - (С);
- муносабатлар - (Р);
- системалар - (С);
- трансформ асиялар - (Т);
- импликациялар - (И) каби кў ринишларда намоён бўлади.

Гильфорд ўз илмий изланишлари асосида 120 та ҳар хил интеллект фактори мавжудлиги тахмин қилинади ва уларнинг ҳар бири қуйидаги уч шартли белгилари ўз ичига қамраб олади:

- операция тип;и;
- ахборот бериш формаси;
- олинган натижа.


ДЖ.Гильфорднинг интеллект модели асосида муаллифнинг ўзи социал интеллектни ўрганиш тестини шакллантиришга эришди.

Гильфорднинг концепциясига кўра социал интеллект ўзида 6 омилни бирлаштирган:




- Хулқ-атвор элементларини билиш –хулқ-атвордаги сўз (вербал) ва сўзсиз (новербал) мазмундаги хатти-ҳаракатларни ажрата олиш қобилияти.
- Хулқ-атворни синфларини билиш –хулқ-атвор ҳақидаги экспрессив ёки вазиятли ахборотлар оқидаги умумий хусусиятларни англаш қобилияти;
- Хулқ-атвордаги ўзгаришларни билиш –ҳар хил вазиятлардаги кечаётган хулқ-атвор мазмунини ўзгаришини тушуниш қобилияти;
- Хулқ-атвор натижаларининг тушуниш – мавжуд ахборотдан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.

“Социал интеллект” тест 4 та субтестдан иборат:


**1- «Яқунланган ҳикоя» субтести расмлари. Тест намунасига кўра синалувчи мос жавобни қўйган ҳолда ҳикояни яқунлаши зарур.**



1



2- «Экспрессия гурухлари» субтести. Ушбу субтестда синалувчи экспрессияларни мосини топган ҳолда тестнинг жавобини топишга эришади.



### 3- «Вербал экспрессияси» субтести


1. Киши – ўртоғига: «Сиз ажойибсиз».

1. Миннатдор ходим – бошлиғига.

2. Яхши ўқувчи – ўқитувчисига.

3. Норози киши – танишига

### 4- «Тўлдирилган ҳикоя» субтести




### *Айзенк интеллектуал модели*

Инглиз мактабининг атоқли номоёндаларидан бири Айзенк (Эйсенск), Гилфорд томонидан киритилган чизманинг айрим элементларидан фойдаланилади.

Унинг модели чизмаси ҳам куб шаклида бўлиб, ҳар томони ҳар хил номланишлар билан белгиланган ва қуйидаги кўриниш ҳосил қилган:





Шунингдек, Г.Айзенк интеллектни таҳлил этиш баробарида G-факторга: марказий асаб тизимининг маълумотларни қайта ишлаш тезлиги деб изоҳ берди.

### Р.Б.Кеттелл интеллект модели

Р.Б.Кеттелл интеллектни икки турга ажратди. Улардан бири шахснинг табиий имкониятларини баҳолашга йўналтирилган ёки флюидлашган интеллект ва иккинчиси эса таълим жараёни ҳамда маданий муҳит таъсирида шаклланадиган кристаллашган интеллектларга ажратди. Р.Кеттелл ўзи илгари сурган ғояга мувофиқ маданий муҳит таъсирига боғлиқ бўлмаган интеллект тести (*CFIT*)ни яратди.

### Р.Б.Кеттеллнинг маданий муҳит таъсирига боғлиқ бўлмаган интеллект тести (*CFIT*)

Маданий муҳит таъсирига боғлиқ бўлмаган интеллект тести (*culture-fair intelligence test, CFIT*) атроф-муҳит омилларига (ижтимоий муҳит, маълумот, маданият ва бошқаларга) боғлиқ бўлмаган, "соф" интеллект деб аталувчи ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган.

Р. Кеттелл ва кўпгина таниқли психологлар фикрича, умумий "соф" интеллектни ўлчаш учун маданий таъсирлардан «тозаланган», **перцептив топшириқлардан** тузилган тестлардангина фойдаланиш мумкин. Бундай тестлар қўлланилганда интеллект идрок жараёни орқали йузага чиқади. Р.Кеттеллнинг фикрича *CFIT* ёрдамида турли маданий муҳитларда олинган натижаларни бир-бири билан таққослаш мумкин.

Ушбу тест 1958 йилда Р. Кеттелл томонидан эълон қилинган. Тестнинг уч варианты мавжуд:

- а) 4-8 ёшдаги ва ақлий ривожланишда орқада қолган катталар учун;
- б) 8-12 ёшдаги болалар ва олий маълумотга ега бўлмаган катта ёшдагилар учун (иккита параллел А ва В вариантлар);
- в) йуқори синф ўқувчилари, талабалар ва олий маълумотли катта ёшдагилар учун (иккита параллел А ва В вариантлар).

**Тестнинг биринчи варианты** куйидаги саккизта субтестлардан иборат бўлиб, муаллифнинг (Р.Кеттел) фикрича, улардан тўрттаси «маданият таъсирига боғлиқ бўлмаган» вазифалардан тузилган:

- 1) «алмаштириш»;
- 2) «классификация»;
- 3) «талаб қилинаётган предметларни танлаш»;
- 4) «лабиринтлар»;
- 5) «деталлари етишмайдиган расмлар»;
- 6) «кўрсатмаларни бажариш»;
- 7) «топишмоқлар»;
- 8) «ўхшашликни аниқлаш».

Вазифаларни ечиш учун бериладиган умумий вақт 22 мин.

**Тестнинг иккинчи ва учинчи вариантлари** бир-биридан оғирлик (мураккаблик) даражаси билан фарқ қиладиган куйидаги тўртта субтестдан иборат.

**1. «СЕРИЯЛАР»** — шакллар қаторида рўй берадиган мантикий ўзгаришларни англаш ва уларни давом еттириш.

**2. «КЛАССИФИКАЦИЯ»** — шаклларга хос умумий ва ўзига хос хусусиятларини топиш.

**3. «МАТРИЦАЛАР»** — шакллар мажмуасини тўлдириш.

**4. «ШАРТ»** — берилган шакллар қаторини тартибга солиб қайта қуриш (намунада кўрсатилган шартга мос равишда берилган шакллардан бирига нуқта қўйиш).

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, маданий таъсирларга боғлиқ бўлмаган тест – **вақти чекланган тест** бўлса ҳам, вақтни чекламай ўтказиш мумкин.

### **ДИҚҚАТ!**

Сизнинг эътиборингизга хавола қилинаётган вариант (иккита параллел А ва В вариантлар) 8-18 ёшдаги болалар ва олий маълумотга ега бўлмаган катта ёшдаги катталарнинг ақлий ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради.

Тест икки қисмдан иборат бўлиб, хар бир қисм тўрт сериядан (субтестдан) ташкил топган. Барча тест вазифалари график (чизма) кўринишидаги перцептив топшириқлардан иборат.

### **Г.Гарднер бўйича шахс ва интеллект типлари**

Мазкур муаммони ўқувчиларнинг касбга йўналтириш ва касб танлаш фаолияти билан боғлиқ ўрганиш заруратини таҳлил этишга тўғри келса, у ҳолда Говард Гарднер томонидан илгари сурилган ғояга таяниш муҳимдир. Г.Гарднер интеллект орқали инсонларнинг, хусусан ўқувчиларни қандай

фаолият турларига лаёқатли эканликларини ва қандай касб танлашга ёрдам бериши мумкинлигини изоҳлашга эришган. У томонидан ишлаб чиқилган “Интеллект типи”анкетаси интеллект билан инсоннинг касбий фаолиятга лаёқатлилигини, мойиллигини аниқлаш имконини беради. Г.Гарднер ўзининг интеллектга бағишланган ғоясидан инсон интеллектига кўра еттита тип хослигини таснифлаган: лингвистик, математик-мантикий, визуал-фазовий, мусикий, шахслараро, шахснинг ички оламини тушунувчи, кинеститек. Умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар таълими жараёнида ўқувчилар билан ўқитувчиларнинг ўзаро самарали фаолиятни таъминлашида олим томонидан илгари сурилган интеллект типларига мансубликни инобатга олиш муҳимдир. Кўп ҳолларда ўқувчиларнинг интеллект типларига мансублигини пайқамаслик ёки бунга доир педагогик-психологик ахборотга эга эмаслик ўқитувчиларнинг таълим бериш жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

#### **Назорат саволлар:**

1. Когнитив қобилиятлар тушунчасининг моҳияти нима?
2. Интеллект ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Интеллет моделлари ва уларнинг ўзига хосликлари.
4. Когнитив қобилиятларни ўрганиш методика тавсифи.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David F. Lohman, Joni M. Lakin. Reasoning and Intelligence. New York: Cambridge University Press.- 2009.
2. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
3. Андреев О.А. Тренируем свое внимание /Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-232 с.
4. Андреев О.А. Тренируем свою память/ Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-224 с.
5. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
6. Зинченко Т. П. Память в экспериментальной и когнитивной психологии. - СПб, 2002.
7. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.

## 6-мавзу: Замолавий психология ва бола тараққийтига оид муаммолар

### **РЕЖА:**

6.1. Болалар психологиясининг тарихи ва психик тараққийт муаммолари.

6.2. Болаларнинг психик жиҳатдан ўсиши ҳақидаги таълимотлар.

**Таянч иборалар:** болалар, қобилият, интеллект, моделлар.

### 6.1. Болалар психологиясининг тарихи ва психик тараққийт муаммолари

Ҳар қандай фан, жумладан болалар психологияси ҳам илмий тушунчалар мажмуасидан таркиб топган.

Болалар психологиясининг асосий ва марказий муаммоси боланинг психик жиҳатдан ўсиши, унга хос хусусият ва қонуниятларини ёритиб беришдан иборатдир. Бу муаммони тўғри хал этиш болалар психологиясининг фан сифатида янада тараққий этиши учун ҳам, ўсаётган авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш амалиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хали психология фани, жумладан болалар психологияси пайдо бўлмасдан аввал болани рухий тараққийти ҳақидаги масалаларга катта эътибор берилган эди. Боланинг ривожланиши ҳақидаги фикрлар жуда содда бўлишига қарамай, улар бола тараққийти ҳақида муҳим аҳамият касб этар эди. Ўтган аждодларимиз болалар психологиясидаги муаммоларни изчил ва атрофлича ўрганмаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ўз асарларида ўзининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари узок ўтмишга, кўп асрлик тарихга, бой маданий меросга эга эдилар. Ўрта Осиёни марказида жойлашган Ўзбекистон Шарқнинг энг қадимий, маданий учоқларидан бири бўлиб, у жаҳон фани тарихига муносиб ҳисса қўшган. Хоразмлик олим ал Хоразмий номи «алгоритм» деган термин орқали, Европада Альфрачанус номи билан махшур бўлган олим Аҳмад ал Фарғоний «Астрономия асослари» асари билан бизгача етиб келди. Абу Райҳон Беруний иждодида «Тана ва Рух» га оид ҳодисалар талқин қилинди. У одамлар ўз табиати жиҳатидан бири-биридан фарқ қилишини, бу фарқ унинг мижози, феъл атвори ва табиий хусусиятларида намоён бўлишини таъкидлади. У инсон ҳаётини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди.

Унинг замондоши Абу Наср Фаробий инсоннинг руҳий жараёнлари билан физиологик жараёнлари орасидаги боғлиқлик, дунёни билиш ҳақидаги таълимоти билан шуҳрат қозонди. У ахлоқий сифатлар туғма бўлмай, балки машқлар, кўникма ва малакалар, одатлар натижаси деб уқтиради. Бу ерда ироданинг аҳамияти ўлканлигини, унинг ёрдамида киши ўзида ҳиссий ва маънавий эҳтиёжларни онгли равишда танлаш кўникмасига эга бўлади дейди.

Фаробийнинг таълимоти Ибн Сино қаршиларининг шаклланишига кучли таъсир қилади. Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида организмнинг тузилиши, ундаги асаб ва асаб йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳақида фикр юритади. У бола тарбиясига алоҳида эътибор берди ва жисмоний тарбия соғлом ва тетик инсонни шакллантиришнинг муҳим омили эканини, боланинг туғилгандан бошлаб, болалиқдан ўсмирликка ўтиш даврида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тавсия этди. Ибн Сино атроф-муҳит ва организм орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиб, ҳар бир аъзо учун махсус машқлар мажмуасини тузди.

Шунингдек, Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билик» асарида энг комил, жамиятнинг талабларига жавоб берадиган инсонни тарбиялаш, А.Жомий асарларида («Тухфатул ахрор») илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш, ёшларда яхши ҳислатларни, одоблиқни шакллантириш ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Аҳмад Яссавийнинг меҳр-саҳоватли бўлиш ҳақидаги қарашлари, Имом ал-Бухорий ижодидаги шахслараро муносабатлар, Баховуддин Нақшбандий ижодида ақл ва дунёқарашнинг шаклланиши, А.Навоий фаолиятида илмий таълим –тарбиянинг асосланиши кабилар бой мерос сифатида аҳамиятлидир. Улар ижодида айнан болаларда руҳий жараёнларнинг пайдо бўлиши ёки шаклланиб бориши ҳақида батафсил фикр юритилмаган бўлса ҳам уларнинг шахс халовати ҳақидаги фикрлари болаларда руҳий жараён ва хусусиятларни шаклланиши учун имкон яратади.

Турли ёшдаги болалар психологияси ўз тараққиёти тарихида узок машаққатли даврни бошидан кечирди. Турли ёшдаги болалар психикаси хусусиятларини муайян тартибга солиш ва уни илмий тарзда тушунтириб бериш бола психикаси тараққиётининг турли ёш даврларига тааллуқли хусусиятларни, далилларни тўплашни талаб қилар эди. Бундай далиллар фақат фанни ғайри илмий тарзда тушунтиришга олиб келар эди. Чунки олимларнинг, педагогларнинг ўтмишдаги фалсафий йўналишлари ғайри илмий руҳда бўлган эди.

Болалар психологияси фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида умумий психологиядан ажралиб чиқди. Материалистик фалсафа майдонга келган даврдан бошлаб болалар психологиясини фан сифатида яратиши имконияти туғилди. Боланинг психик тараққиётининг қонуниятлари, хусусиятлари ўрганила бошланди. Булар асосида асарлар яратилди. Чунончи, бола психикасининг тараққиётининг илмий кузатишга дастлаб машҳур табиатшунос олим Чарльз Дарвин йўл очди. У бола психикасининг тараққиётига доир “Кундалиқ хотира” типидagi асарини кашф қилди.

XIX асрнинг II ярмида тажриба психологиясининг ривожланиши билан бола психикасининг айрим томонларини (диққат, хотира, тафаккур, нутқ, ирода) ўрганила бошлади.

Бола психикасининг ривожланиши муаммосини ўрганишда К.Д.Ушинский кўрсатиб берган йўли алоҳида аҳамият касб этади. Яъни у бола психикаси тараққиётини ҳар томонлама ўрганадиган бир бутун фан сифатида ривожлана бошлади. Рус педагоглари Белинский ва Добролюбовлар бола психик тараққиётининг бир бутунлиги, мураккаблиги, ижтимоий тарихий шароит билан боғлиқлиги, психик тараққиётда таълим - тарбиянинг роли ҳақидаги фикрлари хатто ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмади.

Шунингдек, чет эл психологлари ҳам айрим психик жараёнлар бўйича илмий текширишлар олиб бордилар. Жумладан, болаларнинг идроки бўйича Вернер, Канц, хотира бўйича Э, Мейман, В. Штерн, тафаккур бўйича Бине, Бюллер, нутқдан Штерн, Мак-Карти ва бошқалар кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

XIX асрнинг 60-йилларида рус физиологи И.М. Сеченов (1829-1905) инсон психикасининг онтогенезини реффлектор табиати ҳақидаги таълимотини яратди. У ўзининг 1863-йили ёзган “Бош мия рефлекслари” номли асарида одам психик ҳаётига, болалар психик ҳаётига реалистик нуқтаи назаридан ёндошишни асослаб берди ва психик тараққиётининг асосини рефлекслар ташкил қилади деган таълимотни яратиш билан фанга зид бўлган қарашларга зарба берди.

И.М.Сеченовнинг ишини И.П.Павлов давом эттирди, у одам ва ҳайвонлар олий нерв фаолиятининг хусусиятлари, қонуниятларини очиқ берди. Болаларнинг шартли реффлектор фаолиятларини ўрганиш юзасидан қимматли илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

Болалар психологиясининг ривожланишига биринчи хисса қўшган олимлардан бири П.П.Блонский (1884-1941) У ўзининг “Психология очерки” “Хотира ва тафаккур “ “Мактаб ўқувчиларининг тафаккурини ривожланиши” каби асарларида психологик ҳодисаларни тушунтириб бермаган бўлса ҳам, аммо уларни шаклланишига педагогик йўл топиб берди. У билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши, кичик, ўрта ва катта мактаб ўқувчиларининг ассоциациялар доираси, болалар тафаккурида тушунчаларнинг пайдо бўлиши, хотира ва тафаккурларни ўқув фаолиятида ривожланиши масалаларини ишлаб чиқди.

Болалар психологиясини ўрганишда олий нерв фаолиятини билиш аҳамиятли эди. Шунга биноан 1920 йили Санкт-Петербургда психиатр ва невролог В.М. Бахтеров (1857-1927) бошчилигида “Мия” институти ташкил қилинди. Унда болаларни туғилган кунидан бошлаб 3 йилгача бўлган вақт мобайнида мия тузилишидаги ўзгаришлар ўрганилди. Олинган маълумотлар психологлар томонидан боланинг психик тараққиётини ўрганишга тадбиқ қилинди.

1980йиллардан бошлаб психологиянинг назарий ривожланишини тарихий – маданий жиҳатини, унинг (илдизини) асосини, яъни болани дунёга

келиши, унинг биологик типнинг охири эканлигини, сифат ўзгаришлари жиҳатидан эса ижтимоийликка айланишини ёритиб бердилар. Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида ташқи-муҳитнинг ролини ва болани муҳит билан эффектив муносабатини, таълим билан ривожланишининг ўзаро муносабатлари, мураккаб психик функциялар таълим жараёнида шаклланишини, актуал тараққиёт босқичида мустақил фаолиятни яқин тараққиёт босқичи асосида бўлинишини, психик тараққиёт қарама-қаршилик, зиддиятларидан иборат эканлигини кўрсатиб бердилар. У кишилар ўзининг психологик фаолиятида меҳнатдан фойдаланиши, турли белгилар орқали нарсаларнинг номларини англаб олиши, белгилар билан номлар, атамалар орасидаги муносабатларни пайдо бўлиши юксак психик функцияларни ривожланишига олиб келади, деб кўрсатади. Унингча “Ҳар қандай юксак психик функциялар ўзини ривожланишида ташқи таъсирлар орқали ривожланади, чунки у ижтимоий функцияни бошланғич кўринишидир”. Виготский буни бола нутқининг ривожланишида асосий механизмдир дейди. Демак, олий психик функциялар инсонинг ижтимоий муносабатларида пайдо бўлишини ёритиб беради.

Психик ривожланишда онг ва фаолиятнинг бирлиги муаммоси С.Л. Рубинштейн томонидан, психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ва сабаблар, болаларнинг етакчи фаолиятлари ва уларни тараққиётга таъсири А.Н.Леонтьевнинг илмий текширишларида ўз аксини топди.

Бола ривожланишининг биогенезация ва социогенезацияси муаммосида А.С.Макаренко ҳам ўз фикрлари билан қатнашди. У жамоада ўзаро муносабатлар, бола шахсини лойиҳалаш, фаолият мотивларини бола фаолиятидаги аҳамияти каби қатор масалаларини ўрганди ва ундан амалиётда фойдаланди.

XX асрнинг ўрталарига келиб болалар психологияси фани дунё миқёсида кенг тармоқларда ривожланди. Ҳозирги кунда болалар психологиясини турли муаммолари чет эллик психологлар ва жумладан Ўзбекистон психолог олимлари томонидан ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Одам психикасининг онтогенезида биологик ва ижтимоий шароитнинг роли (А.И.Леонтьев), таълим тарбия ва ривожланишнинг ўзаро муносабати (Д.Н. Богаявленский, Л.В. Занков, Н.А. Менчинская), ташқи (материя) ва ички (ақлий) таъсирларнинг ўзаро муносабати, бола фаолиятининг мазмуни ва унинг шаклланиши (А.В.Запорожец, А.Н.Менчинская); бола идрокига фаолият шароитининг таъсири (Б.Г. Ананьев, А.В. Запорожец, А.Н. Леонтьев, А.Р. Лурия, Д.Б. Эльконин, В.В. Давидов); эса сақлаш жараёнлари (Л.В.Занков, А.А.Смирнов, Л.И.Зинченко) текширила бошланди ва кўплаб илмий –услугий мақолалар чоп этилди.

Болалар фаолияти турларига хос хусусиятлар (ўйин – Д.Б. Эльконин, Славина, ўқиш – Б.Г. Анаев, А.Н. Леонтьев, Л.И. Бажович, меҳнат – А.А. Смирнов, Гурянов ва унинг болани психологик томондан ривожланишига таъсири, қобилиятларнинг ривожланиши (Н.С. Лейтес) ўзига онгли муносабатда бўлиш (Б.Г. Ананьев), характер, қобилиятларни шаклланиши масалалари ўрганилади.

Ғарбий Европа ва АҚШда шахснинг индивидуал хусусиятлари ва психик жараёнларнинг шаклланишига йўналган илмий изланишлар давом этмоқда. Жумладан, болалар психологиясининг ривожланишида Швейцария психологи Ж.Пиаженинг роли каттадир. У бола ақлий томондан ривожланиши, кўникма ва малакаларни таълим жараёнидаги роли масаласини амеркалик психолог Дж.Брунер, Анно Фракл болаларда тафаккурининг ривожланиши, Францияда А.Валлон, Р.Заззо, Англияда Б.Саймон, О.Коннор ва бошқалар болаларнинг психик тараққиётини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилдилар.

Ҳозирги кунда бизда ҳам кўпчилик олимлар боланинг психик тараққиёти муаммоларини, унга таъсир этувчи факторларни, таълим жараёнини фаоллаштириш, қобилиятларини шакллантириш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқдилар. Жумладан, П.И.Иванов психология фанининг умумий масалари, таълимнинг психологик асослари, турли ёш даврларда психик жараён ва хусусиятларнинг ривожланиши муаммоларини, М.Г.Давлетшин ўқувчиларда техник қизиқишлар, қобилиятларини шаклланиши, ёшлар меҳнат таълими ва касбга йўналтириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлиги ошириш ёш ва педагогик психология, қобилият психологияси каби масалаларни кенг ёритиб бориш имкониятига эга бўладилар. Э.Ғозиев таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурининг ривожланиши, уларнинг ақлий тараққиёти, ўқув фаолиятини бошқариш, комил инсон тарбиясининг психологик муаммоларини, Б.Р. Қодиров ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг фаолиятга йўналишлари, лаёқат ва бирламчи қобилиятларнинг шаклланиши, иқтидорли ўқувчиларнинг хусусиятларини, касб танлаш ва бошқа катта муаммони илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

Ўзбекистонлик психологлар ҳам психологиянинг ривожланишида кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. П.И.Иванов психологиянинг умумий масалалари, психик ҳодисаларнинг болаларда ривожланиши, таълим психологияси соҳасида (“Умумий психология”, “Таълимнинг психологик асослари”), М.Г. Давлетшин “Қобилиятларни ривожланиши”, “Техник қизиқишлар”, “Қизиқиш ва таълим”, каби кўплаб илмий–услубий қўлланмалар, М.Воҳидов “Болалар психологияси”, Э.Ғозиев “Тафаккур психологияси”, “Хотира психологияси”, “Шахс психологияси”, Б.Қодиров “Қобилият ва иқтидор”, Ғ.Шоумаров “Оила психологияси” ва бошқа шу каби кўплаб дарслик ва қўлланмалар яратдилар.

Лекин шунга қарамай ҳам болалар психология фанида кўплаб муаммоларни ечиш лозим. Бу бизнинг галдаги вазифамиздир.



## 6.2. Болаларнинг психик жиҳатдан ўсиши ҳақидаги таълимотлар

Боланинг психик ривожланиши қандай бўлади, у қандай шаклланади ва унга таъсир этувчи омиллар нимадан иборат деган муаммо жуда қадим замонлардан бери психолог ва педагогларнинг диққатини жалб этиб келмоқда.

Болалар психологияси фанининг асосий масаласи бола психик тараққиётини ўрганишдан иборат экан, бу масалани ҳал қилишда, уни тушунтириб беришда турли хил қарашларни ўрганиш, таҳлил қилиш муҳимдир.

Болалар психикасини тараққий этишини тушунтириб беришга уринган энг кекса назария “Бола катта ёшли кишининг кичик нусхаси” деган сўз билан таърифланади. Бу назария тарафдорлари бола сифат эътибори билан катта ёшли кишидан ҳеч бир фарқ қилмайди. Бола бўйи, шунингдек тасаввурлари, хотираси, диққати, тафаккури ва бошқа жараёнларидан анчайин кичкина бўлган катта ёшли кишилардир деб кўрсатишга уринадир. Лекин бола психикасининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини тушунтириб бера олмайдилар ва тараққиётнинг асосий сабабларини ёритиб бера олмайдилар.

XVIIасрдан бошлаб философик ва психологик йўналишларда боланинг тараққиёти ҳақида кураш боради: психологик йўналиш тарафдорлари психик тараққиёт бутунлай муҳитга ва турмуш тажрибасига боғлиқ дейдилар. Хўш одам психикаси ва хатти ҳаракатларида бор бўлган ўзига хос хусусиятларни нима боғлайди –табиий, туғма хусусиятларми ёки ҳаёт давомида орттирган хусусиятларми? деган муаммода турлича қарашлар майдонга келди.

“Идеялар туғма бўлади” деган назариянинг ёрқин намоёдаси Декарт(1596-1650) эди. Унинг фикрича, туғма идеялар интеллектда бошланғич ҳолатда бўлади бу идеялар мойиллик сифатида “туғма бўлиб, фақат кейинчалик тўла анлангунча секин аста тараққий этади, шу билан бирга, ташқи тажриба идеялар фаолияти учун фақат туртки бўлиб хизмат қилади, уларнинг янада такомиллашуви учун, материал ҳисобланади деб кўрсатилди. Кейинчалик бундай қарашлар философия доирасидан чиқиб, буржуазия идеологлари томонидан кенг фойдаланила бошланди.

Буржуа психологияси психикасининг табиати биологик омилларга боғлиқ деган нуктаи назарда турдилар, яъни психик хусусиятлар туғма пайдо бўлади, уларнинг инсон дунёга келишидан олдинроқ унда бўлган биологик имкониятга боғлиқ деб кўрсатдилар. Улар инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, биологик тузилишига жойлаштирилгандир, психик тараққиёт эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб организмга жойлаштирилган шу хусусиятларнинг пишиб етилиш жараёнидан иборат эмиш. Жумладан, ҳар бир одам қобилиятларининг ривожланиш даражаси (имкониятларнинг ниҳояси, энг юксак нуктаси) тақдир томонидан, “қобилиятларнинг табиий фонди” томонидан илгаридан белгилаб қўйилган эмиш.

Сўнгги вақтларда микробиологиянинг наслий хусусиятнинг ген билан боғлиқ бўлган механизмини ёритишдаги ютуқлари муносабати билан “ген аслоҳаларининг туғма даражаси”, шахснинг хусусиятлари ва қобилиятлари генларда режалаштирилганлиги ҳақида фикр юритила бошлади. Англиялик

генетик Ш.Ауэрбах бу фикрни ниҳоятда аниқ ва образли қилиб ифодалаб беришга уринди.

“Ҳар бир одам, - деб ёзган эди у, - худди карта боз қўлига карта олиб ўйин бошлагани каби, ўз ҳаётини, қўлига генларни олиб бошлайди. Баъзан карта шунчалик ёмон сўзиладики, хатто сал-палл ютуқни ҳам, орзу қилиш қийин бўлади. Айрим холларда карта шундай ажойиб сўзиладики, муваффақият қозониш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ҳам бўлаверади.”

Унинг фикрича “Ақлий тараққиёт даражаси, махсус қобилиятлар, шахсий сифатлар –генетик факторлар билан муҳит факторлари ўзаро муносабатининг натижасидан иборатдир”. (Генетика М.Атомидат, 1966, 157-158 бет) Бу фикрдан: юксак истеъдодли кишиларнинг кўпайишига хайрихоҳлик билдириш лозим; инсониятнинг энг яхши намоёндаларини кўпайтириш керак “истеъдодсиз” кишилар эса кўпайишдан ўзлари сақлашлари керак” – деган хулоса чиқади. Идеялар туғма бўлади деган назария бир томомнлама назариядир, чунки бу назария боланинг психик жиҳатдан ўсиш сабабларини фақат ирсиятда деб билади. Бу назария техник тараққиётини оддий такрорланишдан иборат қилиб қўяди. Улар ҳар бир янги авлод нега олдинга силжишини, билимлар, қобилият ва имкониятлари кенгайтиб ва чуқурлашиб бориш сабабларини, ирсият эса аждодлардаги сифатларнинг фақат мустаҳкамланиб ва такрорланиб қолишига сабаб бўлишини тушунтириб бера олмайди.

XIX асрда биология фани тез ривожланди. Техника тараққий қилиб, нозик ва аниқ асбоблар вужудга кела бошлайди. Микроскопнинг такомиллаштирилиши микроорганизмлар дунёсини ўрганиш имконини берди. Биологиянинг эмбриология ҳаётини ўрганадиган янги соҳаси – эмбрион майдонга келди. Олимлар юксак даражадаги ҳайвонларнинг эмбрионлари бири-бирига ўхшашига, улар уруғланиш (оталаниш) пайтига қанча яқин бўлса, ушанча кўп тафовут қилишига эътибор беришди.

Э. Геккель ва Ф. Мюллер биологияда онтогенез филогенезни қисқача такрорлайди деган “биогенетик қонун” ни таърифлаб беришди. Бунга мувофиқ индивиднинг тараққиёт тарихи авлоднинг тараққиёт тарихини қисқача ва тез такрорлайди. Биологияда бу қонун тарифлаб берилиши биланок уни америкали психолог Стэнли Холл, Болдуин болалар психологиясига кўчиришди. Бу қонунга мувофиқ янги туғилган боланинг ҳамма ҳаракати онгсиз рефлекслар асосида бўлиб, бу даврда унда кишиларга хос бўлган хусусиятлар бўлмас эмиш. Бола 6 ойдан 1 ёшгача маймунлар даврини (ер қовлаш) кечириб, уларга ўхшаб нарсаларга эргашар эмишлар ва 4 оёқлаб юрадилар деб уқтирадилар. 1-2 ёшгача 2 оёқлаб тикка юрадилар ва унда бола ибтидоий инсонлар ҳаётини кечирадилар, 3-7 ёшгача афсоналар даврини, мактаб ёшига етганда қадимги аср даврини, ўсмирлар эса христианлик даврини, ўспиринлар “ирқлар ўтмишининг кашфиётчилари” бўлишда давом этади, яъни 15 ёшгача ўрта асрлар даврини, 15 ёшдан кейин ҳозирги замон маданиятига ўтиши бошланади деб қарайдилар.

Америкалик психолог олим Стэнли Холл томонидан кашф қилинган бу назария бола она қорнида ҳайвонларнинг ота-боболари босиб ўтган даврларни қисқача такрорлаши тўғрисидаги “биологик қонунга механик равишда асосланишдан келиб чиқди. Бу назария дин ва капиталистик мафқурани болалар

учун табиий бир нарсадир деб исбот қилишга уриндилар. Биогенетик қонун кейинчалик педалогия (болалар ҳақидаги фан) нинг асосий “қонуни” бўлиб қолди. Педалогия XIX асрнинг охирида АҚШ да майдонга келди ва бола тараққиётида тарбиянинг ролини камситди. Улар боланинг психик тараққиётини биологик ва бола психик муҳити фактларга боғлиқ деб кўрсатдилар.

1. Биологик фактор бу наслдан-наслга ўзгармасдан ўтадиган хусусият бўлиб, бундан қутилиш мумкин эмас эмиш. Уларнинг фикрича ирсиятни таъсирини ўзгартириш мумкин эмас, у бола тақдирини белгилайди деб уқтиришга ҳаракат қиладилар.

2. Боланинг яшаш муҳити ва болага бўлган таъсир факторида муҳит ва унинг таъсирини ўзгармайдиган нарса деб ҳисоблайдилар. Улар ишчи синфининг боласи яшаган муҳит билан хусусий мулкчининг боласи яшаган муҳити ўзига хос хусусиятни сақлаб қолади ва бу хусусиятлар ҳар иккала синф боласининг психик тараққиётини қатъий белгилайди. Шунинг учун меҳнаткаш болаларининг психик тараққиёти паст даражада қолади деб даъво қиладилар бу билан улар бола тараққиётида таълим тарбиянинг ва болани фаолиятдаги фаоллигини психик тараққиётга таъсирини рад қиладилар. Улар эксплуататор синфлар ва “олий ирқлар”нинг алоҳида истеъдодли ва махсус яшаш ҳуқуқи борлигини иккинчи томондан, меҳнаткаш синфлар ва “туб ирқлар”нинг жисмонан ва руҳан қашшоқлигини исбот этишни ўз олдига вазифа қилиб кўяди.

Педагогларнинг бу таълимоти тезда Россия ва бошқа мамлакатларга тарқалди ва уларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилинди. Бундай ғайри табиий ҳол Марказий Комитетнинг 1936 йил 4 июлда чиқарган “Наркомрос тизимидаги педагогик бузғунчиликлар ҳақида” деган қарори билан фош қилинади. Бу эса педагогика ва психология фанига шифобахш таъсир кўрсатди ва боланинг психик жихатдан ўсиш муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқиш имконини беради. Кейинчалик болалар психологияси фанида реалистик таълимотлар вужудга кела бошлади ва боланинг психик тараққиётдаги нотўғри назариялар фош қилинади. Болалар психологияси турли назарияларни анализ қилиб, ўзига тегишли хулосалар чиқарди ва психология фани илмий текшириш ишлари билан фактларни бойита бошлади.

Болалар психологияси қобилиятларнинг тараққиётини теварак – атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиришга асослана бошлади. Бу таълимот ўз замонаси учун прогрессив ҳисобланган XVIII аср француз философи К.А. Гельвещий томонидан илгари сурилди. Унинг таълимотига кўра, ҳамма одамлар аклий ва ахлоқий тараққиёт учун туғилишданок мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу концепция одамларнинг психик-руҳий ва ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган ва ўша даврларда ҳукмрон бўлган назарияларга қарши қаратилган эди. Бу йўналишнинг намоёндалари психиканинг ривожланишида ижтимоий муҳитнинг ғоят даражада муҳим роли борлигини эътироф этадилар. Бироқ ижтимоий муҳит қандайдир ўзгармайдиган, инсон тақдирини илгаридан белгилаб берадиган бир

нарсa тарзида тушунилади, инсонга эса муҳит таъсири остида бўлган объект сифатида қаралади.

Ҳар иккала йўналишнинг қарашлари бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятлари ё наслий биологик имкониятлар таъсири остида ёки ўзгармас муҳит таъсири остида илгаридан белгиланган ўзгармас нарсa деб, эътироф этилади. Бундай фикрлаш бола тараққиётининг асл сабабларини, унга таъсир этувчи омилларнинг ролини илмий жиҳатдан ёритиб бера олмайди. Чунки : 1-нчидан ирсият тақдирни белгилайдиган куч эмас; 2-нчидан ирсиятни инсон ҳаётидаги ролини ҳисобга олиш лозим; 3-инчидан, ирсиятнинг у ёки бу кўринишлари ижтимоий-тарихий ҳаёт шароитига, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шароитига боланинг фаоллигига боғлиқдир.

Ирсият шахс тақдирини белгиламайди. Агар бола соғлом ирсий хусусиятлар билан туғилса-ю, лекин ноқулай муҳит ва ноқулай таълим тарбиявий шароитга тушиб қолса комиллик даражасига етиша олмайди. Аксинча, қулай муҳит ва таълим тарбиявий шароит бўлса-ю, лекин бола носоғлом ирсий белгилар (генлар) билан туғилса, унда ҳам инсон ҳар томонлама комиллик даражасига етмайди. Шунинг учун ҳам биз “ирсият ўзгармас хусусиятдир” деган фикрини рад қиламиз ва “у бола тақдирини белгиламайди” –деб хулоса чиқарамиз.

Шунингдек, муҳитнинг таъсирини ўзгартириш мумкин эмас” деган фикрни рад қиламиз, лекин уни “таълим –тарбия жараёнида ўзгартириш мумкин” –деган фикрга асосланамиз.

## 7-мавзу: Амалий психологиянинг методологик асослари

### **РЕЖА:**

7.1. Психологиянинг асосий методлари.

7.2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.

**Таянч иборалар:** методлар, қобилият, интеллект, моделлар.

### **7.1. Психологиянинг асосий методлари**

Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметнинг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методларидеб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва валидлилигига боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, қулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукамалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланилиши ва унда эришилган муваффақиятлар аввало ҳар бир методнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

*Жадвал - 2. Психологиянинг асосий методлари*

АСОСИЙ МЕТОДЛАР

Асосий методларнинг вариантлари

КУЗАТИШ МЕТОДИ

Ташқи	(объектив	кузатиш)
Ички	(субъектив, ўз-ўзини	кузатиш)
Эркин	кузатув	Стандартлаштирилган
Гуруҳ	ичида	кузатиш

## Гуруҳ ташқарисида кузатиш

СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки		сўроқ
	Ёзма		сўроқ
	Эркин		сўроқ
	(сухбат)Стандартлаштирилган сўроқ		

ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест	–	сўров
	Тест	-	топширик

## Проектив тест Социометрик тест

### ЭКСПЕРИМЕНТ

Табиий эксперимент	Лаборатория эксперименти
--------------------	--------------------------

МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш	Мантикий моделлаштириш
	Техник моделлаштириш	Кибернетик моделлаштириш

2-Жадвалда келтирилган методлар ёрдамида тадқиқотчи ёки қизиққан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна таҳлил қилинади ва махсус тарзда ишлатилиши мумкин. Психология фанида инсон психикасини тадқиқот қилиш методларининг турлича таснифи мавжуд. Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўртта гуруҳга ажратиб берган. Бу тўртта гуруҳ методлар М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университети, Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети, Фарғона Давлат Университети каби психолог мутахассис тайёрлайдиган олийгоҳларда муфассал ўрганилади. Биз мазкур мавзуимизда ҳар бир инсоннинг ўзини ва атрофидагиларни билиб олишига имкон берадиган, мураккаб бўлмаган, қўллаш шартлари шароитга мос бўлган ва умум қабул қилинган методларни келтирдик. 2 - жадвалда асосий психологик методлар ва уларнинг турлари келтирилган.

#### 2.1.1. Кузатиш методи

**Кузатиш методи** табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатилувчи хулқ - атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз - ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараённи ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг қайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс

жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ - атворига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ходисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр - қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

#### *2.1.2. Сўров методи*

**Сўров методи** ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида хисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

**Ўзма сўроқ ёки анкетанинг** афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпик анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очик анкета) сўровномалар аниқ ва раван тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, ҳаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

#### *2.1.2. Тест методи*

**Тестлар** охириги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув

усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта - қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончлиликлари текшириш мумкин бўлади. Айтилишига қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, ҳаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни улчаш, Кэттелнинг ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

**Тест** - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстраверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

**Тест** - топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутлади. Масалан, шахс тафаккуридаги креативликлари аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичида **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладими, текширилувчи топшириқни бажараётми, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг «сиёҳ доғлари» тести, ёки ТАТ (тематик апперцепцион тест), тугалланмаган ҳикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гуёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган «сиёҳ доғлари» ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, кадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологга қўллаш ва натижаларни моҳирона таҳлил қилиши талаб қилинади.

### *2.1.3. Психологик тажриба ёки эксперимент методи*

Ушбу метод турли ёшдаги (чақалоқлик, болалик, ўқувчилик, ўспиринлик, етуқлик, кексалик) одамлар психикасини чуқурроқ, аниқроқ тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларни шакллантириш, нутқ ўсишини текшириш, фақуллоддаги ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш, билиш жараёнлари, шахснинг ҳис туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Хуллас, инсон психикасининг нозик ички боғланишлари,



муносабатлари, қонуниятлари, қонунлари, хоссалари, мураккаб механизмлари тажриба ёрдамида текширилади. Бунинг учун эксперимент материал текширувчи томонидан синчковлик билан танланиши, объектив тарзда ҳар хил ҳолат ва вазиятлар яратилиши, синалувчи ёшига, ақл-идрокигша, характер хусусиятига, ҳис-туйғусига, қизиқиш ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакасига эътибор берилиши лозим.

**Психологик экспериментнинг** моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб - ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки «Ландольт ҳалқачалари» деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоки, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ҳодисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ҳодисалар ўлчанган.

#### 2.1.4. Моделлаштириш метод

**Моделлаштириш** методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантиқий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ҳодисага машхур тадқиқотчилар Вебер - Фехнерларнинг сезгирликнинг куйи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар таҳлилини мисол қилиш мумкин. Мантиқий моделлар ёрдамида кўпинча инсон ақли ва тафаккури жараёнлари ва қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан киёслаш орқали тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭХМ даги математик программалаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда қисқа фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭХМ ларнинг ишлаш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу - заковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболлини беради.

Умуман психологиянинг ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига

хос методлари бор. Бу борада хориж, Россия ва ўзбек психологлари модификациялашган ва модификациялашмаган методларни таклиф этадилар. Психологияда қўлланиладиган методларни қўллаш шартларини ўрганиш ва қўллаш олиш учун Д.Бурлачукнинг “Психодиагностика”, Р.Немовнинг “Психология” (3-китоб), Э.Ф.Ғозиевнинг “Психология” (2 жилдли) китобларини тавсия этамиз.

## 7.2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари

Ҳозирги замон илм - фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, тадбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охири йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

Амалий ҳамда тадбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари аввало шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга тадбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташҳис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш кўрсаткичлари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим - тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўтказишлари зарурки, бу тадбирлар охир - оқибат аниқ самара бериши лозим. Таъкидлаш зарурки, тадбиқий психологиядаги «самара»ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қилади. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги резервлардан омилкорона фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар; б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў - эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга ўқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқдалар.

## 8-мавзу: Амалий психологиядаги замонавий технологиялар

### **РЕЖА:**

8.1. Психология курсидан амалий машгулотлар тақил этиш методикаси.

8.2. Психология курсидан лаборатория машгулотларини утказиш методикаси.

**Таянч иборалар:** Семинар (амалий) машгулотли, гурухий мунозара, фаол уйинлар, назорат ишлари, реферат тузиш.

### **8.1. Психология курсидан амалий машгулотлар тақил этиш методикаси**

Келажаги буюк булган мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги кунини таъминлайдиган шахсни-мутахассисни жахон стандартлари талабига жавоб берадиган тарзда тайёрлаш куп жихатдан уни кандай уқитиш ва мухими нима билан уқитишга боғлиқ. Яъни энг асосий омил таълим мазмуни ва вситасидир.

Уқув тарбия ишларининг асосий шаклларида бири талабалар билан семинар машгулотлар утказишдир. Психология фанини уқитиш жараёнида семинар машгулотларидан фойдаланиш талабаларни мантикий фикрлаш, психологик фактларни тахлил қилиш ва умумлаштиришга бу фан буйича олган билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Семинар машгулотларида асосий олинган назарий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Семинар машгулотларидан асосий мақсад психология курсидан олинган назарий билимларни мустақил иш билан мустақамлашдир. Уқув режасига асосан кундузги булимларда умумий психология курси буйича жами олти соат «Ёш психологияси ва педагогик психология» буйича ун соат иккинчи босқич талабалари учун семинар машгулотлари қуйилган. Шунга асосан кафедрада семинар мавзулари ишлаб чиқилган ва уларда талабаларнинг саволлари янада кенгрок, ҳамда чуқуррок ёритишлари учун йулланма берувчи адабиётлар руйхати курсатилган.

Семинар машгулотларнинг мавзу режасини тузишда, талабалар курс буйича маърузаларда тингланган назарий ва услубий билимларини янада туларок очишга, психология буйича илмий адабиётлар билан мустақил ишлашга имконият яратишга ҳаракат қилинади. Кафедра уқитувчилари талабаларни семинар машгулотларига тайёрлашда, талабаларни уз жавобларида баъзи бахсли, мунозарали саволлар билан илмий асосланган ва уз исботини бера оладиган фикрларга таянган холда жавоб беришга ургатадилар. Семинар машгулотларнинг самаралиги купинча дарснинг кандай утганлигига боғлиқ.

Энг ассиёси фанни пухта узлаштириш: унга кизикиш ва талабаларнинг дарсдаги фаоллигидир. Семинар машгулотларини турли хил шаклда утказиш мулжалланган. Улар: фаол уйинлар, аралаш дискуссия ва реферат шакллари.

Семинар фаол утиши укув- тарбия ишларида алохида ахамиятга эгадир. Семинарнинг реферат шаклида маърузачи ва тулдирувчининг аввалдан талабалар орасидан тайинлаб куйилиши, улар уз рефератларини мухокамага тавсия килишлари лозим булади. Семинарнинг аралаш шаклида маърузалар мухокамаси ва мавзу буйича эркин сузга чиқишлар мавзуни ёритишда рухсат этилади.

Кейинги вақтларда семинар машгулотларида фаол уйинлардан кенг фойдаланилмоқда. Фаол уйинли машгулотларда талабалар гуруҳи узларининг булажак касблари фаолияти жараёнида учратиш мумкин булган амалий ҳолатларни ҳал этишда назарий билимларни синаб курадилар.

Семинар машгулотларига мустақил тайёргарлик куриш талабаларни курсатилган адабиётлар асосида конспект-дарс мавзусини тайёрлашга ургатиш, мавзудаги асосий булган фикрларни ажратиб олиш, режадаги ҳар саволга мантикий тугри жавоб топа билишга ургатади. Семинар машгулотлари талабаларни психологик воқеаларнинг асосий магзини тушуниши уларнинг асосий маъносини англашга угатувчи укув ишидир. Психологик фанларнинг асосини билиш, булажак педагогларни амалий масалаларни муваффақиятли ҳал этишларига ҳамда келажак авлод тарбиясида, шунингдек Психология буйича семинар машгулотларини услубий томонидан тугри тақил этиш ва уқитишларига ёрдам беради. Маъруза пайтида талабалар уз психологик лугат дафтарини тузади деб айтган эдик, шу дафтарчадаги атамалар ёрдамида амалий машгулотларда фойдаланиш учун психологик кроссворд, ребуслар тузишлари ҳам талабалар билимини оширишда ёдам беради.

Семинар машгулотларида илгор педагогик технологияни жорий этиш мавзуларни талабалар томонидан кенгрок ва мукамалрок узлаштириларига, мустақил фикрлашга, ижодий изланишга кенг имконият яратди. Масалан, дастурга мувофик умумий психологиядан «Характер» мавзусини ёритишда маъруза пайтида – психологияда характер муаммоси, характернинг тузилиши, характер хислатлари ва характернинг шаклланиши масалалари куриб чиқилиши кузда тутилган.

Амалий машгулот учун эса, «Миллий характерга этно-психологик ёндошув» масаласини ажратиб олиниб, талабалар эътиборига аввалдан куйидаги саволларни ҳавола этиш мумкин:

1. Характер деганда нимани тушунаси?
2. Характернинг кандай хислатларини биласиз?
3. Характер хислатларига шахснинг узининг муносабатини кандай тушунаси?
4. Хулқ-атворнинг характерда тутган урни?
5. Характерда узаро муносабатларнинг роли?

6. Кандай сифатлар характернинг салбий сифатлари ва кайсилари ижобий сифатлари дейилади ва улар кандай мезонларга асосланиб баҳоланади?
7. Узбек йигит-қизларининг характерида кандай сифатлар алоҳида урин тутади?
8. Шахснинг уз-узини тарбиялаши учун узида кандай сифатлар булиши лозим?
9. Хозирги замон уқитувчиси (тарбиячиси) кандай хаактер хислатларига эга булиши керак деб хисоблайсиз?
10. Кишини ураб турган мухитнинг характерга кандай таъсири бор?
11. Миллий характер нима?

Амалий машгулотларда илгор педагогик технология усулларидан – гурухларга булиниб утиш савол-жавоб гурухий мунозара услубининг ахамияти шундаки, бундай усулни куллаганимизда талаба мавзуни ёритишда ҳам етакчи, ҳам тахлил этувчи сифатида фаолият курсатаёпти, талабанинг мустакил, ижодий фикрлаши шаклланади ва ривожланади, оғзаки нутки ҳам, ёзма нутки ҳам ривожланади, бойийди, машгулот мусобака тарзида ташкил этилгани учун ҳам кизикарли утади, талабанинг узига нисбатан ишончи ва масъулияти ошади. Узига ва узининг имкониятларига тугри баҳо беришга урганади, мавзуни яхши эсда олиб қолишга ёрдам беради, психологик билимлардан уз урнида фойдалана олишларига, ёшларни ижтимоий хаётга психологик жихатдан тайёрлашга, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга, юксак, теран ва атрофлича фикр юритадиган инсонларни тарбиялаб етиштиришга ёрдам беради.

## **8.2. Психология курсидан лаборатория машгулотларини утказиш методикаси**

Психология курсини уқитишда лаборатория машгулотлари унинг таркибий қисми хисобланади. Лаборатория машгулотларида талабаларнинг маърузаларда олган назарий билимларига аниқлик киритилади, мустахкамланади. Лаборатория машгулотларида талабаларда психологик тадқиқот утказиш қуникмаси ҳосил булади, талабалар тадқиқот методларини ушлаштирадилар ва уни кейинчалик мактабда ишлаганларида куллашлари мумкин булади. Бунда талабалар утказилаётган экспериментларда текширувчи, текширилувчи (тадқиқотчи, синалувчи) сифатида иштирок этиб, уларни мустакил утказишга урганадилар. Тажрибаларда иштирок этиш, шунингдек турли тест топшириқларини бажариш талабаларда алоҳида кизикиш уйғотадики, бу уларда уз-узини англаш, шахсий психологик сифатларни белгилаш, узининг таракқиёт даражасини аниқлаш имконини яратади.

Талабалар турли психологик масалаларни ечиш орқали уз билимларини амалиётда намоён қилишлари мумкин. Шундай масалаларни ҳал қила туриб талабалар келгуси амалий ишларида психологик билимларнинг зарурлигига яна бир бор ишонадилар. Амалий машгулотларнинг утказилишида турли масалалардан фойдаланиш уқитувчилар учун ҳам қул келади. Бунда

укитувчилар укув матеиалларининг узлаштириш даражаси хакида ахборот оладилар ва шу вақтнинг узида бу жараён устидан назоратни кучайтирадилар.

Лаборатория машгулотларида компьютер техникаси кулланилганда талабаларнинг барча аклий имкониятлари мужассамланади, бунда шунчаки якуний натижаларнинг назоратини эмас, балки талабаларнинг уз-узини назорат қилиш юзага чиқади.

Лаборатория машгулотларини утказиш ва куллаш мумкин булган бир канча иш турлари мавжуд. Хар бир машгулот учун иш турини танлаш дарснинг мавзуси, укитувчининг имконияти ва техник ҳолатларига боғлиқ булади. Лаборатория машгулотларини бошлашдан аввал укитувчилар талабаларнинг назарий тайёргарлигини текшириб қуришлари талаб этилади. Тажриба ишини олиб бориш хакида тафсилот белгилари ёзиб бориш учун қора дафтар, иш натижаларини синчковлик билан қайта қуриб чиқиб, тартибга солинган кейинги ҳисобот дафтари, ҳамда қилинган ишлар баёни ҳам расмийлаштирилади.

Машгулотларни мактаб материали (айниқса ёш ва педагогик психология курсидан) яъни у ёки бу методлардан фойдаланган ҳолда, мактаблардан олинган маълумотлар асосида утказиш мақсадга мувофиқдир.

Бу талабаларнинг укувчи психологияси хақидаги билимларини аниқлаштириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради, ёш психологияси масалаларига булган қизиқишларини устиради.

Қуйида шундай машгулот «Умумий психология», «Ёш ва педагогик психология» курсидан лаборатория ва амалий машгулотларнинг намунавий ишланмасидан мисоллар тавсия этамиз.

Умумий психологиядан 3-лаборатория машгулоти – Мавзу: «Шахс».

1. Қуйидаги тушунчаларни муҳокама қилиш «Шахс», «Индивид», «Индивидуаллик».

2. Укувчиларни маънавий талабчанлик даражасини уганишда баъзи методларни куллаш орқали мактабдан олинган материаллар билан талабаларни таништириш, бу материалларни ишлаб чиқиб, муҳокама қилиб шунга муносиб ҳулоса чиқаришларини таклиф қилиш методикалари, «Укувчилар коллективи ва укувчилар шахсиятини урганиш», «Тугалланмаган гап» методикалари. □

3. Психологик масалаларини ечишни таклиф қилиш. («Умумий психологиядан амалий ( лаборатория)ишлар»). Б Мамажонов ва бошқалар.

4. Уз шахсиятида уз- узини баҳолаш даражасини аниқлаш ва бир □ қлаш ва бир пайтнинг узида аниқ методикалардан фойдалана олишни урганиш мақсадида талабаларга уз-узини баҳолаш даражасини аниқлаш анкетасини таклиф қилиш (С.В.Коволёв «Юқори синф укувчиларини ҳаётга тайёрлаш»).

5. Ёш ва педагогик психологиядан 5-лаборатория машгулоти.

6. Успирин ёшининг психологик хусусиятлари.

1. Машгулотларни бошлашдан аввал талабалар педагогика институтидаги уқиш даврининг турли босқичларида учрайдиган қийинчиликлар характерини аниқлаш вазифасини бажаришлари лозим булади. Олинган материални муҳокама қилиб талабаларнинг олий мактабда уқишнинг ахамияти хақида

хулосага келишади. Талаба узининг укув фаолиятида ютукларга эришии учун кандай сифатларни эгаллаши кераклигини аниклаш.

2. Уз-узини тахлил килиш психотренинггининг элементларини куллаш «Уйлаб курунг ва жавоб беринг: Сиз учун нима хакида сухбатлашиш кизикарли? Укишдаги кийинчиликларингизнинг сабабларини айтинг? Калбингиз качон кувончга тулади? Хаётда нима сизга жуда огир ботади?»

3. Уз-узини тахлил килишга хулоса чикариш.

а) шу ёшнинг кизикиш ва кийинчиликларини аникланг.

б) таъсирчанлик холатларининг умумий сабабларини аниклаш.

4. Психологик масалаларни ечиш.

Талабалар лаборатория машгулотлари утказишга жалб килинганда укув гурухи яна 2 та гурухга булинади хамда хар бир талабага мустакил тажриба утказиш ва синалувчи ролида булиш имконияти берилади. Тажриба натижалари протоколга (кайдномага) ёзилади ва укутувчи билан биргаликда муҳокама килинади.

Лаборатория машгулотлари режасини тузишда талабаларга маърузаларда куриб чикилган мавзуларнинг методологик ва назарий томонларини мумкин кадар туларок очиш, илмий адабиёт билан мустакил ишлай олишга урганиш, психологик тадқиқот методикаси билан танишиш, мактаб укувчилари шахсининг таркиб топиши ва ривожланишини кузата билиш, психологик далилларни тахлил этиш, баҳолаш хамда тугри психологик – педагогик хулосалар чикара билишни урганиш имкониятини яратишни назарда тутиш керак.

Лаборатория машгулотлари режаси, мавзуга тааллуқли булган адабиётларни олдиндан талабаларга хавола этилади.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу: Психологиянинг илмий ва амалий вазифалари.

1. Замонавий психологиянинг илмий тадқиқот методлари классификацияси.

2. Замонавий психологиянинг тармоқлари предмети ва вазифалари.

Ишдан мақсад: янги тушунчаларни SWOT таҳлилини амалга ошириш орқали мустакил изоҳлашга ва уларни чуқур ангашга эришиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машгулотда замонавий психология илмий тадқиқот методлари классификациясига доир ёндашувларни мустақамлашга қаратилган топшириқ сифатида айнан шу тамойил асосида чоп этилган материаллар таҳлили амалга оширилади. Машгулот якунида илмий тадқиқот методлари ва психология тармоқларига кўра вазифалари аниқланади ва гуруҳларда муҳокама этилади.

Ишни бажариш учун намуна: Илмий тадқиқот методларининг S-кучли томонлари, W-заиф томонлари, O-имкониятларини, T-тўсиқларини кўрсатиш

орқали таҳлилини амалга оширинг.

**Назорат саволлари:**

- 1) Субъектив ва объектив методлар деганда нимани тушунаси?
- 2) Қандай илмий тадқиқот методлари классификациясини биласиз?
- 3) Замонавий психологиянинг амалий вазифалари нималардан иборат ?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P 24-25
2. Henry Kellerman, PH.D. Anthony Burry, PH.D. Handbook of Psychodiagnostic Testing. - Springer Science\_Business Media, LLC.2007.
3. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
4. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.
5. Маслоу А. Мотивация и личность. М., 1998.

**2.1.-мавзу: Шахс психологиясининг назарий ва амалий масалалари**

1. Шахс психологиясининг назарий ёндашувлари.
- 2.Шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари.
3. Шахсининг психологик баҳолаш методикалари

Ишдан мақсад: назарий олинган билимларни амалиётда қай тарзда акс этишини мисоллар орқали ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Амалий машғулот давомида турли мақсадларга йўналтирилган веб-сайтлар таҳлилини амалга ошириш топшириғи берилади. Машғулот якунида ҳар бир иштирокчи шахс психологиясига доир методика бўйича тақдимот топширади.

Ишни бажариш учун намуна:

<i>Методика номи</i>	<i>Методиканинг хусусияти</i>	<i>Методиканинг қўлланиш соҳалари</i>	<i>Методиканинг ютуқ ва камчиликлари</i>

**Назорат саволлари:**

- 1) Замонавий шахс назарияларининг қандай йўналишлари мавжуд ?
- 2) Шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари қайсилар?
- 3) Шахсининг психодиагностик баҳолаш методикалари.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duane P.Schults. Theories of Personality. Wadsworth, a division of Thomson Learning, Inc. Copyright © 2005.-550p.



2. The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009
3. Клонингер С. Теория личности: познание человека. -СПб.: Питер. 2003. - 720 с.
4. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.
5. Юнг К.Г. Психологические типы. -Мн.: ООО «Харвест», 2003.-528 с.

### **2.1.-мавзу: Шахс психологиясининг назарий ва амалий масалалари**

1.Шахс психологиясида ўлчаш ишлари ва методлар таҳлили.

2.Шахсни амалий ўрганиш усуллари. Майерс-Бриггснинг типологик индикатори. ММРІнинг мини-мульти шакли. “Катта бешлик” сўровномасини амалиётда қўллаш.

Тингловчилар билан шахсни ўрганиш сўровномаларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берилади. Тингловчилар машғулотда сўровномалар билан индивидуал ишлайдилар ва улар юзасидан психологик таҳлилларни амалга оширадилар.

Тингловчиларнинг методикалар билан ишлаш кўникмалари бўйича хулосалар чиқарилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Майерс-Бриггс “Типлар индикаторлари” сўровномаси қандай мақсадларда қўлланилади?
2. ММРІнинг мини-мульти шакли қандай баҳолаш шкалаларига эга?
3. “Катта бешлик” сўровномасининг шкалалари мазмунини изоҳланг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duane P.Schults. Theories of Personality. Wadsworth, a division of Thomson Learning, Inc. Copyright © 2005.-550p.
2. The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009
3. Клонингер С. Теория личности: познание человека. -СПб.: Питер. 2003. -720 с.
4. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.
5. Юнг К.Г. Психологические типы. -Мн.: ООО «Харвест», 2003.-528 с.

### **3 - мавзу: Индивидуал тафовутлар психологияси**

1. Темперамент, индивидуал тафовутларга доир ёндашуви.
- 2.Темперамент ва индивидуал тафовутларни тадқиқ этиш методикалари.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда хар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: гуруҳларга бўлинган холда, темперамент ва характерологик хусусиятларни ўрганиш методикалар таҳлил этилади.

Гуруҳдаги фаолият натижаси сифатида ҳар бир методика ФСМУ методи орқали таҳлил этилади, мисоллар билан бойитилади, ва якуний лойиҳа сифатида тақдим этилади.

Ишни бажариш учун намуна: “**Темперамент**”ни ўрганиш методикаларига нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



#### **Назорат саволлари:**

- 1) Темпераментга доир назарий ёндашувларнинг сананг?
- 2) Индивидуал тафовутларнинг ўзига хослиги нималарда акс этади?
- 3) Темпераментга доир методикалардаги фарқлар нимада?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
2. Schiffman H.R. Sensation and Perception: An Integrated Approach. 5<sup>th</sup> Edition. – John Wiley & Sons, 2001. – 608 p.
3. Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.
4. Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.
5. Общая психология и психология личности/ под.ред. А.А.Реан.- М.:АСТ:Астрель;СПб.:Прайм-Еврознак,2009.-639 с.
6. Реан А. А. Психология изучения личности: Учеб. пособие. СПб., Изд-во Михайлова В. А., 1999. 288 с.

#### **4- мавзу: Психологияда мотивация ва эмоция муаммолари**

1. Мотивация муаммосининг ривожланиш босқичлари.
2. Эмоция муаммосига доир назарий ёндашувлар.
- 3.Мотивация ва эмоциянинг амалий ўрганиш методикалари.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулот давомида мотивация ва эмоцияни амалий ўрганиш методикаларининг қўлланиш хусусиятлари таҳлили амалга оширилади.

Ишни бажариш учун намуна: гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир мисол бўйича SWOT таҳлилнинг натижаси тақдим этилади.

#### **Назорат саволлари:**

- 1) Медиа учун семиотика аҳамияти?
- 2) Семиотикада тексри таъсир оқибатлари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

6. Strongman K. T. The Psychology of Emotion. Copyright. John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester. 2003.
7. Изард К. Эмоции человека. М., 2001.
8. Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2002. – 512 с.
9. Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.
10. Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии.-Спб.: Питер, 2005.-550 с.

### **5 - мавзу: Когнитив қобилиятлар: назария ва амалиёт.**

1. Когнитив қобилиятларни ўрганишга доир психодиагностик методикалар.
2. Интеллект моделлари ва интеллектуал тестлар ўртасидаги боғлиқлик.
3. Когнитив қобилиятларни ўрганиш методикалар тоифалари.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда когнитив қобилиятларни ўрганиш амалий топшириқ берилади. Методикаларни қўллаш бўйича материал мисолида натижалар қабул қилинади.

Ишни бажариш учун намуна: ҳар бир гуруҳ когнитив қобилиятларни ўрганиш методикалари бўйича ўз тақдирот материалларини ишлаб чиқади.

### **Назорат саволлари:**

- 1) Когнитив қобилиятларни ўрганиш методикаларининг ўзига хослиги.
- 2) “Прогрессив матрица” ва “Маданий муҳитдан холи интеллектни ўрганиш” методикаларининг ўзига хосликлари нималарда?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P 24-25
2. David F. Lohman, Joni M. Lakin. Reasoning and Intelligence. New York: Cambridge University Press.- 2009.
3. Андреев О.А. Тренируем свое внимание /Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-232 с.
4. Андреев О.А. Тренируем свою память/ Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-224 с.
5. Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии.-Спб.: Питер, 2005.-550 с.



## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Мини-кейс 1.

#### “Кимнинг мактаби?”.

“Ташқи кузғатувчи” ўз имконияти жиҳатидан чекланган. У коммуникация иштирокчилари ўртасидаги белгиларни узатишни кузатишда чекланишлари мумкин ва намоён бўлиш частотасига қараб, уларнинг эҳтимоллигини холис баҳолаш мумкин. Эркин ифодаланган реакцияни, мулоқот иштирокчиларининг фаолиятида кузатилиш мумкин. Агар тайёр ускуналар бўлса, у ҳолда мия кутидаги ўзгаришларни улар ёрдамида баҳолаши мумкин, физиологик жараёнларнинг аниқлашга имкон бўлади. Фикр, эътиқод, хулоса, эмоция инсон қадрининг чуқур қисми ҳисобланади. Улар кузатилмайди ва ташқи кузатиш орқали уларни тилда изоҳлаб бўлмайди.».

*Ушбу мактабни аниқланг (фалсафий ва психологик). Масаланинг моҳиятида нима акс этганини таҳлил қилинг.*

### Мини-кейс 2.

**Қуйидаги вазиятларда психологик ҳимоя механизмларнинг ишлашини таҳлил қилинг:**

а) М. Ажрашишгандан сўнгра моддий қийинчиликка дуч келди. У қиммат киймалардан сўнгра развоқар анжозасини спортча услубга, ишга яёв боришга ўзгартирди. Ҳамкасблари ва танишларини бундай кейинишни қулайлигига ишонтирди, оқибатда сайирларга чиқишидан жисмоний зўриқиш олиб, ортиқча парҳезга ҳожат қолмади.

б) А. С. Уйга кўпинча ширакайф ҳолда келади. Оқибатда оилада жуда кўп жанжал юз беради. Озми, кўпми рафиқаси мдўконга чиққанда ҳамёнини унунтиб қолдириб, олиб кетиш учун зарурат туғилди. Антон эътироз билдирди: «Қам ичиш керак, шундагина унутмайдиган бўласан».

в) С. Биология бўйича уй топшириқларини тугатмаган эди. Синф олдида уятда қолмаслик учун у бошим оғримокда деб баҳона топди ва синфдан чиқиб кетди.

г) С. тўрт ёшда бармоқни сўриш одатини тарқ этганди. Етти ёшида унга онаси ажрашганлиги ва у онаси ҳамда “янги ота” билан яшашини маълум қилдилар. Натижада у яна бармоғини сўра бошлади.

д) А., аёллар футболни бўйича юлдуз, у ўйин пайтида оёқ пайларини чўзиб олди. У врачдан умуман футбол ўйнай олмаслиги ҳақидаги маълумотни этишгач, футбол тренери иши методикасини ўрганишга жадал киришди.

е) Кичкина И. онаси шапалоқ тортиб юборгандан сўнгар жуда хафа бўлди ва ўрнидан туриб, ўзи ўйнаб ўтирадиган бурчакка бориб, кўғирчоғини калтаклади.

ж) С. асабийлашаган вақтларида пианинога ўтириб олади. У бундай вақтда бир нечта ажойиб мусиқалар яратди.

з) О. доимо отаси бошқа оилага кетиб қолгач, уни туғилган куни билан табриклашни доимо унутиб қўйди.

и) И. математикадан имтиҳонни топшира олмади ва математиканинг жуда мураккаб фан эканлигини тушунтира бошлади.

### Мини-кейс 3.

#### 1-топшириқ:

Тиббиёт ҳамшираси З. - хукмронликка интилувчи, ўч олувчи, шубҳаланувчи, педантик. Доимо биринчи бўлишга интилади. Майда гап. Бошқалар устидан кулишдан, ўзини устувор қўйишдан ҳузур олади. Баъзида илтифотсиз ва шафқатсиз бўлиб қолади.

#### 2-топшириқ:

1. Шахс характеристикасининг типини аниқланг.
2. Темпераментини кўрсатинг.
3. Мулоқот ва иш турининг рационал усулини танланг.

#### 3-топшириқ:

Бемор В. эмпатияли, жуда кўнгидчан, дўстона муносабатларни ёқлайдиган. Вазмин, тортинчоқ, ўзига ишонмайдиган. Тез шубҳага берилувчан ва ноқулай вазиятларда эҳтиёткор бўлиб қолади. Аниқ сабабларсиз ховатир билан гумонсирайди, лекин оқибатлари кам эҳтимолли.

1. *Темперамент типини топинг.*

3. *Мулоқотнинг оптимал услубини танланг.*

### Мини-кейс 4.

**Шартли белгиларга кўра жадвални тўлдиринг.** («+»)- ушбу темпераментга хос хусусият, «-»)- темперамент хусусиятларининг ушбу шахсда акс этмаганлиги, «в» - ушбу хусусиятларнинг юқори намоён бўлиши, “с”-ушбу хусусиятнинг қуйи даражасини намоён бўлиши.

Темперамент хусусияти	Темперамент типлари			
	Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик
фаоллик				
реактивлик				
Реакция суръати				
пластиклик				
ригидлик				
Экстраверсия				
интроверсия				
сензитивлик				
безовталиқ				
эмоционаллик				

### **Мини-кейс 5.**

Психолог ташкилотда психологик хизмат масласи бўйича буюртма олди. Буюртмага кўра ташкилотдаги социал-психологик муҳитни ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатини ўрганиш масаласини кўйди. Психолог буюртмани олгач, тадқиқот ишларини амалга оширишни компьютер дастуридан фойдаланиш масаласини ташкилот раҳабариятига маълум қилди. Тадқиқот ўтказилишидан бир кун олдин психологга ташкилотга бир ҳафта мобайнида авария туфайли электр қуввати бўлмаслиги ва уларнинг буюртмасини кечиктирмасдан ўтказиш кераклигини маълум қилишди.

#### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Психолог психолог тадқиқот доирасидаги буюртмани ҳал қилиши учун қандай йўл тутиши керак бўлади. Масалани ҳал этиш юзасидан ўзингизни самарали вариантини тақдим этинг.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Экологик психология муаммолари.
2. Шахс назарияларига мувофиқ психотерапевтик ёндашувлар.
3. Темперамент ва характерологик хусусиятлар психодиагностикаси.
4. Индивидуал тавофутлар муаммосига доир ёндашувлар.
5. Эмоционал ҳолатларни амалий ўрганиш.
6. Социал ва эмоционал интеллект муаммолари.
7. Фрустрация ва унинг амалий ўрганиш
8. Когнитив қобилиятлар психодиагностикаси.



## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Индивидуаллик.</b>	<p>Ҳар қайси инсон бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассамлашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуал шахснинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий соҳаларида намоён бўлади.</p>	<p>A set of characteristics and properties that distinguish one individual from another ; the originality of the individual psyche and personality , originality , uniqueness. Individuality manifests itself in terms of temperament , character, clothing ( appearance ) , in the specific interests and qualities of perceptual processes .</p>
<b>Шахс.</b>	<p>Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан, бошқа кишилар билан мулоқот (муомала) га киришувчи одам шахсга айланади. Ижтимоий моҳияти шахснинг асосий тавсифи ҳисобланади.</p>	<p>Apart from the animal world and society, using language to communicate with other people ( treat ) the person entering . Main characteristics of the social nature of man</p>
<b>Аналитик психология</b>	<p>Юнгнинг шахс назарияси бўлиб, асосий эътиборнинг шахснинг ички кучлари ўртасидаги зиддиятларга ва ўзини индивидуация жараёни орқали ўзини эгаллашга интилишига қаратилади.</p>	<p>The theory of Jung's personality , which attaches great importance to the opposing forces to an intra and commitment to the attainment of self ( identity ) through the process of individuation</p>
<b>Интроверт</b>	<p>Е-типнинг қутбларидан бири</p>	<p>One of the poles of the E -type, characterized</p>

	<p>бўлиб, оғир-босиқликка интилиш ва ўз-ўзини таҳлил қила олишга мойиллик билан характерланади. Экстраверсияга қарама-қарши ҳисобланади.</p>	<p>by a tendency to show restraint and a tendency to introspection.</p>
<b>Нейротизм</b>	<p>Н-типи кутбларидан бири бўлиб, хавотирга тушиш, депрессия ҳамда кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туришига мойиллик билан характерланади. Барқарорликнинг акси.</p>	<p>(Neuroticism). One of the poles of the type N, characterized by a tendency to anxiety, depression, frequent mood swings. The opposite of stability.</p>
<b>Психотизм</b>	<p>Р-типи кутбларидан бири бўлиб, ёлғизлик интилиш ва эмпатиянинг бўлмаслиги билан характерланади. <i>Суперэгонинг</i> тескараси.</p>	<p>One of the P-type poles, characterized by a tendency to solitude and lack of empathy. The opposite of the superego.</p>
<b>Барқарорлик</b>	<p>Н-типи кутбларидан бири бўлиб, тинчликка бўлган мойиллик ҳамда эмоцияларнинг йўқлиги билан характерланади. Нейротизмнинг акси.</p>	<p>(Stability). One of the poles of the type N, characterized by a tendency toward tranquility , the absence of emotions.</p>
<b>Экстраверсия.</b>	<p>Е-типи кутбларидан бири бўлиб, мулоқотчанликка ва импульсивликка мойиллик билан характерланади. Интроверсияга қарама-қарши ҳисобланади.</p>	<p>One of the poles of the E-type, characterized by a tendency to sociability, impulsiveness. The opposite of introversion.</p>
<b>Тушлар таҳлили</b>	<p>Тушларни пациентга мотивацион</p>	<p>The psychoanalytic method by which</p>

	<p>низолар ва асоратларининг сабаблари тушунтиришда маълум символлар ёрдамида таҳлил қилишга асосланган психоанализ методи.</p>	<p>interpreted the symbolism of dreams in order to help patients understand the reasons for their symptoms and motivational conflicts.</p>
<p><b>Ирода</b></p>	<p>инсоннинг мақсадга эришишиш йўлидаги қийинчиликларни онгли бартараф этиш</p>	<p>a conscious person overcome difficulties on the way to achieving the goal .</p>

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.P 24-25
2. Henry Kellerman, PH.D. Anthony Burry, PH.D. Handbook of Psychodiagnostic Testing. - Springer Science\_Business Media, LLC.2007.
3. David F. Lohman, Joni M. Lakin. Reasoning and Intelligence. New York: Cambridge University Press.- 2009.
4. Duane P.Schults. Theories of Personality. Wadsworth, a division of Thomson Learning, Inc. Copyright © 2005.-550p.
5. Edited by Michael Lewis, Jeannette m. Haviland-Jones, and lisa feldman barrett. Handbook of emotions/ The Guilford press. New york london.- 2008.
6. Elizabeth A. Styles. The psychology of attention. This edition published in The Taylor & Francis e-Library, 2005.-232 p.
7. Gerald Matthews.- Cambridge University Press.- 2009.-906 p.
8. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. – Worth Publishers, 2010. – 910 p.
9. Schiffman H.R. Sensation and Perception: An Integrated Approach. 5<sup>th</sup> Edition. – John Wiley & Sons, 2001. – 608 p.
- 10.Strongman K. T. The Psychology of Emotion. Copyright. John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester. 2003.
- 11.The Cambridge Handbook of Personality Psychology// Edited by Philip J. Corr. Cambridge University Press 2009
- 12.Андреев О.А. Тренируем свое внимание /Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-232 с.
- 13.Андреев О.А. Тренируем свою память/ Серия «психологический практикум».-Ростов н/Д: «Феникс», 2004.-224 с.
- 14.Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
- 15.Дормашев Ю. Б., Романов В. Я. Психология внимания. - М., 1995.
- 16.Ж.Годфруа. Что такое психология? М. 1999 г. 2-том.
- 17.Зинченко Т. П. Память в экспериментальной и когнитивной психологии.– СПб.: Питер, 2002. – 320 с.
- 18.Изард К. Эмоции человека. М., 2001.
- 19.Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер, 2002. – 512 с.
- 20.Ильин Е. П. Психология воли. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – 368 с.
- 21.Ильин Е. Психология индивидуальных различий. М. 2003 г.
- 22.Клонингер С. Теория личности: познание человека. -СПб.: Питер. 2003. -720 с.
- 23.Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии.-Спб.: Питер, 2005.-550 с.
- 24.Максименко С.Д.Общая психология.-М.: «Рефл-бук», К.: «Ваклер»- 2004.-528 стр.
- 25.Мартин Д. Психологические эксперименты .Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004-480 с.

26. Маслоу А. Мотивация и личность. М., 1998.
27. Общая психология: в 7 т.: учебник для студ. высш. учеб. Под ред. Б.Братуся. – М.: Издательский центр «Академия», 2007.
28. Общая психология и психология личности/ под.ред. А.А.Реан.- М.: АСТ:Астрель;СПб.:Прайм-Еврознак,2009.-639 с.
29. Реан А. А. Психология изучения личности: Учеб. пособие. СПб., Изд-во Михайлова В. А., 1999. 288 с.
30. Фромм Э. Психология человеческой деструктивности. –М. 2000.
31. Шиффман Х. Ощущение и восприятие. – 5-е изд. – СПб.: Питер, 2003. –928 с.
32. Юнг К.Г. Очерки по аналитической психологии.-Мн.: ООО «Харвест», 2003.-528 с.
33. Юнг К.Г. Воспоминания, сноведения, размышления.-Мн.: ООО «Харвест», 2003.-496 с.
34. Юнг К.Г. Психологические типы. -Мн.: ООО «Харвест», 2003.-528 с.

#### Интернет сайтлари

1. <http://textshare.tsx.org>
2. <http://www.mgimo.ru/fileserver/>
3. <http://www.ssu.runnet.ru/...>
4. [http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch\\_14.htm](http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm)
5. <http://www.voppsy.ru>
6. <http://flogiston.ru/arch>
7. <http://psychol.ras.ru>
8. <http://psyberia.ru>